

*Поён Равшан, Жума Курбон*

---

# АМИР ТЕМУР ТУФИЛГАН ЖОЙ ЁХУД ЗАНЖИРСАРОЙ ҚИССАСИ

(Бадиа қисса)

*Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллигининг  
йиллигига бағишланади*

ТОШКЕНТ  
«ЁЗУВЧИ» НАШРИЁТИ  
1992

63.3(2У)

Р 13

4702620201—26

Р ————— эълонсиз — 1992

М. 362 (04)—92

© П. Равшан, Ж. Қурбон, 1992 й.

ISBN 5—8255—0094—4

Қариб, тўшакка мункиб қолган хонлар хони бу ёруғ олам билан видолашиш арафасида. Улусларидан чорлаб келинган ўғлонлари тиз букиб, унинг имосига ёрғак турибдилар. Ишонгинг келмайди. Йигирма беш йиллик салтанатида уни ҳеч ким — Одам боласи, бир кун келиб у ҳам ўлади, деб ўйламаган. Унинг бир оғиз калимаси бутун бошли шаҳарни ер юзидан йўқ қилишга кифоя қилган, бир кўз ола қилиши минг-минглаб бандию тутқинларни қиличдан ўтказишга, ёинки, умрбод қул қилишга етиб ортган. Сулаймон пайғамбарнинг бойлиги уники олдида нима бўлибди? Мовароуннаҳрдан уч йил давомида ташиб кетилган карвон-карвон олтину молу ашёларнинг ўзи юзлаб Болқиснинг хоки пойига ўнлаб чақиримларга поёндоз қилиб тўшаб чиқиш учун кифоя қиларлик эди. У босиб олган мулку мамлакатларнинг адади йўқ эди. Бу ёғи Миср этакларидан қайтган, нариги томони Ўрусу Ғарбий Украинага қадар қатли ом қилган «қумдан ҳам кўп» қўшин, қўйиб берса, бутун Ғоби саҳросини тилло билан қоплашга қодир эди.

Етмиш учга кирган Чингизхон жон талвасасида эди. Унинг кўзига ўзи бош бўлиб ўлдирган, ёстиғини қуритган миллионлаб кишиларнинг оҳу вовайлоси эмас, учу қуйруғи йўқ босиб олинган ҳудудлар, уларнинг бундан кейинги эғалиги кўричиб, жони рамақда эди.

Ниҳоят, у инқиллаб болишдан бош узди. Ўқтой Чигатойдан кичик бўлса-да, жойидан сакраб турди-да, отасининг елкасини қучиб, туришига ёрдамлашган бўлди. Ўқтой тахтнинг вориси эди. Чигатой Жўжи ўлиמידан кейин катта ўғил мақомида бўлса-да, Чингиз негадир уни тахтга муносиб кўрмади.

— Менинг сўнги хоҳишим ва эрким, сизларга охириг маслаҳатим шундай: бир-бирингиз билан иттифоқ бўлинг, ораларингга низо тушса, ҳокимиятдан ажралиб қоласиз. Яна ўзаро келишув ва муомалаю мадорада бўлинг, давлатингиз мустаҳкам ва барқарорликка юз тутади. Шунда фароғатда яшайсиз, умрингиз узун бўлади. Буларнинг ҳаммасига боис менинг демишларимдан бирон-бир важ сабаб, қинғирлик ахтармагайсиз. Буни бир мисолда сизларга далил этаман.

Чингизхон салқиб кетган қовоқлари остидан ҳаёт асари зўрға сезилиб турган кўзини кенжаси Тўлуйга қаратди ва тўрда осиглик

турган садоқни имлади. Тўлуи шашт билан туриб, ўқ тўла садоқни отасига олиб берди. Жони узилай-узилай деб турган Чингизхон уч ўғлига учта ўқ берди ва «синдиринг», деди. Уччаласи ҳам ўқни қарсиллатиб синдирди. Чингизхон бу сафар садоқдан уч дона ўқ олди-да, Чигатойга узатди. Чигатой ҳар қанча уринса ҳам, ўқларни синдиролмади. Ўқтой ҳам. Тўлуи ҳам бунга муваффақ бўлиша олмади. Бу машқнинг маънисини ўғлонлар олдиндан сезишган бўлса-да, донолик олдида ҳайратга тушгандек туришарди. Муаррихлар ушбу воқеани ҳижрий 624 (1227 м. й.) йилда юз берган деб уқдиришади.

Шу тариқа энг ёвуз, энг даҳшатли жаҳонгир ҳаётдан кўз юмди. Унга тобейлар Чингизхонни Одам наслидан дейишга ботина олмаган, бинобарин, унинг Одамларга ўхшаб ўлимга маҳкум эканлигини тасаввур қила олмаган бўлсалар-да, ўғиллари, набиралари, яъни ўзига яқин кишилар Чингизнинг кимлигини яхши билишган. У, очофат махлуқдек Осиёю Оврупони хемарган, жон-жаҳди билан чангалига олган бўлса, ўғиллари бу бобда ундан ўтказишга интилганлар. Шу боисдан Чингиз тириклигидаёқ ўз бошича ҳаракат қилиш, мустақиллик айшини суриш расмини одат қилган. Қилажак иши тадбирини олдиндан ҳозирлашга ўрганган Чингизхон ўлими олдиндан бекордан-бекорга жон сачратиб, талвасага тушаётган эмасди. Ака-укалар ич-ичидан бир-бирини кўролмас, бирининг бошини иккинчиси гажишга тайёр эди. Чингизнинг ҳамма умиди жон чиқиш олдидаги насиҳатнинг кучига қаратилган эди.

Чингизхоннинг ҳам кучи тириклигида эди. Устига тупроқ тортилгач, ўғиллари ўз билганларидан қолмади. Аслида оранинг бузилиши, қовушмасликнинг вужудга келиши тўнғич Жўжи билан боғлиқ эди. У, афтидан отасининг одатдаги босқинчилардан бири эканлигини, ҳеч қандай қудрат ва илоҳийлик унда йўқлигини ҳаммадан бурун англаб, унга бўйсуннишдан бош тортган эди. Чингизнинг кучи қудрати ўлжага оч бўридай ташланишга ўргатилган сон-саноқсиз мўғул суворийларида эди. Босқин ҳадисини олган, от устида ухлаб, от устида ейдиган навкарларни бошқаришда эса унинг тажрибаси кам эмасди.

Чингизхон вафотидан сўнг, ўғиллар ота тириклигида суюрғол этилган ўз улусларидаги қароргоҳларга жўнаб кетдилар. Ўқтой ота ўрнига улуг қоон бўлиб қолган бўлса-да, бош-бошдоқлик Чингизнинг охириги насиҳати сабаб, ўша кундан янада кучайган, пинҳонаси энди ошкора тус ола бошлаган эди.

Чигатой ўз аркони давлати билан Оҳангарон сарига, унга туташ бўлган Қуёш деб номланган манзилгоҳига равона бўлди. Чигатойнинг чекига Уйғуристон, Самарқанду Бухоро, хуллас, Жанубий Олтойдан то Аму этакларига қадар бўлган мамлакатлар тушди.

Муаррихлар гувоҳлик беришича, Чигатойнинг қароргоҳи Или дарёси бўйида бўлган. Бу ҳозирги Олмалик шаҳрининг яқинидаги манзил, дейиш мумкин.

Ворислик бобида ҳарна дарди ичида қолган Чигатой камгап ва зикна эди. Чингизхон вафотидан кейин унинг бир сўз демай Или сарига жўнаб кетиши Ўқтойни ичдан саросимага солиб қўйганди. У, бир илож қилиб Чигатойнинг кўнглини овлаш пайдан бўлар эди. Улуғ қоон тахтига ўтирган куни Чигатойга бир қарвон совға-салом жўнатиб юборди. Чигатой бутун салтанатнинг ҳукмдори йўллаган тортиқларни менсимайроқ қабул қилган бўлса-да, бундан қониқиш туйди. Ўқтойнинг «ён бериши»ни у ўз кучи ва мустақиллигининг тан олиншига йўйди.

Чигатой асосий қисми мусулмонлар бўлган улусини қаттиққўллик билан идора қилишга киришди. Муаррихлар унинг насроний (христиан) динида бўлганлигини айтиб кетишган. Мўғул босқинчиларининг бошданоқ эътиқод, дин масалаларида субути қатъиятли бўлмаган. Улардаги бу султ кайфиятдан аввало ислом, сўнг насроний руҳонийлари усталик билан фойдаланишга киришганлар.

Бу ерда гапни бироз олдин кечган воқеаларга буришга тўғри келади. Мўғулларнинг Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатига бостириб келиши сабаблари ҳақида баҳс қилганда ўрус муаррихларининг айримлари, хусусан, академик В. В. Бартольд ҳамма айбни туркий ҳукмдор гарданига юклашга мойиллиги билан ажралиб туради. Муҳаммад Хоразмшоҳ улуғ туркий салтанатни вужудга келтирган, Ўрта Осиёнинг асосий қисмини, ҳозирги Афғонистон ва бутун Эронни (Хузистонни ҳисобга олмаганда) бирлаштирган эди. Лоқайд ва танбал табиатли. Муҳаммад Хоразмшоҳ жуда катта давлатга эга бўлгач, араб халифалигини танимаслик йўлини тутди. Табиийки, бу Халифа ан-Носирда унга қарши фикрлар уйғотмай қолмайди. Ўрта аср муаррихлари Халифанинг Қорақурумдаги элчихонаси ҳақида хабар берадилар. Ан-Носир ички уруш ва низоларни тинчитиб, бениҳоя катта ҳарбий қувватга эга бўлган, Хитойни ўзига тобё қила олган Чингизхон қиёфасида ўзини танимай қўйган Муҳаммад Хоразмшоҳни жиловлайдиган кимсани кўради. У билан алоқа боғлаб, Чингизхонни жануб юришига даъват этади. Кейинчалик мусулмон савдогарларининг Чингизхон ҳузуридан паноҳ топиши, улардан олинадиган божлар миқдорининг камайтирилиши илдишлари ҳам шу алоқага келиб туташарди. Савдогарлар, айниқса, Хитой мўғуллар тасарруфига ўтгач, ўз ҳаракат доираларининг келажagini Чингиз давлатида кўрдилар ва унинг хизматида бўлишни авло билдилар.

Чингизхон ўз йўлида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кўндаланг турганлигини яхши биларди. У, бу ғовни олиб ташлагунча, узоқ ва пинҳона тайёргарлик кўради. Шу боисдан ҳам, Халифа ан-Носирнинг даъвати ва кўмагига, савдогарларнинг эса жосуслик маълумотларига қизиқиш билан қарайди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ, аксинча, уруш қилишга тайёр ҳам эмасди, бундай оқибатни у ўйлаб ҳам кўрмаганди. Чингизхон гоят устамон-

лик билан уруш чиқариш вазиятини вужудга келтирадики, охир-оқибатда ҳамма гуноҳ турк подшоҳининг бўйнида қолади. Араб ва Форс тарихнависларининг халифа ан-Носир ҳақида айтганлари нима учундир акад. В. В. Бартольднинг назарига чалинмай қолади. Бундан ташқари, Бартольд умуман мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги даҳшатли қилмишларини; чидаб бўлмас даражадаги қирғинларини юмшатиброқ, кичрайтириброқ тасвирлаш йўлини танлайди. «Қарға қарганинг кўзини чўқимайди», деган мақолни эсламай бўладими бу ўринда? Йўқса, Чингизу Чигатой бош бўлиб келган 1219 йилги Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бўлак шаҳарлар қирғинида юз берган даҳшатнинг асло қиёси йўқ. Бухоро ер билан битта қилинган бўлса, Самарқандда аҳолининг тўртдан бир қисмигина тирик қолган эди.

Уша йиллари, халқнинг, ватанпарвар фидойиларнинг қони дарё-дарё бўлиб оқаётган пайтлар шамонпараст мўғул ҳукмдорлари мусулмон руҳонийларини олиқ-солиқлардан расман озод қилади. Фақат бу имтиёздан яҳудий раввинларигина бенасиб этилади. Бу далил ҳам Чингизнинг Халифа билан тил бириктирганлигига ишора эмасми? Қолаверса, Ўрта Осиёда юз берган мўғул яғмосининг исини билган насронийлар ҳам имконни бой бермасликка тиришадилар. Рим папаси ўз роҳибларини Мовароуннаҳр шаҳарларига юбориб, католик ақидаларини тарғиб эттиришга киришади.

Чингизхоннинг ўлиmidан сўнг диний эътиқоддаги беқарорлик хонзодаларда яққолроқ кўриниб қолади. 1248 йилдаги бир ҳужжатда айтилишича, Гуюкхон ва яна 18 мўғул шаҳзодаси насронийлар динини қабул қилганлар. Чигатой ҳам насроний эди. Буни вақтида улар ҳузурда бўлган сайёҳ Марко Поло ҳам ёзган эди.

Чигатой улусининг нуфуси ислом динида эди. Чигатой насронийларга ҳомийлик қилгани ва марҳамат кўрсатгани ҳолда, мусулмонларга нафрат назари билан қараган. Чингизхон даврида шаклга кирган Ясоқ қонунларига кўра, оқиб турган сувга кириш, қўйни бўғизлаб сўйиш манъ қилинган. Мусулмонлар таҳорат қилишда, қўйни сўйишда Ясоқ туфайли кўп азият чекканлар. Чигатой Ясоқни жон-жаҳди билан ҳимоя қилар, унга тўғри келмайдиган урфларни таъқиқларди. Муаррихлар ҳикоя қилишича, Чигатойнинг олдида бирон-бир мусулмоннинг номи тилга олинадиган бўлса, бу сўкишсиз, ҳақоратсиз бўлмаган. Дейлик, «уйинг куйгур», «тилинг кесилгур», «кўр бўлгур» сингари сўзлар мусулмон исмини «безаб» айтилган энг жўн иборалар бўлган.

Энг даҳшатлиси шулки, Чигатой бирор-бир мусулмоннинг ўлими хабарини келтирган касга 500 динор суюнчи берган. Бошқа улусларни бошқарган чингизийлар қатагон қилишда Чигатойдан қолишмаган бўлсалар-да, босиб олинган, таланган, қул қилинган шўрпешона халқимизнинг эътиқод бобида ҳам азоби қаттиқ бўлган.

Лекин, Чигатой билан тил топишиб кета олган мусулмонлар ҳам йўқ эмасди. Вақтида Чингизхон сотқинлар, ватанфурушларни ёнига олиб нафъ кўрган эди. Маҳмуд Яловоч, Бадриддин Амид, Ҳасан Хо-

жа, Али Хожа, Юсуф Ҷтрорийлар Муҳаммад Хоразмшоҳнигина эмас, ўз ватандошларини ҳам доғда қолдирган эдилар. Хоинлик гуллаб-яшнаб турган шаҳар ва қишлоқларнинг култепаларга айланиши, бегуноҳ юртдошлар қонининг аёвсиз тўкилишига сабаб бўлган эди.

Чигатой саройида ўрин топган хос кишилардан бири Қутбиддин Ҳабаш Амид эди.

Душман хизматига кирган маҳаллий халқ вакилларининг ҳаммасини Қутбиддин сингари ёмонотлиқ қилиш тўғри бўлмас. Ўрта аср тарихчилари ҳам буни яхши билганлар. Нега бўлмасам, Қутбиддин Ҳабаш Амид муаллифлар томонидан ички бир норозилик ила тилга олинади? Ҳатто, унинг келиб чиқиш жойи ҳақидаги фикрлар ҳам турлича. Масалан, Рашидиддин у ҳақда: «ҳоли Ҳабаш Амид чунон астки, у марди мусулмон буд, битикчи Чигатой, асли у аз Ҷтрор», деб ёзган бўлса, Жамол Қарший Қутбиддиннинг Бухоро яқинидаги Карманадан бўлганлигини, шу сабабдан уни «Ҳабаш Амид ал-Карманий ал-Бухорий ал-Иларғовий» деб юритганларини айтади. «Ал-Иларғовий» нисбаси Чигатойнинг ўрдаси жойлашган мавзё номидан қиёсан қабул этилган. Муаррих Насавий бўлса Қутбиддинни Хуросоннинг Устуво деган жойида туғилган деб кўрсатади. Бу чигалликда ҳам маълум мазмун бор, албатта.

Қутбиддин ҳали Чингизхон Мовароуннаҳрни қонга ботириб юрган кезларда унинг ўрдасидан ўрин топган. Бу яқинлик шунчалар мустақкам бўлганки, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳарамий қўлга тушганда, унинг бир қизини Чигатой, иккинчисини Қутбиддин олган. Қутбиддин Мовароуннаҳрда амалга оширилган хунрезлик ва хўрлашнинг бошида турган эди. Чингизхон ўлимидан сўнг у Чигатойнинг вазири даражасига кўтарилади.

Мовароуннаҳрда мўғул босқинчилари ўз ниятларининг биринчи қисми - қириш ва талашни амалга ошириб бўлиб, энди эзиш палласига кўчган эдилар. Бу эътиқод қатағони, исломга бўлган хуруж эди. Ислом арбоблари бошда ҳам мўғулларнинг — гайри динлиларнинг ўлкага зулм — ваҳшат ила ўлаксадек ёпирилиб келишларига қарши бўлганлар.

Мўғул яғмоси даврида ҳеч бир шаҳар Бухородек вайрон ва яқсон қилинмаган бўлса керак. 1220 йилнинг қиши чиқиб, илк баҳор нассими эса бошлаган пайт Чингизхон бало-қазодек Бухоро устига ёпирилиб келиб қолади. VII-VIII асрларда араб босқинчиларига қарши мардонавор жанглар олиб борган, охир-оқибатда, Шарқнинг энг улуг исломий шаҳарларидан бирига айланган Бухоро мўғуллар келган йилларда «Фаҳира» деб табаррук ташбеҳ ила аталарди. Шарқ шуароси Бухорони «қуввати исломи дин аст», деб бежиз кўйламаган. Мана шуни назарда тутган Чингизхон ислом оламининг Ўрта Шарқдаги бешигини бутунлай йўқ қилишга киришганда, узоқни кўзлаган эди.

Турк хонлари, қабила улуғлари, қўлга қурол тутган жамики кишилар мудофаа кунлари ҳалок бўладилар. Халқнинг қолган-қутгани

далага ҳайдаб юборилиб, шаҳар бир неча кун талон-тарож этилади. Сўнг, одамларни ҳайдаб келишиб уларнинг кўз олдида, йиғи сигиларга қарамасдан, қизу жувонларни зўрлашга тушадилар.

Имом Рукниддин чидаб туролмайди. Бундай ваҳшийликни одам боласи Одам Ота замонасидан буён кўрмаган эди. У қўлидаги заранг ҳассаси билан юзсиз, махлуқсифат мўғул навкарларини аёвсиз сава-лай бошлайди. Унинг изидан ўғли ҳам отилиб чиқиб, муштлашишга тушади. Қози Садриддин ҳам ҳақорат ва оёқ ости қилинишга тоқат қилолмай, имом ва унинг ўғли ёнига қўшилади. Қуролсиз кишиларни бир пасда забардаст навкарлар улоқ қилиб кетади.

Имом ва қозини ваҳшийёна оломон қилганларида Қутбиддин шу ерда эди. Йўқ, ҳали у одамлар орасида, саркардага йўл топиш илин-жида судралиб юрган эди. Мўғулларга шундай каслар жуда керак эди. Бухорода кимнинг моли дунёси бор, қасрга яширилган — буни аниқлаш зарур эди. Аниқлайдилар ҳам. Бойлардан 280 киши рўйхатга олинади. Махсус кишилар тайинланиб, олтину кумуш, дуру гавҳар, тақинчоқу безаклар, кийим ва матолар битта қолдирилмай йиғиб олинади. Қутбиддин ана шу кунларда кўзга ташланиб қолади.

Мўғулларнинг ифлос қадами қайси манзилга етмасин, изларида куйиб кул бўлган уйлар, кўмилмай қолиб кетган сон-саноқсиз жа-садлар қоларди. Ёш-яланг навбатдаги жойни забт этиш учун ҳайдаб олиб кетилар, улардан истеҳком қуришда ва черик олдига солиб, ўққа нишона қилишда фойдаланишар эдилар. Ишга яроқли аҳоли бошлиқлар орасида тақсимланар, улар энди қуллик истибдодига со-линар эди. Муаррих Вассафнинг гувоҳлик беришича, Бухорода 1260 йилда қилинган бир рўйхатга қараганда, бу шаҳарда Боту авлодига тааллуқли 5 минг, Тўлуйнинг беваси Сойиркўктенига оид 3 минг, улуг ҳоқоннинг — Чингизхоннинг ўзига тегишли 8 минг қул — ҳунарманд бўлган.

Кўпинча мўғул боққинчиларига ён босиб ёзадиган тарихчи Раши-диддин далолатича, зулм ва таадди шунчалик кучаядики, деҳқон олиқ-солиқлар (авориз) оғирлигидан олган маҳсули, яъни дон-дуни урвоқ ҳам бўлмай, хонавайрон бўлган.

Мовароуннаҳр ўт ичиди қолиб, мағлуб бўлган пайтдаёқ боққинчи ёвузларга бош эгмаган кишилар бўлган. Ҳарб ишига яроқли эл қири-либ битган бўлса-да, жисмида жони бор кексаю ёш, аёлу эркак ўч олиш, интиқом кайфияти билан яшаган.

Бизда узоқ вақтлар шаҳарларнинг таслим бўлиши «мутаассиб шайхлар; феодаллар»га тўнкаб келинди. Албатта, бу фикрда қисман ҳақиқат бор. Лекин, узуқ-юлуқ етиб келган маълумотларни таҳлил қилганда, кўз олдимизда бошқача манзара гавдаланади. Алишер На-войи ҳазратларининг «Насойимул муҳаббат» асарида бу ҳақда гоят таъсирли бир ҳикоят бор. Унда ватанпарвар шайх Нажмиддин Қубронинг мўғуллар алдовига учмаганлиги, халқи билан ёнма-ён ту-риб жанг қилганлиги ва шаҳид бўлганлиги нақл қилинади:

«Чун тотор куффори Хоразмга етибтурлар. Ҳазрати шайх [Наж-миддин Қубро] асқобини йиғиб, амр қилибтурларки, вилоятларин-



гизга боринг, Алар ул ҳазратнинг амри била ўз вилоятларига бориб-турлар. Асҳобдин баъзики, ҳазрати Шайхқа дағи чиқар илтимос қилибтурлар. Шайх дебтурларки, биз бу куффор илкида шаҳид бўлурбиз. Асҳоб тарқагандин сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар. Ҳазрати Шайх қолган асҳоб била чиқиб, газвга машғул бўлуртурлар, то шаҳодат шарбатин тотибтур. Дерларки, шаҳодат вақтида бир кофирнинг парчамин тутқон эрмишлар. Андоқки, шаҳодатдин сўнгра ўн киши ойира олмайтур ва ул парчамни кесиб ойирдилар».

Ёвузлик ва зулмга қарши чиққанлар орасида Шайх Сайфиддин Бохарзий ҳам бўлган. Худди шу «Насойим ул муҳаббат» да бу зотнинг муборак номи ҳар зикр этилган:

«Шайх Сайфиддин Бохарзий — Шайх Нажмиддин Қубронинг хулафосидинтур. Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра ҳазрати Шайх мулозаматиға мушарраф бўлди ва тарбият топти... Олти юз эллик саккизда [милодий ҳисобда — 1258 йил] оламдин ўтубтур ва қабри Бухородатур. Шайхул-оламға машҳурдир».

Сайфиддин Бохурзий истилочиларнинг ниҳоятда мудҳиш давом этаётган жабру зулмиға норозилик билдиради. Айниқса, у Қутбиддин Ҳабаш Амидни қаттиқ огоҳлантиради. Унга шеърий мактуб йўллаб, бу қилмишлари учун охиратда жавоб беражагини эсга туширади:

Нусрати ҳақро дар ин давлат муайян чун тўи,  
Бас, агар накуни бируз, хашр чи узр овари?  
Андарин миллат ки, бодо то қиёмат пойдор,  
Дониш-у пир-у ислом аст шарти сарвари.  
Чун жувони бе ҳунар жўяд сари назди ки ақл,  
Омолсн хирро айби нобошад бесари.  
Ҳудҳуд қаввода дар жойики бошад тождор,  
Оре набуд бозор дар уҳда у бе афсари.  
Оқлонро кунж бехтар, чун сафиҳои сар шунад,  
Дор чун минбар шуд, бехтар буд бе минбари.

Таржимаси:

Сен муайян шу давлатда ҳақнинг қарор топишиға масъулсан, бинобарин, уни бажара олмасанг, маҳшар кун нима деб жавоб берасан? Билим, қарилик ва ислом қиёматға қадар барқарор бўлган миллатда бошлиқ бўлишнинг асосий шарти бўлиб қолаверади. Беҳунар, тажрибасиз ёш, бош бўлишға уринса, донишманд кексалар олдида айб ва бебошлик саналади. Ҳудҳуд тождор бўлган жойда бургутнинг қуйи тушиши гуноҳ ҳисобланмайди. Ақлли кишилар нодонлар бош бўлганда ўзини четға олиб, бурчакда ўтирганлари маъқул. Қаср минбар жойи бўлса, бундай минбарнинг боридан йўғи авло.

Шу вақтға қадар эътибордан четда қолган бир фикрни келтириб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. И. П. Петрушевскийнинг ёзишиға қараганда, XIII аср бошларида яшаган Хитой сайёҳи Чан-Чунь 1222 йилда Ўрта Осиёнинг талон-тарож қилингани ва очарчиликка юз

тутганлигини қайд этган экан. Чан-Чуннинг ҳикоя қилишича, ўша пайтда Самарқандда аҳолининг тўртдан бир қисми қолган. Шаҳар теварак-атрофидаги қишлоқлар очликдан қаттиқ қийинчиликлар тортган. Хонавайрон бўлган деҳқонлардан «қароқчилар тўдаси», яъни И. П. Петрушевский айтганидек, партизан отрядлари пайдо бўлган. Чан-Чунъ таъкидлашича, ана шу партизан отрядлари сабаб ҳар тунда Самарқандда мўғуллар турган жойларда ёнғинлар чиқиб, қий-чув авж олган.

Мўғул босқинчиларига ён босган, уларнинг хунрезлиги ва ёвуз-лигини, талон-торожини камайтириб, юмшатиб кўрсатган академик В. В. Бартольд ҳам бу хилда халқ жасоратидан кўз юмолмаган. Босқинчиларга қарши ўз-ўзидан вужудга келган қасоскорлар гу-руҳлари ҳали уюшмаган бўлса-да, душманга катта талофот етказган. Афтидан, Ўқтойнинг (1241) ва Чигатойнинг (бу ҳам Ўқтойдан сўнг кўп ўтмай нариги дунёга равона бўлган) ўлиmidан сўнг, бу ҳаракат жонлана бошлаган.

Ватанпарвар дин аҳли қасоскорларга ҳар томонлама мадад кўрсатган. Маълумки, Мўғул ҳукмдорлари ислом руҳонийларини олиқ-солиқлардан озод қилган эди. Душманга қаршилик кўрсатиш учун табиийки, қурол-яроғ, от-улов керак. Сўфийлар, имомлар бу ишга бош қўшганлар, дейиш мумкин. Шайхул-олам Сайфиддин Бо-харзийнинг Мўғул ялоқхўрига очиқчасига ёзган шеърий мактуби ҳам бундай фараз қилиш имконини беради.

Дастлаб қаршилик кўрсатиш йўсинида бўлган қасоскорлик ҳаракати аста-секин озодлик кураши тусини ола бошлайди. Бу ҳаракатнинг бошида маҳаллий халқ вакилларидан бўлган бирдан-бир маънавий йўлбошчилар (чунки, маҳаллий халқ вакилларидан биронта ҳам каттаю кичик бошлиқ йўқ эди, бундан баъзи сотқинлар мустасно, холос) ислом руҳонийлари эди. Ислomий озодлик ҳаракатининг XIII аср ўрталаридаги асосий бешиги Бухоро, Қарши ва Самарқанд бўлиб қолади. Бу ҳаракатни акад. В. В. Бартольд ҳам эътироф этишга мажбур бўлади:

«Мўғул босқини даврида сўфийлар бошқаларга қараганда халқни қаттиқ қаршилик кўрсатишга, уйғотишга жон-жаҳдлари билан унда-дилар». Бу сўзлар унинг «Туркистон Мўғул ҳукмронлиги остида» (1227—1269 й.) деган рисоласининг 541-саҳифасида берилган.

Қашқа воҳасида ҳам Ўрта Осиёда машҳур сўфийлар бор эди. Мўғул яғмосининг барча кулфатларини кўрган Шайх Шамсиддин Ку-лол озодлик ҳаракатига зимдан раҳбарлик қилган дейиш ўринли бўлади. Гарчи бироз олдинга кетиб бўлса-да, айтиш жоизки, Амир Темур ҳам унинг олдига яширинча келиб-кетиб турганки, унинг мақсадини тушуниш унчалик қийин эмас. Умуман, ислом уламола-рининг мақсади умумий ишга — ғайри дин келгиндиларни йўқ қилишга қаратилган. Чунки, ўлкада озодлик ҳаракатини ташкил эта-диган бошқа куч ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Нажмиддин Қубро Хоразмда қаршилик ҳаракатига асос солган бўлса, унинг шогирди Сайфиддин Бохарзий Бухорода бу ишга бош бўлган. Шайх Шамсид-

дин Кулол, маълум маънода унинг шоғирди ҳисобланадиган Баҳоуддин Нақшбандий ҳам шу интилишлардан четда бўлмаган.

Мовароуннаҳрда янги куч этилиб келмоқда эди. Бу кучнинг вояга етишида нуфузли ислом олимлари, арбоблари мутасаддилик қила бошлаган эдилар. Чингизхондан, унинг қарам халқларга паст назар билан қараган ўғиллари Ўқтой, Чигатойдан сўнг ҳокимият тепасида қолган, бир-бири ила жиққамушт бўлаётган хонзодалар Мовароуннаҳрда етилаётган бу кучни илғаган эдилар. Салтанат бойлигининг қаймоғи бўлган Мовароуннаҳрни қўлдан чиқармаслик учун улар ҳамма нарсага тайёр эди. Шу жумладан, ислом динини қабул қилишга ҳам. Энди шу хусусда ҳикоя қиламиз.

### 3

«Улуғ қоон» — Ўқтой 1241 йилда оламдан ўтади. Муттасил ша-робхўрлик уни нариги дунёга етаклаган эди. Чингизхоннинг хонадонига қарғишнинг каттаси теккан эди, чоғи. Шу йили, Ўқтойдан тўрт-беш ой кейин Чигатой ҳам адам дунёсига кетади. Табиб Мажидиддин ҳар қанча уринмасин бутун вужуди қаҳр билан заҳарланган Чигатойни оёққа турғазиси мумкин бўлмаган. Аксинча, малика Есулан эрини ўлдиришда айблаб вазир билан табибни жаллод қўлига топширади. Чигатойнинг табиий ўлими яна икки умрнинг заволи бўлади.

Бу мўғул ҳукмдорлари феълини тушуниш жуда қийин. Чигатой ҳали куч устида эканлигида ўғиллари қолиб, набираси Хара-Хулагуни ворис қилиб белгилайди. Буни улуғ қоон Ўқтой ҳам маъқуллаган бўлади. Хара-Хулагу Мутугеннинг ўғли эди. Мутуген Бомийн қамали вақтида ҳалок бўлганди. Чигатой ана шу жангари ўғлининг етимчасини ворисликка тайинлаб, ўзи билмаган ҳолда, низо оловига ўтин қалаб қўйган эди.

Ўқтойнинг вафотидан кўп ўтмай, муносабатларни ойдинлаштириш мақсадида, хунрезлик авж олади. Хон ўрдасига кимки чақириладиган бўлса, у бола-чақаси билан видолашиб жўнаган. Ўрда — ўлимгоҳга айланиб қолган эди. Хара-Хулагу ҳокимият тепасига келгач, мўғуллар салтанатида одат тусини олган жабр-зулм, қиргин сиёсати барҳам топмади. Бунинг устига, хонзодаларнинг тожу тахт таллашиб зимдан давом этиб келаётган ихтилофлари энди очиқчасига, оммавий тус олади.

Чингизхоннинг ҳаёт бўлган ўғиллари, шунингдек, набиралари (Боту, Тўлуй) орасида таъсирли, ҳаммани орқадан эргаштирадиган оқил шаҳзодалар йўқ эди. Ўзаро ажралиш кундан-кунга кучайиб бораётганди. 1256 йилги Қурултой бунинг кўрсатди: Тўлуй ва унинг онаси, Чигатой ўғиллари Қурултойга келишди-ю, Ботухон бешта вакилни жўнатиб, ўзини четга олди. Бу — қандай счимга келсаларинг ҳам, менга барибир, қабилида иш тутиш эди, албатта. Қурултойда Ўқтойнинг катта ўғли Гуюк хон кўтарилди. Гуюк хон бўлиши билан Чигатой авлодига зуғум ўтказа бошлайди, тез орада Хара-Хулагу

пастлаштирилади. Энди улус тахтига Чигатойнинг ўғли, Гуюкнинг жонажон дўсти Есу Мунка чиқади. Бизга таниш Қутбиддин Ҳабаш Амид Гуюкнинг қаҳрига учрайди-ю, иккинчи бир хоин Баҳоуддин Амид вазирликка кўтарилди. Бу, ўша, Ўтрор қамалида панд берган хоин эди.

Гуюкхон даврида мусулмон аҳли яна қаттиқ ситамларга дучор қилинади. Насронийликка ружу қилган хон исломга масхара кўзи билан қараган. У, жумладан; ислом динини ошкора обрўсизлантириш ҳаракатида бўлади. Сурия, Юнон, Ироқ ва Ўрус мамлакатларидан келган насронийлар йиғинида пайгамбар ҳақида матрасиз гаплар айтади. Лекин, муаррих Жузжонийнинг ёзишича, яъни: «жамоъати тарсоён ва қасисон ва тоифаи тойнони бутпарастии аз Гуюк илтимос намуданд ки, он имоми мусулмонро ҳозир кунад то бо у мунозара кунанд».

Хуллас, насронийлар, шамонийлар, бутпарастлар илтимосига кўра исломни махв қилмоқ учун Имом Нуриддин Хоразмий баҳсга чорланади: Баҳс Гуюкхоннинг иштирокида ўтади. Насронийлар Имомдан сўрайдилар:

— Муҳаммад қандай одам бўлган, тушунтириб бер?

Имом:

— Муҳаммад пайгамбарларнинг сўнггиси, набийлар бошлиғи, Оллоҳнинг элчиси... Мусо унинг сифатларига маҳлиё бўлиб, нидо қилган экан: «Эй Оллоҳ, мени Муҳаммад жамоасига қўшғил»... Исо ҳам унинг ҳақида қувонч ила сўзламиш: «Мендан сўнг келажак олижаноб набийнинг исми Аҳмад бўлғуси».

Насронийлар:

— Пайгамбар — соф руҳоний ҳаёт кечиргувчи киши бўлади, яъни Исо янглиғ, аёлларга ҳаю ҳавас қилмайди. Муҳаммаднинг эса тўққиз хотини ва болалари кўп бўлган. Буни қандай тушиниш керак?

Имом:

— Довуд пайгамбарнинг 99 та хотини бўлган; Сулаймоннинг эса 360 хотинию мингта канизаги бўлган...

Мунозара камситиш, мазах қилиш йўсунида давом этса-да, Имом Нуриддин берган жавоблар олдида улар сўз тополмай қолишади. Насронийлар мулзам бўлиб, Гуюкхондан «мусулмонларнинг намоз адо қилишларини» сўрашади. Имом Нуриддин ва тагин бир мусулмон таҳорат олиб, намоз адо қилишади. Насронийлар намоз пайти уларга қаттиқ ҳалақит беришга интиладилар. Шунга қарамай, улар қунт ва бемисл эътиқод ила намозни ўқиб тугатадилар.

Ровийлар шу ҳақда ҳикоя қилганларида, исломни масхара ва табаррук имомни ҳақорат этганлиги учун ўша оқшом Гуюкхоннинг ўлиб қолганлигини алоҳида уқдириб айтадилар. Гуюкхон 1248 йилда вафот этади. Демак, бу воқеа ҳам шу йилда юз берган.

Гуюкнинг ўлими Чингизхон сулоласида ҳокимият талашларининг янги тўлқинига сабаб бўлди. Тахт вориси муаммоси тўрт ўғил авлоди ўртасида талашга айланди. Шундай бир нақл бор, эмишки, Ўқтой қоон авлодидан бир парча гўшт қолган бўлса ҳам, шуни хон кўтариш

лозим эмиш. Лекин, Ўқтой ўз меросхўрларига кўнгли тўлмаган чоғи, ҳаётлиги пайтида «болаларим ва набираларим орасида тахтга лойиқ фазилатлилари бўлмаса керак», деб хавф қилган экан. Бу нақл Ўқтой уруғининг тожу тахтга нечоғлик қаттиқ ёпишганлигини англаш учун кифоядир.

Нима бўлганда ҳам, бу сафар Ботунинг гапини олишади. Боту энди Чингиз авлодидаги энг ёши улуг киши эди. Унинг таклифи билан «улуг қоон»ликка Тўлуйнинг ўғли Мункэ муносиб кўрилади. Гарчи бу қарор Ўқтой ва Чигатой уруғига ёқмаган бўлса-да, 1251 йилда Қорақурумда бўлган Қурултойда Мункэ тахтга тасдиқ этилади. Мункэнинг тахтга чиқиши ҳам ўз жигарларининг қонини кечиб ўтиш ҳисобига бўлади. Шаҳзодалар Мункэни ўлдириш учун фитна тайёрлайдилар, аммо, бу қасд аниқ бўлиб қолгач, шаҳзода Ширамуннинг отабеги ва яна 77 амир қатл этилади. Малика Ўғул — Қаймиш ва Ширамуннинг онаси Қодоқач хотун ҳам фитнада айбланиб ўлдирилади. Ширамуннинг ўзини ҳам кейинроқ сувга чўктириб юбордилар.

Мункэнинг ҳокимият тепасига келиши Чигатой улусида яна Хара-Хулагу салтанатининг тикланишига олиб келади. Хара-Хулагу ҳам ўз қариндошлари устига юриш қилиш вақтида йўлда жон беради. Чигатой улусини идора қилиш унинг ўғли Муборакшоғга қолади. Лекин у жуда ёш бўлганлиги сабабли улусни онаси Ўркина бошқаради. Ўркина Хотуннинг ҳокимиятни қўлга олиши Қутбиддин Ҳабаш Амид ва унинг ўғли Насириддиннинг саройда катта нуфузга эга бўлишига олиб келади.

Чингизхоннинг юришлари даврида қонли дарёлар қуриб, улар ўрнига қонли ариқлар, жилгалар оқиб турган бўлса-да, йиллар кечиши билан қудратли салтанат ич-ичидан емирилиб борар эди. Муаррих Мирхонднинг эътирофи этишича, Мункэ даврига келиб мусулмонларга бўлган ҳақоратомуз муносабат бироз юмшаган. Ҳатто, Мункэнинг тахтга чиқиши шарафига уюштирилган зиёфатда мусулмонларга қўйни ислом шарияти асосида сўйишга рухсат этилган экан. Жамол Қарший бу борада янада узоқроқ кетиб, Ўркинани мусулмон динини қабул этган эди, дейди. Чингиз давридан буён эътиқод оламини босиб ётган муз эрий бошлаганди. Музнинг эришига сабаблар эса кўп, бу ҳақда ҳали ўрни билан сўзланади.

Ниҳоят, Чигатой улуси тахти юқорида тилга олинган Муборакшоғ қўлига ўтади. Муборакшоғ чингизийлардан биринчи бўлиб Моваруннаҳрда аркони давлатини қуради. Муборакшоғ Чигатойнинг набираси Хара-Хулагу билан Ўркинаниннг ўғли эди. Муборакшоғнинг улусни бошқаришига Ҳубулой қарши чиқади. 1259 йилда Мункэ вафот этгач, «Улуг қоон»лик маснадига биратўла икки талабгор — бири Хитойда қўшинлар томонидан Ҳубулой, Қорақурумда эса Ариқ Бўға чиқазилади. Ҳар иккаласи ҳам Мункэнинг укалари эди. Қўшинларнинг кучига таянган Ҳубулойнинг таъсири каттароқ эди. Шунинг учун ҳам у, Муборакшоғнинг ўрнига унинг амакиси Борақни ёрлик билан жўнатади. Борақ 1266 йилда Муборакшоғни Хўжандда

асирликка олади. 1271 йилда Борақ ҳам ўлади. Мовароуннаҳр ҳокимияти энди Борақнинг ўғли Тувага қолади. Бу вақтда Ўқтойнинг набираси Хайду салтанатда катта мавқега эга бўлган эди. Гарчанд, Хайду билан Борақ ҳам бир муддат тортишиб юрган бўлса-да, улар ярашиб, анда (қалин, ажралмас дўст) бўлишади. Шунинг учун ҳам, Хайду Тувани қўллаб-қувватлайди. 1301 йилда Хайду оламдан ўтгач, сулола силсиласида Тувадан улуғроқ киши бўлмаган. 1307 йилда ҳеч кимни аямайдиган ўлим Тувани ҳам нариги оламга равона қилади. Энди сиёсат майдонига унинг ўғли Кебек киради.

Бундан буёнги ҳикоямиз Кебекхон ва, умуман, Қашқа воҳасида ҳокимият қилган мўғул хонлари хусусида бўлади. Зеро, Занжирсарой қиссаси ҳам бевосита улар билан узвий боғлиқ ҳолда оламга келган. Демак, эндиги гурунгимиз Қашқа воҳасига, аста-секин Занжирсарой мавзёига кўчади.

#### 4

Чингизий хонлардан Муборақшоҳ ва Борақдан сўнг Мовароуннаҳрда ўрнашган, тожу тахт қилган ҳукмдор Кебек бўлди. Кебекхон ҳақида манбаларда мухтасар фикрларгина учрайди. Хусусан, Фосиҳ Ҳавофийнинг 1442 йилда ниҳоясига етган асари «Мужмали Фосиҳий»да унинг исмини 1312-1313 йил воқеалари тартибида учратамиз. Фосиҳ Ҳавофий кечмиш воқеа-ҳодисаларни, саналарни изоҳламасдан санаб ўтган, холос. Буни кечмиш воқеалар кундалиги, дейиш маъқулроқ. Юқорида тилга олганимиз тарихда, яъни 1312 йилда шаҳзодалар Мансур ва Кебекнинг Хуросонга босқин уюштирилгани қайд этилади. Қолбуки, Кебек отаси Тува 1307 йилда вафот этгач, унинг ўрнига ҳокимиятга келган эди. Чамаси, ўша йили Мансур билан Кебек Хуросонда бир иш чиқаролмай Мовароуннаҳрга қайтган. Амир Али Қушчи Хуросон қўшини билан улар изидан тушади ва Мовароуннаҳрни босқин этади.

1312-16 йил воқеалари тартиб берилган саҳифаларда Кебек ҳақида қуйидаги жумлани ўқиймиз: «Шаҳзода Мансурнинг шаҳзода Кебек билан тўқнашуви. Тўқнашувда шаҳзода Мансурнинг эронийлар ёрдами билан ғолиб чиқиши. Шаҳзода Кебекнинг қочиб қутилиши».

Мана шу расмий босқин, тўқнашув, қочув каби сўзларнинг ўзиёқ Кебекхоннинг Чиғатой улусида чок-чокидан сўкилиб кетаётган салтанатни сақлаб қолиш учун зўр берганлигини кўрсатади. Бугун ҳамжиҳат бўлган шаҳзода эртага душман, тожу тахтга ишқибоз, қарам юртни кенгайтиришга уринаётган мўғул феодалларининг сони кўп эди. 1317 йилда Кебекхон Хуросонга босқин билан келган шаҳзода Ясавурга қарши отланади. Ясавур Хуросонни қуп-қуруқ қолдириб, талаб кетади. Чамаси, шу йилларда улусига дафъатан бўлиб турадиган хуружларга чек қўйган, ўзини тутиб олган Кебекхон ўз қароргоҳини Мовароуннаҳрнинг ичкарасига кўчириш тараддуида бўлади. Унга Қашқадарё воҳасидаги қадимий Нахшабга яқин бўлган манзил маъқул тушиб қолади. Бир вақтлар, қарийб, бир асрча чамаси

унинг бобокалони Чингизхоннинг ўзи ҳам бу водийда бўлган, унинг бепоеън ўтлоқларига, гуркираган баҳорига маҳлиё бўлиб қолган эди.

Тоторлар — оддий халқ мўғулларни шундай атаган — ўз юртида узоқ вақтлар яйловлар талашиб жангу жадаллар қилган. Яйлов уларнинг жони, ёинки, ҳозирги сиёсий ибора билан айтадиган бўлсак, ҳаётий аҳамиятга молик муаммоси эди. Қашқа воҳаси пасттекисликлардан иборат, ўтлоқ жойлари мўл, суви ҳам ўнғай эди. Даштлардаги қудуқларда муздай зилол сувлар ёзнинг жазирамасида ҳам ҳар қандай ташнани қондирмай қолмасди. Яна бир жиҳати, учи-қуйруғи кўринмайдиган текисликлар жанг қилиш учун ҳам қулай эди. Ҳар бири 40-50 мингдан қўшинга эга бўлган рақиблар учун бундай ҳарб майдони асқотгандан асқотарди. Шу боисдан бўлса керак Пешдодийлар, Каёнийлар, Сосонийлар, Ашканийлар Турон Заминда, худди шу Қашқа воҳасида Тўмарис билан, Афросиёб ва бўлак аждодларимиз билан ҳарбу зарблар қилган. «Шоҳнома»да бу ҳақда етарлича маълумот берилган.

Нахшаб — Сўғднинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, у, тахминан Искандар Моқидуний юришидан сўнг вужудга келган. Искандар Моқидуний эрагача бўлган 320-319 йилларда Сўғднинг пойтахт шаҳри бўлган Новтакни яксон этади. Новтак ёхуд Новтака ҳозирги пайтда Косон ноҳияси билан Қарши шаҳри оралиғида, Мойлиариқ ёнбошида 50 таноблик харобазордан иборат бўлиб ётибди. Ҳозир ҳам мустаҳкам қалъа деворлари сақланиб қолган. Қалъа ичида бир неча қасрлар бўлган ва уларнинг ўрни аниқ-тиниқ билиниб туради. Бу жойда олиб борилган қазув ишлари натижасида шаҳарнинг милoddан олдинги V-VI асрларда барпо бўлганлигидан далолат берувчи ашёлар, атиқалар топилди.

Сўғд юнонийлар қўлига ўтиб, пойтахт Новтак емирилгач, тирик қолган новтакликлар дарё бўйига силжиб, янги шаҳар бунёд этадилар. Янги тикланган шаҳарга Нахшаб (қадимий сўғд лаҳжасида, эҳтимол, сув бўйидаги манзил маъносидадир) деб ном берадилар. Нахшаб ва Новтак оралиғи унчалик узоқ эмас, 4-5 чақирим келар. Нахшаб Қашқадарёнинг бўйида, баланд тепаликлар устида қарор топган. Нахшабнинг шаҳар сифатидаги тақдири аянчли бўлади. Орадан VI-VII аср ўтиб, араблар истилоси юз берадики, энди улар бу шаҳарнинг кулини кўкка совурадилар. Ҳозир дарё бўйида, Шайхали шаҳарчаси рўпарасида Шулликтепа деб аталадиган қадимий қаср ўрни мунғайиб туради. Бу Нахшабдан қолган бирдан-бир хотира. Араб истилочилари Нахшаб ўрнини ҳозирги Худойзод қишлоғи томон, шарқ сарига кўчирганлар ва энди бу шаҳар номини «Насаф» деб атай бошлаганлар. Нахшаб ва Насаф аслини олганда бир шаҳарнинг икки номи.

Кебекхон ана шу Нахшаб харобаларидан 10-12 чақирим жануброқда, ҳозирги Қарши Шоҳбекатига яқин Зокхоки Морон тепалиғида қароргоҳ учун жой белгилайди. Қизиқ-да, маҳаллий халқ манзилгоҳларни дарё бўйига қуришга мойил бўлса, мўғул ҳукмдори Қашқадарёдан анча олисда, дала ўртасида бўлган яланг тепаликда

қаср қуришга бел боғланган. Бу ҳам мўғул ҳукмдорларининг табиати билан изоҳланадиган жиҳатлардан бири бўлса ажабмас.

Кебекхон 1318 йилда ўз саройи Қаршига асос солган. Қарши, яъни хон саройи атрофида аста-секин маҳалла-куйлар вужудга кела бошлайди, кўп ўтмай Қарши бутун бошли шаҳарга айланади. XIV аср охирилари XV аср бошларидан эътиборан шу жойлик шоирлар ўзларига «Қарший» тахаллусини қабул қиладилар. Тўғри, бунгача «Насафий», «Нахшабий» нисбалари ҳам жуфт қўлланиб келинган. «Қарши» тахаллусини қабул қилиш XV асргагина хос. Шунга қараганда, 70-80 йил ичида Қарши гавжум шаҳар тусини олган. Бу йиллар ичида у оралиғи 5-6 чақирим бўлган Насаф билан туташиб улгурган, дейиш мумкин. Чунки, то сўнгги асрларга қадар Насаф, Қарши деярли жуфт қўлланиб келинди. XVII асрда яшаган қаршилик шоир Сайидо ўзига Насафий тахаллусини олган эди.

Энди, «Қарши» сўзининг маъносига келсак, у академик В. В. Бартольд айтганидек (Қарши по монгольски «дворец»), мўғулча сўз — «сарой» дегани эмас. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Қарши мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили билан «қарши» дерлар. Ғолибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур», деган сўзларини бироз таҳлил билан тушуниш лозим бўлади. Бобур бу ерда икки карра янглишмоқда. Аввало, «қарши» мўғулча сўз эмас, иккинчидан, Қарши Чингизхон юришидан сўнг эмас, ундан қарийб юз йил кейин Кебекхон томонидан барпо қилинган. «Қарши» сўзининг мўғулча эмаслигини акад. В. В. Бартольднинг асарларини нашрга тайёрлаган олим Ю. Э. Брегель ҳам вақтида пайқаган (1964) эди. У, акад. В. В. Бартольднинг «Мўғул салтанати ва Чигатой давлати» асаридаги «Қарши по-монгольски «дворец» деган сўзга берган изоҳида шундай деб ёзади: «Слово «Карши» встречается уже в «Кутадгу билик», монголы заимствовали его, по всей вероятности, у уйгуров».

Туркий адабиётнинг XI асрдаги йирик намунаси бўлмиш «Қутадғу билик» (1069 йил) асарида улуг шоир Юсуф Хос Ҳожиб хонлар саройини тасвир қилар экан, тубандаги байтларни битади:

Бу бэглар эви аты қарши турур,

Бу қарши ичиндаки қарши турур.

Таржимаси:

Бу беклар уйининг оти қарши (саройдир),

Бу қарши (сарой) ичидагилар қарама-қаршидирлар.

«Қарши» сўзи ҳамма туркий шеваларда кўпинча иккинчи маъносида (қарама-қарши) қўлланилади. Уйғурий туркларда унинг «қаср», «сарой» маъноси ҳам борки, бу сўзни мўғулча деб таърифлашга ҳеч бир асос бермайди. Лекин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сўзида бир ҳақиқат борки, ундан кўз юмуб бўлмайди. У, «қарши» ни гўрхона



деб атаганида рамзий маъно нуқтаи назаридан ҳақ. Чунки, олдинда ҳам айтилганидек, Қашқа воҳаси, хусусан, Қарши ва унинг атрофлари асрлар давомида ҳарб майдони бўлиб келди. Бобурнинг ўзи ҳам Қарши атрофида 1512 йилда катта қўшин билан жанг қилган эди. Шубҳасиз, бу жангларда ҳар сафар минг-минглаб одамлар қирилган. Ҳозир ҳам Қарши шаҳрининг чор атрофи мазорот, гўристонлар билан ўралган. Қабристонларнинг аксар кўпчилиги сўнгги йилларда аёвсиз равишда бузиб, текисланиб юборилди.

Кебекхоннинг саройни, аниқроғи, қалъани Зоҳхоки Морон тепалигида барпо этиши ҳақида жуда кам маълумотлар етиб келган. Зоҳхоки Морон тепалиги қадимдан шундай аталиб келган бўлса керак. Бу жойнинг номи Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Заххок билан боғланишига ажабланмаслик керак. Қадим замонлардан:

Эрон билан Турон бир эди дойим,  
Низо билмай яшар эди мулойим.

Қачонки тахтга Заххок чиққач:

Миниб тахтга Заххок, бўлди шаҳриёр,  
Давр сурди минг йил жуда бахтиёр,  
Бўйсунди унга тамоми жаҳон,  
Шу аҳволда ўтди узун бир замон.

Бинобарин, бу кўҳна дунё. Афсонанинг тагида ҳақиқат уруғи нечоғлик эканлигини каромат қилиш қийин, албатта. Заххок ҳақида ривоятлар тўқилганда у қадим Турон билан боғлиқ эмас, деб ким айта олади. Қолаверса, «Шоҳнома» воқеаларининг катта бир қисми Турон туپроғида кечади. Фирдавсий бир ўринда Заххок қурган қаср ҳақида гапириб, шундай дейди:

Заххок қурган мудҳиш сەҳрли тилсим,  
Осмонга бўй чўзиб турар эди жим.

Ҳозир ҳам Қарши темир йўл Шоҳбекатига яқин бўлган бозор ортида асрлар юки билан чўкиб ётган баҳайбат тепалик ақлни лол қилади. Инсон куч-қудрати шу қадар улуғвор тепаликни вужудга келтирганига ишонгинг келмайди. Қаранг-а, бу ерда кейинчалик Кебекхон қурдирган сарой барҳам топиб кетибди-ю, тепалик қолибди. Шу ўринда бир киноя хотирга келади. Ахир, бу тепалик Заххокники эди, ёмонлик эса йўқолмайди. Заххок ёмонлик мажмуаси эди. Фирдавсийнинг мана бу байтларида Заххок замонида авж олган қабоҳат тавсиф этилади:

Тутиб ҳар томонни қаро деву жин,  
Битиб яхши одат, олиб авж кин.  
Ҳунар хору, жоду бўлиб аржуманд,

Адолат йўқолди, ёмонлик баланд.  
Узайди ёвузлик — Ахриман қўли,  
Чин сўзга қисилди инсонлар тили.

Кебекхон Қаршида қарийб саккиз йил ҳукумат қилади. Қашқа воҳасида ислом уламоларининг таъсири катта эди. IX асрлардан бошлаб Насафдан йирик фикҳшунос, тафсирунос ва муҳаддислар етишиб чиққан эди. Имом Абу Барокот Абдулло ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (VIII аср), Абу ал-Мутиъ ан-Насафий, Абу Туроб Нахшабий (IX аср), Шаҳобиддин Насафий (XI аср), Нажмиддин Насафий (XII аср) каби олимлар бутун ислом оламида маълум ва машҳур олимлар эди. Ўрта асрларнинг ўзига хос илмий анжумани — «Мажлиси тадрис» фан ва маданият ривож топган шаҳарларда ўтиб турган. Шундай «Мажлиси тадрис»нинг бири X асрда Насаф шаҳрида бўлади. Бу илмий йиғинга дунёнинг турли жойларидан таниқли ислом олимлари келишган, улар орасида арабистонлик мутаазалийлар йўлбошчиси Абул Қосим Каъбайи ҳам бўлган.

Кебек Чигатой улусида умумдавлат пул бирлигини жорий этади, Бунда Эрон ва Олтин Ўрдада амалда бўлган тангалар тартиботи қабул қилинган. Динор ва дирҳамлар зарб этилиб, эндиликда, олдинларда бўлганидек, тилла тангалар эмас, балки катта кумуш тангалар динор деб юритилган. Дирҳамлар кичик кумуш тангалар бўлиб, олтин танганинг 1/2 қисмига тенг бўлган. Бир динор олти дирҳамга тўғри келган. Кебекхон амалга оширган пул ислоҳоти (мис ўрнига кумуш тангаларни жорий қилиш) Ўрта Осиёда машҳурлик касб этади ва бу пул бирлиги халқ ўртасида «кепаки» деб юритилади. Кепаки мезони, ҳатто, Амир Темур даврида ҳам истеъмолда бўлган. Бундан ташқари, Кебекхон Мовароуннаҳрни кичик-кичик маъмурий қисмларга ҳам ажратишни бошлаб берган.

Кебекхон мўғул ҳукмдорлари орасида иш тутуши жиҳатидан кўпроқ Хайдуни эслатар эди. Хайду «улуғ қоон»лик маснадида турганида ўзининг мусулмон аҳлига хайрихоҳлиги билан танилган. Маълумки, Кебекнинг отаси Тува, бобоси Борақхонлар исломга қарши руҳдаги ҳукмдорлар бўлишган. Борақхон исломга майл кўрсатган Ўркина ва унинг ўғли Муборақшоҳ ўрнини тортиб олган эди. Агар оилавий удумга риоя қилганида, Кебек ҳам ислом билан чиқишолмаслиги керак эди. Айрим далиллар унинг исломга ён босганлигини кўрсатади. Албатта, бу хилдаги ён босишни мукофот, ёинки, кўнгли бўшлиқ оқибати деб қарамаслик лозим. Юқорида айтиб ўтилдики, ислом арбоблари, олимлар мўғуллар Ватан тупроғига қадам қўйган биринчи кунданоқ уларга қарши турган, Чингизхон сулоласининг карвонбошилари бири-кетин ҳаётдан кўз юмиб, ҳокимиятга янги — бир-бирига душманлик руҳида тарбия олган тўрт авлод вакиллари чиқа бошлагач, Мовароуннаҳрда бир асрдан буён тутаб ётган адоват алангаси баландлай бошлаганди.

Кебек ақлли ва айёр сиёсатдон сифатида бу кучни, бу ҳаракатни кўрмаслиги мумкин эмасди. Қашқа воҳаси азалдан исломий илм-фан-

нинг ўчоқларидан бири ўлароқ, келгинди босқинчиларга қарши халқда мудраб ётган ғазабни уйғотишда, йўлга солишда раҳнамолик қилишга тайёр эди.

Кебекхон етти йил давомида Қаршида яшаб, ҳукм сурганида шариятга бир қадар йўл берган. Лекин, у маъжусийлигича қолган, ислом динини қабул қилмаган. Шунга қарамай, Кебекхон вафот этганда, унинг қабри устида мусулмонларга хос даҳма тикланган. Кебекнинг ўлими ҳақида бир-бирига зид бўган икки хил хабар етиб келган. Бирида, хоннинг ўз ажали билан ўлиши айтилса, иккинчисидан уни укаси Тармаширин бирёқлик қилгани нақл этилади. Кебекхоннинг вафотидан сўнг, Қаршида унинг бошқа укалари Элчигидой ва Дурра Темурлар олдин-кейин бир муддат улус ҳокимиятини идора қилишади. Уларнинг бир йилга етар-етмас ҳокимияти шу йили — 1326 йилда тилга олинган Тармаширин қўлига ўтади. Афтидан, унинг тахтга чиқишида маҳаллий руҳонийларнинг ҳам таъсири бўлган. Тез орада Тармаширин ўзининг мусулмонлигини ва бу дин раҳнамоси эканлигини эълон қилади. Унга мусулмонлар ҳам илтифот кўрсатиб «Алоуддин» (дин улуғвори) унвонини берадилар. Тармаширин ҳукумат қилган йиллар (1334 гача) мўғул феодалларининг исломни қабул қилишлари оммавий тус ола бошлайди.

Албатта, Мовароуннаҳрда юз бераётган бу воқеалар Ички Мўғулистонда хайрихоҳлик билан қарши олинмаган. Мусулмонлашадиган Кебек авлодини дафъ қилиш учун одатдаги усуллар ишга солинган. Тармаширин ўз акаси Дурра Темурнинг ўғли Бўзан томонидан ўлдирилади. Тармаширинга қарши тайёрланган фитна муваффақиятли чиққач, фитна бошида турган «улуғ қоон» ликка мансуб мўғуллар Чигатой улуси пойтахтини Қаршида қолдириш хавfli деган қарорга келдилар. Бўзан пойтахтни бир вақтлар Чигатойнинг ўзи қароргоҳ қилган Или дарёси бўйига кўчиради.

Бўзан улус хони бўлгач, Мовароуннаҳр яна қийин-қистокда қолади, олиқ-солиқлар миқдори янада ошиб кетади, айниқса, мусулмон аҳли қаттиқ таъқибга дучор этилади. Шубҳасиз, Илида ҳам ҳокимият талашувнинг қонли мусобақаси борган сари авж нуқтага кўтарилаётган эди. Бу олишувларда, айтиб ўтилганидек, Бўзан ҳам иштирок этган ва маълум роль ўйнаган. Мовароуннаҳрдаги бундан кейинги воқеалар силсиласида иккинчи бир мўғул аслзодаси — Қозонхон асосий ўрин тутлади.

Фасиҳ Ҳавофий унинг тахтга чиқиш йилини 1332 йил деб кўрсатади. Қозонхон ибн Ясаур Ўғлон Чигатой улуси хони бўлгач, ўз қароргоҳини яна Қашқа воҳасига кўчиради. Лекин, энди у Кебекхон асос солган Қаршини пойтахт қилишдан кўра, янги жойда ўрнашишни афзал билади. У Қаршидан унча олис бўлмаган, яйлов далаларнинг қоқ ўртаси эди. Бу жойда у ўзининг Занжирсарой деб аталган қасрини тиклайди. Қозонхоннинг Қаршида ўрнашмаганлигини бир мулоҳаза қилиб кўрсак. Маълумки, Бўзан Қаршини ҳувиллатиб бутун аркони давлатини улуснинг шарқий чегарасига,

Или водийсига кўчириб кетган эди. Бинобарин, Кебекхон қасри бузилишга юз тутган, яроқсиз ҳолга келган бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам биз Занжирсаройга яқинлаб келдик. Қозонхон ўз пойтахтини бийдай кенг дала ўртасида қурганида қандай андишаларга борган, айтиш қийин. Лекин, у танлаган жой афсонавий подшоҳ Нўширавон ҳукм сурган жойга жуда яқин. Нўширавони Одил номи билан боғлиқ чор қирра қалъа ҳамон сақланиб қолган. Бир нарса аниқки, бу жой қадимдан кишилик манзиллари мўл, қудуқлари серсув, даласи серўт бўлган. Эндиги гурунгимиз Занжирсарой ҳақида.

## 5

Кебекхоннинг ўлимидан сўнг Чигатой улуси ҳокимияти учун қаттиқ кураш кетади. Кебекнинг ўз ажали билан ўлмаганлигини бир далил кўрсатиши мумкин: унинг ўғли Янгибек отаси тахтини эгаллай олмайди, аксинча Балх сарига кетишга мажбур бўлади. Оқибат, Тармаширин устида ҳам қора булутлар айланиб қолгач, у Ғазна тарафга жуфтакни ростламоқчи бўлганида Балхда ана шу Янгибекнинг қўлига тушади. Бўзан қўлига топширилган Тармаширин қатлга етказилади. Чигатой улусининг олдинги маркази Олмалиқда, аниқроғи, Или водийсида тожу тахт учун курашлари шу даражада авжга минадики, бир ҳукмдор икки йилга етар-етмас давр суради, холос.

XIV асрнинг 40-йилларига келиб Чигатой улуси сиёсий курашлар гирдобида қолади. Бўзан, Женкши, Ёсуи Темур, Али султон, Муҳаммад Пўлод сингари хонлар бирин-кетин келиб-кетади. Муҳаммаддан тахт Ясагур Ўғлоннинг ўғли Қозонхонга ўтади. Ясагур Ўғлоннинг яна бир ўғли Халил алақачон дарвешликни ихтиёр қилган, кўпдан бери Термиз сайидлари ҳузурда эди. Халил ҳам охиросқибатда ҳокимият талашларига бош қўшиб, сайидлардан ажраладида, мусулмонларнинг мўғулларга қарши жанговар ҳаракатлар қилаётган қисми тарафига ўтади. Халилнинг бу курашда бирон-бир натижага эришганлиги аниқмас.

Халилнинг укаси Қозонхон жангу жадалларда кўзи пишиган эди. У Чигатой улуси тахтини Муҳаммад Пўлоддан мерос қилиб олгач, вазиятга қараб, улус пойтахтини Қашқа воҳасига кўчириш фойдалироқ деб ўйлайди. Чунки, Кебекхон бу жойда қарийб 7-8 йил осуда ҳокимият қилган эди, бунинг устига, маҳаллий аҳоли билан низога етмаган, дин аҳли билан ҳам чиқишиб кетганди. Қозонхоннинг Чигатой улуси тахтига чиқиши, олдинда ҳам айтилганидек, 1332-33 йил оралигида содир бўлган. Бинобарин, айрим муаррихлар унинг Қашқа воҳасига келишини бироз кейинроқ, 40-йиллар нари-берисида деб қарайдилар. Албатта, бу фикрни жуда ҳам аниқ деб бўлмайди. У ҳар томонлама Кебекхонга тақлид қилган. Чамаси, буни акад. В. В. Бартольд ҳам пайқаган ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзган:

«Халилнинг укаси Қозонхон Кебек йўлидан бориб, Қашқа тева-рагида ўзига сарой қурди». Академик В. В. Бартольд Қозонхоннинг

саройи жойлашган ўрин ҳақида гапирганида асосан икки чизгига алоҳида урғу берди:

1 «Қозонхон ҳам Қарши яқинида яшади. Унинг қасри Занжирсарой бу шаҳардан икки кунлик йўлда, ғарб сарида эди».

2. Қозонхон Қарши теварагида ўзига сарой қурди, оралиқ ушбу шаҳардан анча олис (ғарб томонга қараб икки манзил) эди.

Биринчи кўчирма «Туркистон тарихи» асарининг 153-саҳифасидан олинди. Жумланинг ўзида саволбоп маъно бор: Қаршининг яқинида (около) яшаган бўлса-да, оралиқ икки кунлик йўл бўлса?! Иккинчи кўчирма ҳам шу жилдаги «Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихи» бобидан келтирилди. Ҳар ҳолда, Занжирсаройнинг ўрни ҳақида бу хулосада ҳақиқатга яқинлик бор. Чунки, биринчидан, Занжирсарой Қаршининг теварагида дейилмоқда, иккинчидан оралиқ масофа икки манзил (в 2 переходах) дейилмоқда. Табиийки, «икки кунлик йўл» билан «икки манзил» орасида тафовут жуда катта. Икки кунда бир эмас, бир неча манзилларни босиб ўтиш мумкин. В. В. Бартольддан келтирганимиз иккинчи кўчирмадаги фикр ҳақиқатга яқин. Бундай дейишимизга сабаб, XV аср муаллифи Шарафиддин Али Яздий ҳам бу ҳақда «Занжирсаройки, дар ду манзил Қарши воқеъ аст бажониби ғарбии фармуда» деб ёзган. Бинобарин, акад. В. В. Бартольд юқорида келтирилган кўчирмаларидаги хулосаларга аслида «Зафарнома» даги худди шу «ду манзил» иборасини асос қилиб олганда, дастлаб уни икки кунлик йўл деб тушунган. Ҳарқалай, бу хато фикр шу асарнинг ўзидаёқ барҳам этилган.

Маълум бўлаётирки, Занжирсарой қасрини Қозонхон қурдирган, Бу қароргоҳ Қарши шаҳрининг ғарбида икки манзиллик йўлда жойлашган экан. Афсуски, Занжирсаройнинг таъриф ва тавсифини ҳеч бир жойдан топа олмаймиз. «Зафарнома»да Амир Темурга боғлиқ ҳолда Занжирсарой бир неча бор тилга олинади. Амир Темур Эронга, Хоразмга ва Тўхтамишга қарши отланганида ана шу Занжирсаройда тўхтаб ўтган, ҳатто, икки бор қишни шу ерда қишлаган.

Қозонхон пойтахтни Қашқа воҳасига кўчириб янглишмаган эди, у бир неча йил тахтада мустаҳкам туради. 1441 йилда Занжирсаройда унинг қизи Сарой Мулк Хоним (Занжирсаройда туғилганлигига исми қиёс) дунёга келади. 40-йилларнинг ўрталарига келиб мўғул ҳукмдорлари яна ўзаро қирпичоқ бўладилар. Энди, мўғул хонларига қарши турк амирлари ҳам ошкора ва очиқ жанглар қила бошлайди. Шулардан бири амир Қазоғон эди.

Фосиҳ Ҳавофий «Мужмали Фосиҳий»да (1441) Қозонхоннинг амир Қазоғон билан илк тўқнашувини 1345-46 йил оралиғида деб кўрсатади. Бу жангда Қозонхоннинг қўли баланд келган. Аммо, Дарай Зангий деган жойда ноҳосдан отилган ёй ўқи хоннинг кўзига тегиб, унинг бир кўзини ожиз қилиб қўяди. Фосиҳ Ҳавофийнинг гувоҳлик беришича, мўғул хони ва турк амири ўртасидаги иккинчи жангда Қазоғоннинг омади чопган. Қозонхон ўлдирилган. Бу воқеа 1346 йил сўнглари, 1347 йилнинг бoshларида содир бўлган. Амир Қазоғон шу билан Мовароуннаҳрда Чигатой наслининг ҳокимиятига

барҳам берган. Хонлар шундан эътиборан номигагина қўйилиб, ҳокимият туркийлар қўлига ўтган эди. Амир Қазоғон кейинчалик Қозонхоннинг қизини, Сарой Мулк Хонимни, набираси амир Ҳусайнга олиб беради. У, тахтга Ўқтой авлодидан бўлган Дошмандчи (Донишмандчи) ни хон қилиб кўтаради.

Сарой Мулк Хонимнинг 15-16 ёшларда узатилганлигини тахмин қилсак, унинг оиласи 1356-57 йилларда ҳам Занжирсаройда яшаб турганлигига шубҳа туғилмайди. Занжирсаройнинг кейинги тақдири қандай бўлган? «Зафарнома»да ҳам бу ҳақда изчил ва мунтазам маълумот учрамайди. Фақатгина Тўхтамишнинг Амир Темур мулкларига хуруж қилиб келиши, Бухорони қамал қилиши, уни ололмай, Занжирсаройга ўт қўйиши воқеаларигина йўл-йўлакай айтиб ўтилган. Жумладан, «Зафарнома»да бу ҳақда:

«Чун мухолифон (Тўхтамиш лашкари — П. Р.) аз тасхири Бухоро ожиз шуданд, базарурат аз онжо бархостанд ва бахро бе вилоят Мовароуннаҳр машғул гаштанд ва Занжирсаройро оташ заданд», — дейилади. Академик В. В. Бартольд ҳам, чамаси «Зафарнома»даги шу далилга асосланган ҳолда «Дворец Казана Зенджир сарай был сожжен в 1387 г. войсками Тохтамыша» деган хулосага келади.

Шундай қилиб, Қозонхон асос солган Занжирсарой қасри Тўхтамиш босқини сабаб, ёқиб юборилган. Занжирсарой қасри пишиқ гиштан тикланган. «Зафарнома»да Амир Темурнинг сарой ёнида қишлоқ вужудга келтиргани айtilган. Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтига чиққан бўлса, 1387 йилга қадар орадан ўн беш йилдан ортиқ вақт ўтган. Бу Занжирсарой атрофининг гавжумлашиб, катта манзил тусини олганлигини фараз қилишга имкон беради.

Хуллас, Дашти Қипчоқдан келган мухолиф Тўхтамишхоннинг ёвуз қутқуси ила Занжирсарой йўқ қилинган. Ўт қўйилган қаср харобалари узоқ йиллар мунғайиб турган. Йиллар ўтиши билан аҳоли сарой атрофидан нарироқ силжиган. Бора-бора Занжирсарой ҳувилаган ташландиқ жой бўлиб қолган. Кейинчалик Занжирсарой қасри ва шаҳри бутунлай нутилган.

Бутунлай нутилганмикан?! Шундай қаср ва манзилни халқ ҳофизаси бутунлай нутиб юборганда эди, ушбу бадиа оламга келмаган бўларди. Урушларни, вайронагарчиликларни кўравериш кўранда бўлиб қолган халқ хотирасида Занжирсарой элас-элас сақланиб қолган. Ўрта Осиёдаги энг майда унсурларга қадар қизиққан акад. В. В. Бартольд нима сабабдандир Занжирсарой ўрнини аниқлаш билан мутлақо қизиқмаган. Подшоҳлик топшириғи билан келган олимга Занжирсаройдан кўра, муҳимроқ, мавжуд бўлиб турган нарсалар биринчи даражали аҳамиятга молик кўринган бўлса не ажаб?!

## 6

91 — йилнинг саратони энди авжга минаётган пайтлар. Бир кун оқшом ушбу бадиа муаллифларидан бирининг уйда телефон чўзиброқ жиринглади. Муборак шаҳридан Қурбон Ҳамроев деган ки-

ши сим қоқаётган экан. Қурбон ака салом-аликдан сўнг, гапни ётиғи билан бошлади. Аввало, ўзини таништирди: туман фахрийлар кенгашининг раиси экан. Сўнг, тарихга қизиқишини айтди. Яқинда Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» сени ўқиб чиқибди ва унда айрим саволлар туғилибди. Шу муносабат билан сўраб-суриштириб, мулоқот қилишга жазм этибди.— Бир нарса менга тинчлик бермай қўйди,— деди у,— «Темурнома»да Занжирсарой деган манзил тилга олинган, шу жой қаерда?

Қурбон акага тегишли жавобни айтганимиздан сўнг, у яна «Амир Темур қаерда туғилган?»— деб сўраб қолди.

Биз, табиийки, улуғ соҳибқироннинг туғилган жойини Яқкабоғнинг Хўжа Илғор қишлоғи дедик. Қурбон ака фикримизга қўшилмади. «Амир Темур Занжирсаройда туғилган. Занжирсарой эса бизда, Муборакда», деди у қатъий.

Занжирсаройни, гапнинг очиги, манбаларда бир-икки бор учратган бўлсак-да, унга айтилиши эътибор қилмагандик. Чунки, қасрнинг номи бор-у, ўзи йўқ эди. Акад. В. В. Бартольд ҳам бу ҳақда тайин бир гап қилмаган. Баъзи тадқиқотчилар Занжирсарой Самарқандда, ёинки, унинг атрофида деб гумон ҳам қилганлар.

Қурбон аканинг Занжирсарой Муборак шаҳри ёнида деган гапи бизни ҳам қувонтирди, ҳам саросимага солиб қўйди. Шу вақтга қадар ҳеч ким Занжирсарой ўрни билан қизиқмаган. Айтилганидек, акад. В. В. Бартольд ҳам Занжирсаройни Қаршидан икки кунлик йўлда, деб гапни роса дудмал қилган. «Темурнома»ни нашрга тайёрлаш пайтида Занжирсаройга тагин бир-икки бор дуч келдик-да, XIV—XV асрларда Кешдан Бухорога олиб борадиган йўл ҳақида ўйлаб кўрдик. Буни «Темурнома» сўз бошида ҳам зикр этишга тўғри келди. Ҳозир Шаҳрисабздан Бухорога Каттақўрғон йўли орқали ҳам, Қарши томондан ҳам бориш мумкин. Лекин, ўша пайтда-чи? Нима бўлганда ҳам Занжирсарой шу йўллар бўйида бўлган, деган фикр бизда қатъийлаша бошлаганди. Қурбон аканинг қўнғироғидан қувонишимизнинг боиси шунда эди. Саросима эса, Амир Темурдек буюк зотнинг туғилган жойини сўлим ва дилкаш Шаҳрисабздан узоқлаштириш қандай бўларкин, деган андиша билан боғлиқ эди.

Онггимизга Шаҳрисабз, Хўжа Илғор (тўғри, Хўжа Илғор буюк соҳибқироннинг туғилган жойи эканлигини кўпчилик билмайди, бироқ, Шаҳрисабзни бутун олам Амир Темур Ватани деб эътироф қиладди) улуғ бобокалонимизнинг киндик қони томган жой сифатида муҳрланиб қолган. Бунга шак келтириш қандай бўларкин?

«Темурнома»да очиқдан-очиқ Темур амир Жоқунинг қўшида, Занжирсаройда туғилган, 12 ёшгача отасини кўрмаган, деган нақл бор. Қашқадарёнинг Тарағай мавзеида халқ тўқиган дostonларда ҳам шу ривоят машҳур. Биз, ҳали амир Жоқуға қайтамиз. Лекин, айтиш жоизки, бизда Темурнинг болалиги ҳақида, ақалли, саёз тасаввур ҳам йўқ-да. Унинг ҳақида ўқиган ва эшитганларимиз туҳмат ва лаънат бўлган. Ватанпарвар, халоскор, улуғворликда тенгги йўқ бу зотнинг арвоғини чирқиратиш ҳам ақлдан бўлмаса керак. Тирикками,

ўликками қилинган ёмонлик, барибир, қайтмасдан қолмайди. Амир Темурни ёмонотлиқ қилганларнинг аксарияти бугун заволга юз тутиб, номи ўчиб кетди.

Қурбон ака билан яна бир неча бор хабарлашдик. Бориш кунимизни келишдик-да, хотиржам бўлдик. Муборак шаҳрига барвақт етиб келдик. Туман Кенгаши раиси хонасида уч-тўрт киши жам бўлиб туришган экан. Шу ерда Занжирсаройга бориш режасини фикрлашдик. Қурбон ака Ҳамроев, мулло Йўлдош Эргаш ўғли, мулло Муртоза Раҳмон ўғли, Муҳиддин Каримов, Саидов ва ушбу сатрлар муаллифлари икки УАЗ машинасида йўлга тушдик.

Муборак шаҳрининг марказидан чиқиб, кун ботиш томонга қараб йўл олдик. Кўҳна шаҳар қишлоғини айланиб ўтиб, деҳқончилик қилинадиган пайкалларга етиб келдик. Муборакнинг бийдай далаларига ҳам Амударё суви етиб келган. Жулғунлар ора-тура бўй кўрсатиб турадиган ерларни гўза қоплаган. Пахта майдонларининг охири кўринмайди. Бир томон жиловланмаган газ ёқиб қўйилган миноралар. Косондан чиқишдан бошлаб олови осмонга ўрлаб ётган минораларга кўзингиз тушади. Борлиққа тутун пуркаб турган ўнга яқин минора узоқдан ўмган ростлаб, ўт сочаётган аждарҳоларга ўхшайди. Афсоналардаги кўп бошли аждарҳолар шулар бўлса керак. Халқимиз ривоятда ҳам узоқни кўра олган, шекилли. Айтишларича, ҳавога қуруқдан-қуруқ ёқиб юборилаётган газ йилига 180 минг тонна кул ёғдирар экан. Газ бутун теварак-атрофни булғаб (50 даража иссиқда газга тўйинган ҳаводан нафас олиш азоб), одамлар, экинзорларга ўта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир вақтлар Тўхтамиш Занжирсаройни ёқиб юборган бўлса, энди заҳарли газ бутун Муборакни ва қўшни туманларни ёқмоқда. Астасекин ёқмоқда. Бу ёқиш жуда хавфли. Бекорга ёқиб қўйилган газни имкон қадар зарарсизлантириш чоралари кўрилаётган экан. Кул 180 мингдан 160 минг тоннага камайибди. «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», деганлари шу бўлса керак. Бирон-бир хорижий мамлакатда тиллога тенг газни ҳавога совуриб қўймайдилар. Занжирсарой томон борарканмиз, хаёдан шу гаплар кечди. Омадимиз юришмаган халқ эканмиз-да, тарихда ҳам уйимизни куйдирганлар, ҳозир ҳам орқамизга олов қўйиб ётибдилар...

Занжирсарой йўлида ўтмишнинг икки обидасига тўхтаб ўтдик. Бири Хожа Ростон зиёратгоҳи, иккинчиси Нўширавони Одил қалъаси. Булар ораси бир чақирим келар-келмас. Хожа Ростон ҳақида ҳам кейинроқда сўз юритишга уринамиз. Ҳозир бу зиёратгоҳ атрофи қабристонлик. Кўҳна шаҳар қишлоғи аҳолиси бу жойни обод қилиб қўйибди. Нўширавони Одил қалъасини кўздан кечирамиз. Қалъа жуда катта жойни эгаллаган. Чорпахил, деворлар айлана эмас, тўғри тортилган. Тўрт томонда тўртта дарвоза бор. Қалъанинг қачон бунёд этилганлигини қазув чоғлари айтиш мумкин бўлар. Ҳали бундай қалъанинг борлигини қадимшунос олимларимиз билишмаса керак. Бийдай чўлнинг ўртасида, қум барханлари орасида чўкиб ётган нор туядек Нўширавони Одил қасрига уларнинг қадами егани йўқ.



Нўширавони Одилни афсонавий одил подшоҳ дейлик. Лекин шу қалъанинг Нўширавонга боғланишининг ўзиёқ унинг эрадан олдинги асрларга оид эканлигини далолат этмайдими? Қадимги Навтоқнинг — Ерқўрғоннинг деворлари айлана. Қадимда қалъа деворларини айлана қилиб қуриш одат бўлган. Қарши, Кеш кўрғонлари атрофлари ҳам айлана девор билан ўралган. Нақл этилишича, ҳатто, Қаршининг учта айлана девори бўлган. Ҳайратлантирарли жойи шундаки, Нўширавони Одил қалъаси тўрт бурчак девор билан ўралган. Деворларнинг эни 10-12 газ келади. Нўширавони Одил қалъасидан кун чиқар тарафга, яъни шимоли шарқ тарафга қараб юрамиз. Тахминан, бир-бир ярим фарсах юрилгандан сўнг, машиналардан тушиб пиёдалаб кетдик. Қовун экиш учун ерлар шудгорлаб қўйилган экан. Кичикроқ ариқда сув жимирлаб оқиб ётарди. 150-200 қадамдан сўнг, чўкиб қолган тепалик олдидан чиқдик. Занжирсарой шу тепалик яқинида бўлган. Майдони қарийб бир танобдан ошиқроқ жойни эгаллаган катта тепа хўжалик механизаторларининг қароргоҳи бўлиб келган. Ишдан чиққан қисмлар, темир-терсак сочилиб ётибди. Замонлар ўтиши билан (айниқса, сувнинг келиши боис) анча пастлаган тепаликда XIV асрнинг 40-йилларида ҳашаматли қаср бўлганлигини кўз олдимизга келтиришга уринамиз. Занжирсарой қасридан шарқий томонда ярим чақирим ораликда Балх-Қарши-Бухоро йўли ўтган. Қадим ипак йўли ҳам шу бўлган.

Бизнинг безовталигимизни сезган Қурбон ака Ҳамроев Эшмурод ота Саидовга «бошланг», деб имо қилди. Эшмурод ота 65 ёшда. Занжирсарой атрофидаги далаларга қоравуллик қилади. Борди-ю, «Темурнома» даги нақл тўғри бўлса, Занжирсарой атрофида қудуқ бўлиши керак эди. Биз ҳар қанча синчиклаб тикилмайлик, қудуқдан асар ҳам кўрмаётган эдик.

Эшмурод ота изидан кун ботиш — ғарб сарига қараб юз-юз эллик қадам йўл босдик. Қудуқ билан қаср ўрни деярлик жой оралиғи унча узоқ эмас экан. Эшмурод ота сув тушганидан чўкиб, доира шакли рўй-рост билиниб турган чуқурликни «мана шу, қудуқ бўлади», деди.

Биз ажабланиб, бир-биримизга қарадик. Миқтидан келган Авезмурод Бескисв гуноҳкордек елка қисди-да, қимтини сўзлашга тушди:— 1979 йили Қарши чўлини ўзлаштириш Бош режасига кўра, шу жойларни пахта экиш ва экин-тикин қилиш учун текислаттирганмиз. Ўзим бошида турганман. Ҳақиқатда, шу жойда қудуқ бор эди. У, одатдаги чўл қудуқларидан анча катта эди. Биз ерларни текислаётганда ҳам у ярмига қадар кўмилиб бўлган экан. Кейин устидан тупроқ тортиб юборилди. Ўша йили ғалла эдик. Мен хўжалик фирқа қўмитасининг котиби сифатида ўримга бошчилик қилганман. Бир вақт, ўрим чоғи денг, шу ерга келганда гилдираги чуқурга тушиб, комбайн оғиб қолса бўладими? Иккита тракторни бир-бирига матаб, зўрга чиқариб олганмиз. Шунда кўрдикки, қудуқнинг ичи ғишт билан қопланган экан.

Авезмуроднинг ҳикоясининг эшитиб бўлгач, қудуқни обдан кўздан кечири бошладик. Эшмурод бобо ёшлигида шу ерларда қўй боқиб

катта бўлган эмасми, қудуқни болалик пайтида ҳам кўрганлигини, сув тортиладиган масофа чуқур йўлак бўлиб қолганлигини ҳикоя қилиб берди. Дарвоқе, Занжирсарой харобалари ўрнида ғишту тамал тошлари қолмадимикан?!

Занжирсарой қишлоғида узоқ вақтлар яшаган, эндиликда Муборак марказига кўчиб ўтган Эгамберди бобонинг айтишига қараганда, тепаликдан 150–200 қадам нарида қасрнинг тамал тошлари ва ғиштлири сақланиб қолган. Ҳақиқатда кўҳна обидаларимиз тамал тошлари шаклига яқин палахса оқ тошлар ҳали ҳам бор. Минг афсуски, тамал тошларининг кўпини ва қаср ғиштларини янги уй қилган кишилар ташиб кетишибди. Бўлмасам, Занжирсарой харобаси аср бошларида ҳам қад ростлаб турган экан.

Занжирсарой... мана сен қаерда экансан. Шундайгина Муборак шаҳрининг биқинида, нарисидан билан ўн-ўн икки чақирим масофада жойлашган обидани ҳозирга қадар исиз йўқолган деб келганимиздан ичимиз ачиди. Занжирсаройга қўл чўзса етадиган қишлоқ ҳозирда «Кўҳна шаҳар» деб аталади. Нега энди «Кўҳна шаҳар»?!

Амир Темур Занжирсарой қишлоғида бир-икки бор қишлаган, ҳарбий юришлар учун шу ерда куч тўплаган. Шарафиддин Али Яздий улуг Амир Темурнинг бу жойда қишлоқ барпо қилганлиги ҳақида сўзлаган. Занжирсарой 1387 йилда Тўхтамиш томонидан ёндириб, вайрон этилган. Занжирсарой ва унинг атрофи ана шу босқиндан кейин бўм-бўш бўлиб қолдимикан? Тирик қолган аҳоли уч-тўрт чақирим нарига силжиганмикан?

Кўҳна шаҳар — куйиб кул бўлган Занжирсаройдан хотира сифатида яшаб келаётир, дейиш мумкин. Чунки, Кўҳна шаҳарда қадимий работ сақланиб қолганки, бу Занжирсаройнинг чегараси бир вақтлар шу ерларни ҳам ўз бағрига олганлигидан гувоҳ.

Бу работнинг ўрганилиши ҳам янги маълумотлар бериши турган гап.

Қурбон ака Ҳамроев Муборакнинг кексаларидан бири, Амир Темурнинг Занжирсаройда туғилганлигини урушдан олдинги йилларда ҳам айтиб юрган Иброҳим отанинг уйига бошлади. Иброҳим ота ҳозир 86 ёшни қоралаган. Жуда ўқимишли, мадрасани хатми кутуб қилган. Кулфатли йиллардан омон қолган. Ғариблик қозонини кўп жойда осган, Мирзачўлда узоқ йиллар ишлаб, бола-чақаси билан яна киндик қони томган жойларга қайтиб келган. Эшон бобо Занжирсарой ҳақида билганларини ҳикоя қилиб берди. У кишидан, қадимий Бухоро йўли ва йўл бўйидаги манзилларни сўрадик. Иброҳим ота жуда қизиқ бир гапни айтиб қолди. У кишининг гувоҳлик беришича, Занжирсарой Бухорога ҳам, Қаршига ҳам 9 йиғочлик йўл экан. Қарши билан Бухоронинг орасида икки манзил — Косон ва Майманоқ бўлган экан. Шарафиддин Али Яздий Қаршидан Занжирсаройгача икки манзил деганда шу икки қасбани кўзда тутган бўлса керак.

Мўғул хонлари ўзлари босиб олган мамлакатларда айтарли иншоотлар қурмаганлар. Кебекхоннинг Қаршидаги, Қозонхоннинг Занжирсаройдаги қасрлари таг-туғи билан емирилган. Зоҳхоки Морон ва

Занжирсарой тепаликлари фақатгина асрлар ғамини ютиб ётмасдан, XIV асрга доир ноёб сирларни ҳам ўз бағирларида яшириб ётибдир.

Биз барибир Занжирсаройдан саволларга кўмилиб қайтдик. Занжирсарой ўрнининг топилганлиги (топилган дейиш гуноҳ, ахир, уни муборакликлар ҳамisha билишган) қанчалик қувончли бўлмасин, асосий савол — Амир Темурнинг шу жойда, Занжирсаройда туғилганлиги жавобсиз қолаверди. Кўхна шаҳар қишлоғининг, шунингдек, Муборакнинг кексалари улуғ соҳибқиронни Занжирсаройда таваллуд топган, деб нақл қилиб келадилар. Асримиз бошларида Хўжа илғорликлар ҳам акад. В. В. Бартольдга Амир Темурнинг ўз қишлоқларида туғилганликларини сўзлаб беришган. Тарихни нақллар ва оғзаки гаплар билан тиклаб бўлармикан?! Бу ўринда, яна бир жумбоқ пайдо бўлади: Қашқа воҳасида нега бошқа жойлар Амир Темурнинг туғилган жойига даъвогар эмаслар? Нақлларда, оғиздан оғизга ўтиб келган хотира, эсдаликларда ҳақиқат уруғи йўқмикан?

Хўш, манбалар-чи? Наҳотки ўтмишга оид тарихий-бадий асарларда бу ҳақда бирон-бир ишора бўлмаса?! Шу андиша билан имконимиз етганча буюк соҳибқирон ҳақидаги китобларни варақлаб кўрдик. Бу, турган гап, жуда кўп вақтни олди. Бунинг устига, матбуотда пайдо бўлган айрим фикрларда «Амир Темурнинг туғилган жойини аниқлаб ўтириш майда масала, унга куч сарфлаш ҳожат эмас, каттароқ ишлар билан шуғулланиш лозим» қабилидаги эътирозлар ҳам юзага қалқди. Биз ҳам кўп ўйладик, улуғ зотнинг туғилган жойи умуман Қашқадарё бўлса, жаҳон уни Кеш шаҳридан деб билса, тағин нима керак?! Бироқ, бир ўй асло тинчлик бермади. Аввало, биз Амир Темурни эндигина таниётирмиз, қолаверса, ўрта асрларда Қашқадарёнинг сиёсий ва жуғрофий идора қилиниши ҳозирги тушунчалардан тубдан фарқ қилган. Сўнгра, халқ ўртасида Амир Темурнинг туғилган жойи бобида, биз хоҳлаймизми, йўқми, барибир, энг қамида, икки хил фикр юради. Шаҳрисабзликлар Темурнинг Кешда таваллуд топганлигига қатъий ишонсалар, Хўжа илғорликлар уни ўз қишлоқларида дунёга келган, деб таъкидлайдилар. Муборакликлар ҳам шу пайтгача ичларида сақлаб келган дардларини айтмоқда — Занжирсарой улуғ Амирнинг туғилган ва болалиги кечган жой. Инсоф билан айтганда, ҳар уччала даъвода ҳам ўзига яраша маъно, ўзига яраша асос бор. Халқда бу хил қарашлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, албатта. Уқувчиларни Амир Темурнинг туғилган жойи масаласидаги ҳар хиллик ажаблантирмаслиги ва қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Ҳозир ўтмиш тарих борган сари китобхонга асрий тузоқлардан қутилиб, ўз сирларини очмоқда. Амир Темур даврига ва умуман, Темурийлар салтанатига дахлдор асарлар бир-бир нашр қилинаётир. Билимдон ва хушёр ўқувчини бизнинг давримизда нашр этилган китоблар билан ўтмиш муаллифлари айтган фикрлар ўртасидаги тафовутлар ўзига жалб этиши, табиий.

Бизда узоқ вақтлар синфийлик тушунчаси ҳукм суриб келди. Шу боисдан, ҳамма нарсага оқ ё қора, катта ё кичик, муҳим ёки ке-

раксиз, деб баҳо беришга одатланиб қолганмиз. Амир Темурга дахли бор нимаики бўлса уни йиғишимиз, таҳлил қилишимиз, кўз қорачуғидай авайлашимиз керак. Улуғ Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақида уч хил қараш борлигини билиб-билмасликка олиш масалани илмий ва тарихий ҳал қилишдан атай қочиш бўлади. Ҳозир шу борадаги мавжуд фикр-хулосаларни имкон қадар жамъ қилинса ва уларга муносабат билдирилса, ўйлаймизки, бу аниқ бир илмий ечимга келишда ўзига хос дебоча бўлади. Ҳақиқат баҳсда, мунозарада туғилади. Айрим рўзномаларда Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақидаги ҳар хилликни ҳаспўшлашга бўлган даъват улуғ соҳибқирон тарихини ҳозиргача бўлиб келганидек, сохталаштиришга, сунъий четлаб ўтишга чорловчи заиф нидо, холос.

Биз шу андишалардан келиб чиқиб, қўлга қалам олдик. Мубо-ракка, Занжирсаройга бориб келганимиздан буён бир йилга яқин вақт ўтаётир. Бу иш, жилла бўлмаса, миллатимиз отаси, улуғ Амир Темурнинг хоки пойи бўлган, қадами етган жойлар ҳақида йўқлов бўлар. Ахир, Қашқа воҳасининг тузи ҳам, тоғи ҳам унинг табаррук қадамидан баҳраманд бўлган-ку?! Қашқа воҳаси Осиёю Оврупони мўғул боққинчиларининг бир ярим асрдан зиёд давом этган зулмидан, қуллигидан холос қилган, озод этган улуғ фарзандни етиштиргани билан абадул абад фахрланишга ҳақли. Амир Темур нафақат ўзбекларнинг, балким, бутун Турон заминнинг ифтихоридир. Унинг халоскор қўшинида жами туркигўй халқлар, хуросонликлар бўлган. Унинг раҳнамолигида халқлар ғайри дин-маъжусийлар қабоҳатидан қутилиб, ўз ҳукуматларини тикладилар.

## 7

Шаҳрисабзнинг «таржимаи ҳоли» Сўғд давлати тарихи билан узвий боғлиқ. Қашқадарё воҳасида Кеш (Каш, Кешш, Кесс) деб аталган шаҳар эрамининг III асри сўнггида ва IV асри бошларида Сўғд давлатининг пойтахти бўлган. Сўғд (хитойчада — Сули) жуда катта ҳудудни — Суёбдан (Еттисув) Кешга қадар бўлган жойларни қамраган. Сўғд таркибига Зарафшон воҳаси, Уструшана, Қашқа воҳаси ва Тошкент ҳам кирган. Хитой манбаларида Кеш шаҳри Ши деб аталган. Муаррих Низомиддин Шомий бир ўринда «Шаҳрисабзки, туркон «Кеш» мехонанд», дейди. Айрим маълумотларга қараганда, жуда қадимдан Чув (Қозоғистон) дарёси этакларидан то Кешга қадар бир хил ёзув (юқоридан пастга қараб ёзиладиган), бир хил адабий тил амалда бўлган.

Шаҳрисабз шаҳри обидалари тарихини ўрганган олим М. Е. Массоннинг аниқлашига қараганда, қадимги Кешнинг ўрни ҳозирги Китоб шаҳрига яқин жойда бўлган. Шаҳрисабзнинг ҳозирги ўрни, тахминан, мўғуллар истилосидан сўнг, XIII аср биринчи яримларида вужудга келган, дейиш мумкин. Олдинги Кеш, шубҳасиз, мўғул галалари томонидан вайрон қилинган.

Улуғ соҳибқироннинг уруғ-аймоғи, ота-боболари юрти Кеш бўлган, бунӣ Амир Темурнинг набиразодаларидан бўлган буюк тарихнавис олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам таъкидлаган эди:

«Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «зоду буди» деган жумласига алоҳида эътибор берайлик. «Буд» форсий тилда борлиқ, мавжуд, деган маънони беради. Бас, бу ўринда у Амир Темурнинг ўтган ва мавжуд (XVI аср) жами авлоди Кешдан эканлигини ихчам ва нозик ифода қила олган.

Амир Темур туркий барлос уруғидан эди. Унинг бобокалонлари мўғуллар босқинига қадар Қашқа воҳасида, хусусан, Кеш ва Насафда ҳокимият тепасида бўлиб келганлар. Бунӣ Амир Темур тарихига доир арабий, форсий манбаларни чуқур ўрганган В. В. Бартольд ҳам айтган эди:

«Тарағай Қашқа воҳаси, яъни Кеш ва Насафни идора қилган барлос уруғидан чиққан эди. Уруғ бошлиғи ва Кеш ҳокими Тарағай эмас, уруғнинг бошқа бир вакили Хожи эди».

Бироқ, акад. Г. А. Пугаченкованинг Тарағай баҳодир ҳақидаги «айтарли бой бўлмаган ва унчалик танилмаган», деган фикрларига шубҳа билдиришга тўғри келади.

Амир Темурнинг онаси Тегина Бегим (Тегина Хотун) ҳақида манбаларда жиддий бир маълумот учрамайди. Шунинг учун ҳам, В. В. Бартольд, «манбалар Темурнинг онаси келиб чиқиши ҳақида, шунингдек, Тарағайнинг бошқа хотини Қадок Хотун (1389 йилгача ҳаёт бўлган) ҳақида ҳеч нарса демайди», деб ёзган эди.

Шуни айтиш керакки, Амир Темурнинг туғилган вақти (ҳижрий 736 йил, 25 шаъбон) ҳамма китобларда — ҳоҳ тарихий, ҳоҳ илмий ёки бадиий бўлсин, бир хилда аниқлик билан кўрсатилади. Аммо, унинг туғилган жойига келганда фикрлар бир-биридан узоқлашади. Амир Темур ҳаётлигида ёзилган асарларда (улар деярли йўқ ҳисоби) ҳам, унинг вафотидан кейин, Темурийлар даврида битилган тарихларда ҳам бу ҳақда маълумот йўқ ёки умумий тарзда бу жой Кеш деб кўрсатиб ўтилади. Амир Темур вафотидан 36 (1441) йил кейин ёзилган (Ҳиротда, Шоҳруҳ Мирзо бу асар билан таниш бўлганми йўқми, айтиш қийин). «Мужмали Фосиҳий»да Шоҳруҳ саройида ишончли киши бўлган, бир вақтлар Шоҳруҳ султон номидан Халил Мирзодан хазинани талаб қилган Фосиҳ Ҳавофий:

«736 йил. Йигирма бешинчи шаъбонда Кешда амир соҳибқирон Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағай ибн Барқал ибн Иланғари Ижил ибн Қорачор нуён ибн Суқу Сижон ибн Ирумхихон ибн

Қожулай нўён ибн Туманойхон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Манон ибн Буқа ибн Буданжир ибн Алан Тува хотуннинг туғилиши» деб айтиб ўтади. Фосих Ҳавофий Амир Темурнинг туғилган жойи Кеш эканлигини шу тариқа биринчилардан бўлиб қайд этади.

Акад. В. В. Бартольд буюк соҳибқирон Амир Темурга баҳо беришда ҳамиша ҳам холис ва ҳақ бўлмаган муаррих Ибн Арабшоҳга таяниб, «Улуғбек ва унинг даври» асарида қуйидагиларни ёзади:

«Тимур, по словам Ибн Арабшаха, родился в деревне Ходжа Ильгар в окрестностях Кеша; из этого можно заключить что Тарагай жил не в самом городе»,—

яъни:

Темур, Ибн Арабшоҳ сўзига қараганда, Кеш атрофидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Тарагай шаҳарнинг ўзида яшамаган.

В. В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» асари 1918 йилда нашр этилган эди. Бунгача, ҳеч бир илмий китобларда Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақида гап кетганда Хўжа Илғор қишлоғи тилга олинмаган эди. Ҳатто, 1437 йилда ёзилган «Зафарнома» асарида бу қишлоқнинг номи мутлақо учрамайдики, бу Ибн Арабшоҳнинг давросига эҳтиётроқ бўлиб қарашга ундайди. Маълумки, Ибн Арабшоҳ асари ҳам, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си ҳам деярли бир вақтда — 1437 йилда ёзиб тугалланган. Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал мақдир фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») асари Дамашқда 1389 йилда туғилган, 1401 йилда ўн икки ёшида Самарқандга асир сифатида олиб келинган киши таассуротлари тариқасида ёзилган. Унда илмийлик ва тарихийликдан кўра, нақл ва ривоят, эшитишларга асосланиш таъсири кучли. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Ибн Арабшоҳ Кеш шаҳрига таъриф бериб, ёзади:

«Кеш Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсаҳ масофададир» («Ёшлик», 1990 йил, 9-сон., 69-бет).

Ана энди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кеш ҳақида ёзганларини кўздан кечирайлик:

«Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур...» («Бобирнома», Т., 1960, 108-бет)

Қаранг, Ибн Арабшоҳ Кешни Самарқандга нисбат қилганда, унинг қайси томонида жойлашгани ҳақида сўзламаган, шунингдек, оралиқ масофа бобида ҳам қаттиқ янглишган. Бу, унинг Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида умумий тасаввурга эга эканлигини кўрсатади, холос. Ибн Арабшоҳ «Темур ибн Тарагай ибн Абагай» бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор деб аталадиган қишлоқдир», деганида ҳам эшитмаларга асосланганлиги маълум бўлиб турибди. Нега деганда, Амир Темурнинг шажарасида Абагай исмли киши зикр этилмайди. Қолаверса, Ибн Арабшоҳ Темурнинг туғилиши ҳақида ҳикоя

қилганида, бошқа бировга оид нақлни, аниқроғи, Чингизхон туғилиши билан боғлиқ ривоятни Амир Темурга ёпиштиришга муваффақ бўлган:

«Хикоя қиладиларки, Темур туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Яна айтишларича, Темур туғилганда унинг қўллари янги қонга буланган экан. Бу аҳвол тафсири фолбинлар ва азойимхонлардан, каромат кўрсатувчи жодугару қоҳинлардан сўралганда, улардан баъзилари: «У шўрта бўлади», бошқалари «у ўғри ва йўлтасар бўлиб улғаяди» деса, яна бир гуруҳи «йўқ, у қассоб ва қонхўр бўлади», дебди, яна бир хиллари эса «йўқ, ундан жаллод ва каллакесар чиқади» дебдилар. («Ёшлик», 1990, 9-сон, 69-бет).

Тарихий асарлар, масалан, «Абдуллонома» туғилганда қон тутамлаш нақлини Чингизхонга раво кўрадилар. Ибн Арабшоҳ Мовароуннаҳрда машҳур бўлган мазкур ривоятни кейинчалик ўзи кек сақлагани Амир Темурга нисбатан тортинмай ишлатган кўринади. Шундай бўлгандан сўнг, Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлиги ҳақидаги даъвони ҳам асосли деб бўладими?

«Зафарнома», аксинча, Шоҳруҳ Мирзо, унинг ўғли, олимлар, муаррихлар ҳомийси Бойсунқур Мирзолар томонидан неча бор синчиклаб ўқилган, муаллиф нафақат моддий, шу билан бирга, Амир Темур фаолиятига оид ҳужжат ва далиллар билан ҳам таъминлаб турилган. Лекин, «Зафарнома»да Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлигини айтиш у ёқда турсун, шундай ном ёки жой мутлақо тилга олинган эмас.

Шунинг учун бўлса керак, акад. В. В. Бартольднинг ўзи ҳам Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлиги ҳақидаги фикрга изоҳ беришни лозим топган:

«Ни в одном из других источников место, где родился Тимур, не указывается; названия селения Ходжа Ильгар, насколько мне известно, также не встречается в литературе» («Темур туғилган жой бошқа бирор-бир манбада кўрсатилмайди; Хожа Илғор қишлоғи номи, менинг билишимча, адабиётда ҳам учрамайди»).

Хўжа Илғор қишлоғи Шаҳрисабздан 13-14 чақирим жануби ғарброқда жойлашган бўлиб, ҳозирги вақтда Яккабоғ тумани таркибига киради. Шаҳрисабз тарихига доир тадқиқотларда далолат этилганидек, Кешнинг олдинги ўрни Китоб шаҳри яқинида бўлган. Шундай экан, энг камида, мўғуллар яғмосига қадар Тарағай авлоди Кешнинг жануби ғарбида эмас, шарқий қисмида манзил тутган бўлур эди. XIII-XIV асрларда, мўғуллар яғмосидан кейин Кешнинг янги ўрни ҳозирги жойига силжиган бўлса, табиийки, у вақтда (ундан кейин ҳам) Кеш ўзидан 13-14 чақирим наридаги манзилларни қамраб оладиган шаҳар даражасига етмаган эди. Демак, Хўжа Илғорни Кеш деб тушуниш тўғри эмас. Академик В. В. Бартольд ҳам Ибн Араб-

шоҳнинг Амир Темурга адоват ва кек сақлаганлигини яхши билган, шунинг учун ҳам, унинг Хўжа Илғор ҳақидаги фикрига эҳтиёт шарт юзасидан оқоридаги изоҳни беришни мақбул кўрган.

Шарафиддин Али Яздийнинг кўрсатишича, Амир Темурнинг хоҳиши билан туркигўй шуаронинг шърлари жамъ этилган. Ана шу «Манзумоти туркий»да айтилишича, туркий тилда битилган тарихдан у ўз ёшлигига доир воқеаларни чиқариб ташлатган. Улуғ Амирнинг болалик ва ўсмирлик даврида қилган ишлари ғаройиб бўлиб, унга ўқувчилар ишонмайди, деб ҳисоблаган соҳибқироннинг ўзи. Ана шу жойга келганда акад. В. В. Бартольд Амир Темурга нисбатан тутган кекини жиловлай олмай қолади:

«Подобно Чингиз-хану, Тимур начал свою деятельность в качестве атамана шайки разбойников, вероятно, в смутные годы после смерти Казагана».

В. В. Бартольднинг Чингизхонга бўлган муҳаббатини, мўғул боқинчиларининг ёвузликларини камайтириб кўрсатишга бўлган ури-нишларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Дарвоқе, В. В. Бартольднинг «Асарлар»и 1- жилдини нашрга тайёрлаган таниқли олим И. П. Петрушевский 1963 йилдаёқ бу иллатни сезиб, шундай қарорга келган эди:

«Албатта, ҳозирги вақтда биз «Туркистон» муаллифининг ҳамма хулосаларига ризо бўлолмаймиз. Хусусан, В. В. Бартольднинг «Туркистон» ва бошқа ишларида мўғуллар истилосига берган умумий баҳосини, шу баҳо билан боғлиқ ҳолдаги хулосаларини қабул қила олмаймиз... В. В. Бартольд мўғул босқини туфайли вужудга келган улкан талончилик, иқтисодий ва маданий таназзул аҳамиятини камайтириб юборган».

И. П. Петрушевский «Тотор — мўғуллар Осиё ва Европада» (1970) тўпламига кирган «1219—1224 йилларда Мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга юриши ва унинг оқибатлари» деган салмоқли ишида олдинги фикрларини янада илмий далиллаш йўлидан бориб, қуйидаги хулосаларга келади:

«В. В. Бартольд ҳам Чингизхон шахсинигина эмас, унинг салтанати ва босқини оқибатларини идеаллаштиришдан четда эмас. В. В. Бартольд Чингиз ва чингизийлар босқини оқибатида рўй берган иқтисодий, маданий таназзул доирасини етарли баҳолай олмади. Шунинг учун, В. В. Бартольднинг ишлари, айниқса унинг классик иши «Туркистон мўғуллар босқини даврида» катта қиммат касб этишига қарамай, унинг мўғуллар босқини оқибатлари ҳақидаги қарашлари қабул қилиниши мумкин эмас».

Бу ўринда И. П. Петрушевскийнинг ҳалоллигига тан бермай ва раҳмат айтмай, илож йўқ. Муҳими И. П. Петрушевский шу асарнинг 103-саҳифасида очиқдан-очиқ «Симпатия В. В. Бартольда явно на стороне Чингизхана», дейдики, бундан В. В. Бартольднинг қандай мақсадни ва манфаатни кўзлаганлигини англаш қийин эмас. Олдинги бобларнинг бирида И. П. Петрушевский 1222 йилда Самарқандда бўлган Хитой сайёҳи Чан-Чуннинг гапини айтган кўчирмани кел-



тирган эдик. Ҳозир Хитой сайёҳининг ўша гапларини яна бир эсга олиш мавруди туғилди:

«Китайский путешественник Чан-Чунь (1222 г.) отмечал опустошение и голод в Средней Азии. В Самарканде оставались только четверть прежнего населения, окрестные крестьяне голодали, а из разоренных крестьян образовались «шайки разбойников», т. е. партизанские отряды, и в Самарканде каждую ночь видно было зарево пожаров».

«Татаро-монголы в Азии и Европе», М., 1970., 124- бет.»

Ҳа, баракалло, мана гап қаерда экан. «Қароқчилар тўдаси» — партизанлар, ёинки, қасоскорлар ҳали Амир Темур туғилмасдан олдин вужудга келган экан. Энди, бу «қароқчилар» ким учун қароқчи, ким учун фидойи, бу тамомила бошқа гап. Ўтмишдаги ватанпарвар қасоскорларни «қароқчилар» деб лаънатлаш, шубҳасиз, Октябрдан сўнг қўлга қурол олиб Шўро ҳокимиятига қарши курашганларни «босмачилар» деб аташ учун илк тайёргарлик вазифасини ўтаган бўлса не ажаб?!

Афсуски, Амир Темурнинг болалик даври ҳақида ҳеч нарса билмаймиз.

«Тазиқират уш шуаро» (1487) асарининг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий асарида Амир Темур авлоди, туғилган жойи ва болалиги ҳақида айтилган бир фикр борки, уни энди ўқувчиларга тақдим этиш вақти келди:

«... Унинг (яъни Амир Темурнинг) асли Кеш вилоятидан бўлиб, у бардосларнинг улуғ амирларидан амир Тароғайнинг ўғлидир. Чигатой улусида асиллик ва баланд мартабаликда бардослардан бошқа қабила бўлмаган. Ва амир Тароғай Чингизхоннинг улуғ амирларидан Қарожор нўённинг набирасидир... Амир Тароғай ҳамма вақт соҳибқиронни зебу зийнат билан тарбия қиларди ва соҳибқирон салтанатнинг ясо ва қонун — қоидалари билан машғул бўлар эди...

Дейдиларки, соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига боради. У киши бадавлат, нуфузли ва бой бўлиб, фаровон кун кечирар эди. Унинг етмишта турк ва ҳинд қули бор эди, моллари кўплигини шундан ҳам билса бўларди. Ўша киши соҳибқироннинг отасига шикоят қилди: «Худо менга кўп молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим эса салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман». Соҳибқирон гапга аралашди ва деди: «Эй ота, фарзандларингга молларингдан бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига дохил қилгинким, улар ўз-ўзи билан овора бўлсин. Сўнг турк қулларни ҳинд қулларинг тепасига қўйгинки, ҳиндларни ўз амри фармонида бўйсундирсинлар. Кейин ҳар уч қулни улардан ақллироқ, бир қулинг ихтиёрига топшир. Сўнг уларнинг ҳар бирини еттидан қулнинг амири қил. Кейин етмиш қулга бош бўлган ана шу еттидан қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар». Ўша киши дарҳол амир Тароғайга деди: «...се-

нинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни унинг шу гапларидан фаҳмлаб турибман... Сўнг сиёҳдон, қалам ҳозирлади ва ўша мажлисда соҳибқирондан хат ёздириб олдики, бунда унинг «давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, бирор киши ўша киши, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин; уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар; унинг қавми тархон қилинсин». Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида тархондирлар».

Бу парча таниқли олим Бўрибой Аҳмедов томонидан нашр эттирилган (1967 йил) «Давлатшоҳ Самарқандий» рисоласидан келтирилди. Бу парчада уч жиҳат эътиборни тортмай қолмайди. Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро»ни Занжирсаройга Тўхтамиш ўт қўйгандан роппа-роса юз йил сўнг — 1487 йилда ёзиб тугатган. У, эшитганлари асосида ана шу нақлни ҳикоя қилган, албатта. Диққатга сазовар жойи шундаки, Давлатшоҳ Самарқандий худди Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ўхшаб, улуғ Амир Темурнинг асли (яъни, зоти) Кеш вилоятидан демоқда. Ҳатто, у Заҳириддин, Муҳаммад Бобурдан кўра ҳам майдонни кенгроқ олган. Бобур Амир Темурнинг «зоду будини Кешдин» деса, Давлатшоҳ Самарқандий «Кеш вилоятидан» деб кўрсатади. Мулоҳаза қилинса, бу ерда жуда катта мантиқий фарқ борлигини тан олишга тўғри келади. Ҳолбуки, «Тазкират уш-шуаро» ёзиб тугалланган вақтда Заҳириддин Муҳаммад 4 ёшда эди. Бу билан Давлатшоҳ Самарқандийнинг гапини маъқулламоқчи эмасмиз, фақат, демоқчи бўлганимиз, буюк соҳибқирон вафотидан унчалик кўп вақт ўтмай, унинг таржимаи ҳолида аниқликдан кўра, нақлий йўналиш устувороқ бўла бошлаган экан. Қолаверса, бутун Кеш вилояти Тарағай авлодлари қўлида бўлиб келганлиги учун, муаллифлар соҳибқирон туғилган жойни аниқ кўрсатишни аҳамиятга молик деб қарамаганлар. Демак, XV аср манбаларининг ўзида ҳам Амир Темурнинг туғилган жойи хусусида аниқлик ва бир хиллик йўқ.

Давлатшоҳ ҳикоятдаги иккинчи муҳим томон Амир Темурнинг етти ёшда эканлигидир. Бу чинакамига топилдиқ, кашфиётга қиёс қилгудек табаррук нақл. Учинчи жиҳат, етти ёшда Амир Темурнинг саводли бўлганлигини таъкидлашда кўринади. Амир Темурни етмиш йил давомида саводсиз, йўлтўсар, қароқчи деб келган олиму адиблар ақалли инсоф узасидан Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасига ҳам бир нигоҳ ташлашлари лозим эмасмиди?! Ахир, акад. В. В. Бартольд билан бутун бошли илмий ходимлар гвардияси ишлаган, Туркистондаги жамики ноёб қўлёзмаларни ўз тасарруфларига олган эдилар-ку?! Буни Самарқанд осмонига XIV-XV асрда чиққан порлоқ юлдузларни ер билан битта қилишга уринган адиб Сергей Бородин ҳақида ҳам айтиш ўринли.

Нисбатан кейинги давр манбалари ҳақида гапириладиган бўлса, энг аввало, Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» эсга тушади. Асар 1990 йилда оммавий йўсунда нашрдан чиқарилди. Ҳерман Вамберининг улуғ соҳибқирон туғилган жой

ҳақидаги фикри ҳам айтарлик янгилик эмас. Жумладан, у бу ҳақда тубандагича ёзади:

«Барлос уруғининг кўрагон тармоғидан Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ҳодиса бўлди. Бу шахс Оврупада Тамерлан ёхуд Темурланг номи ила машҳурдир. У 736 (1333) йил шаъбоннинг бешида, сешанба куни кечқурун, Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойи бўлгани учун «Шаҳрисабз» аталган маҳалласида дунёга келди. Кейин бутун шаҳар шу ном билан аталди. Темурнинг отаси Тўрғай барлос уруғининг бошлиғи эди» (30-бет).

Бу парчада айрим ноаниқликлар бор. 736 ҳижрий йил, маълумки, 1335/36 милодий йилга тўғри келади, бу биринчиси. Сўнгра, «Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойи бўлгани учун «Шаҳрисабз» аталган маҳалласи» деган гапни қандай тушуниш керак? Наҳотки, бир жуғрофий минтақада ёлғиз бир маҳалла кўкаламзор бўлса? Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу сўзлардан икки-уч аср олдин «баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хуб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар», деб ёзганида шаҳар ва унинг дала-дашглари яшнаб, кўм-кўк бўлиб туришини очиқ-ойдин ифода қилган эди. Шунга кўра, «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» ҳам улуғ бобомизнинг туғилган жойи ҳақидаги маълум фикрни, нисбатан торроқ йўсунда, бошқачароқ такрорлайди, десак бўлади.

Юқорида буюк соҳибқироннинг Кеш (Шаҳрисабз) ва Хўжа Илғорда туғилганлигини далолат этувчи ва нақл қилувчи қарашлар билан қисман танишиб чиқдик. Энди навбат учинчисига — Занжирсаройга келаётир.

## 8

Инсоният тарихида фавқулодда улуғвор мақомга кўтарилган тарихий шахслар ҳақида замонлар ўтиши билан турли нақллар, ривоятлар тўқилган. Бу нақл ва ривоятларда ҳақиқат ва бадиият шунчалик чатишиб, бирикиб кетганки, тарихий далилни тўқима унсурдан фарқлаш, кўпинча, жуда мушкул. Одамлар буюкликнинг шоҳсупасига кўтарилган ўз йўлбошчилари — пайғамбарлар, подшоҳларга илоҳийликка мансуб зотлар сифатида қараганлар. Шу боисдан уларнинг болалиги, ёшлиги ҳақида афсонавор, мўъжизавий воқеаларга тўла қиссалар тўқилган. Ҳатто, бундай зотларнинг туғилиши ҳам гайри табиий, уларга Оллоҳнинг алоҳида назари ва ғамхўрлиги улар дунёга келмасиданоқ белги беради...

Бир куни Мидия подшоҳи Астиағ туш кўрибди: тушида қизи Мандона дарёга айланибди-да, унинг пойтахти Экбатан шаҳринигина эмас, Осиё ерларини ҳам сувга бостирибди. Туш жўрловчилар шоҳга у кўрган тушни таъбир қилибдилар: қизинг Мандона яқин орада ўғил кўради, туғилажак набиранг нафақат сенинг юртингни, балким, Осиёни ҳам қўлга киритади... Бу нақл ўзини Осиё подшоҳи деб эълон қилган, тахтда 28 йил ҳукм сурган Юнону Вавилонни титратган,

аммо, бизнинг улуг онамиз Тўмарисдан мағлуб бўлган Кирнинг туғилиши ҳақидадир.

Плутарх Искандар Моқидунийнинг бу ёруғ оламга келиши ҳақида ажойиб бир ривоят битган. Филипп ўз севиклиси Олимпиадани ниқоҳига олгач, гўшангада малика бир мўъжиза кўради. Ҳавода моқалдироқ гулдираб, яшин чақнайди. Кутилмағанда яшин Олимпиаданинг бачадонига урилади-да, бутун вужудида кучли аланга кўтарилгандек бўлади. Бу ғаройиб воқеадан кўп ўтмай Филипп ҳам бир кечаси туш кўради. Тушида у хотинининг бачадонини муҳрлаган бўлади. Муҳрда шернинг акси бўлган. Талқинчи ва таъбирчилар Филипп хонадониди содир бўлган бу воқеаларни шарҳлашга тушадилар. Кимдир Филиппга хотинини қаттиқ назорат остига олиш лозимлигини уқдиради. Шунда, Тельмесдан келган соҳиб каромат Аристандр Филипп кўрган тушни таъбир қилиб, Олимпиада ҳомиладор, негаки, бўш бачадон (шунингдек, бўш жой) муҳрланмайди — қулфланмайди. Олимпиада ўғил кўради, туғилажак фарзанд шерсифат бўлади, деб башорат қилади.

Муаррих Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» асариди ҳам шундай нақл бор. Бу Чингизхоннинг катта бувиси Аланқуванинг нурдан ҳомила пайдо қилиши-ю, Темучин — Чингизнинг ўнг қўли кафтида увиб қолган қонни чангаллаб туғилганлиги ҳикоятидир. Кафтида қон тутамлаш Чингизхоннинг кейинчалик босқинчилиги ва қон тўкишидан ишорат экан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Рабғузийнинг қиссаларида ҳам, шунингдек, Лео Таксилнинг «Қизиқарли Библия» (Москва, 1976) асарида ҳам мусулмон ва насроний набийлар, пайғамбарлар ҳаётига доир илоҳийлик рамз ва нишонларини истаганча топиш мумкин.

Тарихий шахслар ҳаётига оид нақл ва ривоятларга илоҳийлик хамиртурушининг қўшилиши сабабларини турлича изоҳлаш мумкин. Ҳаммадан бурун, чамаси, уларнинг бошқаларниқидан фарқ қиладиган, ҳатто, сирли бўлиб туюладиган ҳаётига қизиқиш илк сабаб бўлса керак. Бунинг яна бир важҳи, айтиш ўринлики, баъзи хону подшоҳларнинг ном қолдиришга интилиши, шунинг учун атайлаб воқеаларни ўзи хоҳлагандек талқин қилдиришида ҳам кўринади.

Аввалги бобларда айтилдики, Амир Темур болалик ва ўсмирлик даври воқеаларини тарихларга «одамлар ишонмайди», деган андишадан киритдирмаган. Кўнглида ғаламислик тоши бўлган олимлар эса бундан ўзига хуш ёқадиган хулосалар чиқарган. Ҳақиқатда, улуг бобомизнинг 1358-59 йилларга қадар бўлган ҳаёт йўли, яъни қарийб, йигирма йиллик тарихи на Ҳофиз Абрунинг «Таърихи Шоҳруҳи», на Қози Байзовийнинг «Таърихи Низомий», на қози Абдулвақилнинг «Таърихи Фаррухшоҳий», на Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», на Абдураззоқ Самарқандийнинг «Тазкираи Давлатшоҳий», на Мавлоно Ашрафнинг «Жомеъ ул аъзам», на Мирхонднинг «Равзат ус сафо», на Хондамирнинг «Ҳабиб ус сияр», на Хожа Абдуллоҳ Ҳотифийнинг «Тарихи Темурий», на Хожа Ҳасан Нишопурийнинг «Тазкират ул аҳбоб», на Сом Мирзонинг «Тухфат ус Сомий» ва на

Низомиддин Шомий, Гиёсиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ асарларида акс этган эмас. Биргина Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасида буюк соҳибқироннинг етти ёшлик вақти билан боғлиқ нақл учрашини олдинги қисмлардан бирида эсга олиб ўтдик. Давлатшоҳ улуғ Амирнинг илк болалик пайтлариданоқ зукко ва фаросатли бўлганлигини атайин таъкидлаш учун шу нақлни келтириб ўтган.

Хўш, буюк соҳибқироннинг туғилиши, болалик ва ёшлик чоғлари қандай кечган? Бу саволлар, афтидан, анча кейин, Шайбонийлар салтанати емирилиб, уч хонлик қарор топа бошлаган асрларда юзага чиқа бошлаган. Темурийлар ўрнига ҳокимият тепасига келган яна бир ўзбек уруғи вакиллари — Шайбонийларни ҳам муаррихлар негадир Чингизхон тухумидан қилиб кўрсатишга зўр бериб уринганлар. Шу боисдан ҳам, XVI-XVII асрларда яратилган тарихий асарларда Темур шахсидан кўра, Чингиз сафсатаси кўпроқ жойни ишғол қилади. XVIII асрга келиб тамом парчаланиб улгурган Мовароуннаҳрда буюк соҳибқиронга бўлган қизиқиш кучайиб боради. Давр фозиллари, илм аҳли Амир Темурнинг Ватан ва Халқи олдидаги хизматларини таназзул асрларида янада яққолроқ кўра билганлар, чоғи.

Маълумки, Амир Темур тириклиги вақтида унинг ҳаётига бағишланган асарлар ёзилмаган. Тарихий асарларда нисбатан кейинги давр қамраб олинган. Гиёсиддин Али Яздийнинг Ҳиндистон юришига бағишланган асарини Амир Темурнинг ўзи далиллардан кўра мақтов ортиб кетганлиги учун қабул қилмаган. Эҳтимол, улуғ Амирнинг асарларга қўядиган қаттиқ талаби — ҳақиқат талқини кўплаб қалам соҳибларини ўйлаб иш тутишга ундаган бўлса ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам, буюк соҳибқироннинг илк ҳаёти тарихий китоблардан ўрин олмай қолган. Унинг Мовароуннаҳр тахтини олиши, зафарли юришлари тарихи ҳам вафотидан чорак асрдан зиёд вақт ўтиб тартибга келтирилади. Бу Шарафиддин Али Яздийнинг 1437 йилда ёзиб тугалланган «Зафарнома»си эди. XV асрнинг иккинчи ярми сўнгида Абдуллоҳ Ҳотифийнинг «Тарихи Темурий» асари ҳам яратилган. Афсуски, бу асар ҳақида маълумотларга эга эмасмиз.

Қайд этилганидек, XVII асрнинг охири — XVIII асрнинг бошларига келиб буюк соҳибқироннинг парчаланган, пароканда бўлган Ватани — Мовароуннаҳрда унинг ҳаётига, оламшумул сиёсий фаолиятига, исломга бўлган муносабатига қизиқиш кучаяди. Бир сўз билан айтганда, «Темурнома»лар пайдо бўла бошлайди. Ажабланарли жойи шундаки, дастлабки «Темурнома» форсий тилда ёзилган. Бизнинг қўлимизда ҳижрий 1124 санада (милодий ҳисобда 1712 йил) битилган форсий «Темурнома» сақланади. Бу қўлёзмани чироқчилик акобир фозиллардан 83 ёшлик Ғуломхон Искандархон кажрафтор замон ғулуларидан эсон-омон сақлаб келган. Қўлёзма қалин ва чиройли қизил муқовада, ғоят гўзал настаълиқда ёзилган. Асар «бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»дан сўнг, қуйидаги байт билан бошланади:

Ҳар офаридаи ман сухан ибтидо кунад,  
Аввали бинои кор ба номи худо кунад.

Қўлёзмининг охирги варағи ярмидан йиртилган. Китобнинг шакли 28×16 см. ҳажмида бўлиб, варақлар рақамланмаган. Қоғози жу-да сифатли, юпқа, шилдиरोқ.

Муқаддимада аввало Амир Темур ва, умуман, Темурийлар ҳақида битилган тарихий асарлар ва уларнинг муаллифлари санаб ўтилади. Шундан сўнг, Мовароуннаҳрда ҳукм сурган подшоҳлар номма-ном келтирилади. Бу тарихий тартибот (хронология) Бухоро тахтига Абулфайз Муҳаммад Баҳодирхоннинг чиқиши билан якун топади:

«Дар тарихи хазору саду бист Абулфайз Муҳаммад Баҳодирхон дар тахти салтанати Бухоро қарор грифтанд»,—  
яъни:

Тарих минг бир юзу йигирмада Бухоро тахтида Абулфайз Муҳаммад Баҳодирхон салтанати қарор топди.

Демак, Абулфайзхоннинг Бухоро тахтига чиқиши ҳижрий 1120— санада юз берганки, бу милодий ҳисоб билан 1708 йилга тўғри келади. Шундан сўнг, асарнинг ёзилиш тарихи берилади:

«Дар таърихи хазору саду бисту чаҳор буд, ки ин сухан тартиб ёфт»,—  
яъни:

Тарих минг бир юзу йигирма тўрт бўлганда, ушбу сўз (яъни, китоб) тартиб қилинди (туғалланди).

Бинобарин, қўлимиздаги мазкур форсий «Темурнома» милодий ҳисоб билан 1712 йилда ёзиб тамомланган экан. Таассуфки, муаллиф исмини билиш мумкин бўлмади. Бу ерда Абулфайзхоннинг тахтга чиқиш санасига эътибор бериш керак бўлади. «Ўзбекистон ССР тарихи» 1-жилдида (Тошкент, 1970 йил) Абулфайзхоннинг 1711-1747 йилларда ҳокимият тепасида бўлганлиги кўрсатилади (571- бет). Мавриди келганлиги учун, шуни ҳам айтишликки, бу китобда Абулфайз билан Абдулазиз номи чалкаш берилади. Диққат қилган ўқувчи гапнинг Абулфайзхон ҳақида кетаётганлигини англайди, дарвоқе, китобнинг 573-бетига келиб, бу хато тўғриланади.

Расмий илмий манбаларда ҳам Убайдуллахондан сўнг Бухоро тахтига чиққан Абулфайзхоннинг ҳокимияти 1711-1747 йиллар, деб кўрсатилади. Албатта, бу бирдан-бир аниқ рақамлар эмас. Чунки, Лен-Пуль Абулфайзхоннинг тахтни эгаллаш йилини 1117 ҳижрийда (1705 м. й.) деб кўрсатади. Муҳаммад Амин Бухорий бу йилни ҳижрий 1123 (1711 м.й.) да деб ёзган. «Тухфат ул хоний» муаллифи Муҳаммад Вафо Карманагий эса бу йилни икки хил — 1123 ва 1134 ҳижрий деб қайд этади. Маълум бўлаётирки, Абулфайзхоннинг Бухоро тахтига чиқиши борасида уч хил фикр айтилган.

Биздаги мазкур форсий «Темурнома» ҳали Абулфайзхоннинг Бухоро тахтида эндигина ҳукм сура бошлаган йилларида (афтидан, Бухорода ёзиб тугалланган) тартиб берилган. Аниқроқ айтсак, муаллиф Абулфайзхоннинг замондоши. Қолаверса, Тошкентда, Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида 1331 ҳижрий йилда (м. ҳ. 1913 йил) нашр этилган «Куллиёти Темурномаи форсий» да Абулфайзхоннинг тахтга чиқиш йили:

«Дар таърихи хазору саду бисту ду Абулфайзхон дар тахти Бухоро қарор гирифтанд, сию хашт сол подшоҳӣ кард»,— (8-саҳифа),—  
яъни:

Тарих минг бир юзу йигирма иккида Абулфайзхон Бухоро тахтида қарор топди, ўттиз саккиз йил подшоҳлик қилди,— тариқасида кўрсатилади. Бу, энди, милодий ҳисобда 1710 йил бўлади. Туркий «Темурнома» нинг муаллифи Салоҳиддин Тошкандий бу ҳақда:

«Тарихнинг бир минг бир юз йигирмасида (1708-милодий йил) Абулфайз Муҳаммад Баҳодурхон Бухорои шарифга тахтини қарор бериб, ўтуз саккиз йил салтанат сурди («Темурнома», Тошкент, 1990 й. 37-бет),— деб хабар беради. Кўринадики, Абулфайзхоннинг Бухоро тахтига ўтириш йилини илк манбалар — форсий ва туркий «Темурнома»лар икки йил фарқ билан 1120, 1122 — ҳижрийда деб кўрсатади. 1712 йилда тугалланган (ҳижрий 1124 — йил) форсий «Темурнома»да Абулфайзхоннинг неча йил ҳукм сургани, қатл этилгани ҳақида гап йўқ. Бу тушунарли, албатта. 1913 йилда нашр қилинган «Куллиёти Темурномаи форсӣ» матни 8-саҳифадаги мана бу:

«Дар вақти Шоҳмуродбий, дар таърихи хазору ду саду ҳафт буд, ки ин нусха тартиб ёфт»,—  
яъни:

«Бу нусха (китоб — муаллифлар) Шоҳмуродбий замонида, тарих минг икки юз еттида тартиб топди (тугалланди),— сўзларидан маълум бўлишича, 1792 йилда ёзилган. Демак, икки форсий «Темурнома» ўртасида 80 йил вақт бор. Ҳижрий 1207 йилда (1792 м.й.) ёзилган (афсуски, бу нусхада ҳам муаллиф исми шарифи номаълум) ва 1913 йилда Фулом Ҳасан Орифжонов матбаъсида чоп этилган «Куллиёти Темурномаи форсӣ» да Абулфайзхоннинг 38 йил подшоҳлик қилгани, уни Раҳим Оталиқ манғит қатл этгани айтилади.

Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»си: «тарихнинг бир минг уч юз йигирма еттисида (1907 й) товуқ йилида» битилиб, Тошкентда нашр этилган. Уччала «Темурнома» нинг муқаддимасида жиддий тафовутлар бор бўлишига қарамай, тарихий далиллар хусусида ўзаро уйғунлик яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам, Занжирсарой, Амир Темурнинг болалик йиллари талқинида биринчи асар — 1712 йилда, Абулфайзхон тахтга чиқиш даврида ёзилган «Темурнома» қўлёзмасига асосий эътиборни қаратамиз.

1712 йилда ёзилган форсий «Темурнома» (бундан кейин, ишлатишга қулай бўлсин учун, қисқартириб ФТ деймиз) муқаддимасида улуг Амир Темурнинг шажараси: «Амир Темур ибн Тарағай баҳодир ибн Эрқул баҳодир ибн Энгиз баҳодир ибн Инжил нўён ибн Қарочор нўён (2-бет) тартибида берилади. Бунда, исмлардаги айрим фарқлар дейилмаса, у асосан илмий манбалардаги соҳибқирон авлоди силсиласига мувофиқ келади. Фосих Ҳавофий

Амир Темур шажарасини «Амир Темур Кўрагон ибн амир Тарағай ибн Барқул ибн Илонгир ибн Ижил ибн Қарожар нўён...» тизма-сида анча узоққа олиб боради.

Ўрта аср муаррихлари анъанага кўра, улуғ Амир Темур наслини сунъий равишда Чингизхон аждодларига боғлашлари расм тусини олган. Тадқиқотларида Чингизхон сулоласига ён босишга мойил акад. В. В. Бартольд ҳам вақтида бу хил «шажара»нинг ясама ва сунъий эканлигини кўрсатиб ўтган эди.

ФТнинг 19-саҳифасида (варақларни биз рақамлаб чиқдик — муаллифлар) бир жумла борки, бу темурийларни мўғулларга олиб бориб тақашнинг асоссизлигини кўрсатиш учун кифоя:

«Кўрагон асли туркон будааст. Дар урф «кўргон» мегўянд», — яъни:

Кўрагон асли турклар эдилар. Урфга кўра, «кўргон» дейишади.

Ҳерман Вамбери ҳам кўрагоннинг уруғ номи эканлигини, аниқроқ айтганда, барлос уруғининг тармоғи эканлигини айтган эди:

«Барлос уруғининг кўрагон тармоғидан Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ҳодиса бўлди» («Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», 30- бет).

Маълум бўлаётирки, ФТ муаллифи Ҳерман Вамберидан анча олдин бу фикрни таъкидлаган. Шу ўринда, кези келганлиги учун, Ҳерман Вамбери асарига сўз боши ёзган муҳтарам Тоҳир Қаҳҳорнинг:

«Вамберининг бир изоҳида кўрагон сўзи (биз ҳозиргача ўрганганимиз «куёв» эмас — Т. Қ.) гўзал маъносини билдириши, кўрагон-кўркли, кўркам экани айтилади. Муаллиф «Темурнинг уруғи барлос бўлган, аммо оила тармоғи кўрагондир», дейди. Демак, Темур барлос қабиласининг кўрагон — кўркам уруғидан бўлган. Ҳозирда Шаҳрисабз ва бошқа ерларда яшовчи барлос қавмига мансуб кишиларнинг кўркамлиги ҳам олимнинг бу фикрини тасдиқлайди. Кўрагон сўзини мўғулчага боғловчиларнинг асл нияти, менимча, Темур салтанати ва юришлари даврида анча-мунча тарихий алғов-далғовларга дучор қилинган элларнинг вакиллари бўлмиш, хусусан, араб ва форс муаллифлари ва уларнинг асарлари таржимаси воситасида Оврўпога ҳам ўтган бир томонлама, қусурли маълумотлардир. Темурнинг «мўғул наслиндан бўлуви ҳақида Мирхонд, Шарафиддин, Вайл, Хоммер ва бошқа мусташриқларнинг ривоятлари икки мартаба ёлғашдир». Вамбери бу фикрини ва «Темурнинг Қорачар нўён наслиндан бўлуви бўш ҳикоя»лигини, Чигатойнинг унга ўхшаш вазири бўлганлиги тўғрисидаги сўз «Жаҳонкушой»да йўқлиги, аммо Рашидиддин, Мирхонд ва бошқалар маълумотларни «Жаҳонкушой»дан олганликларини тасдиқлайди. Темурнинг аслини мўғулларга боғлаган бизнинг замон тарихчилари ҳам шу адашишнинг ихтиёрсиз қурбонлари ўлароқ, асоссиз сўзларни такрорлаб юрганликларини ана энди тушунса бўлар, деб ўйлайман» сўзлари нечоғлик ҳақлигини алоҳида уқдир-моқчи эдик.



ФТ да барлос ва кўрагонни алоҳида фарқловчи жиҳат Баёнқулихоннинг амир Тарағайга йўллаган мактуби муносабати ила янада очиқроқ намоён бўлади:

«Лашкари Ўғлан Кошғарро мусаххар кардаанд, ангези туғён до-ранд. Баёнқулихон нома ба Шаҳрисабз фиришад, ки албатта-албатта лашкари барлос ва кўрагонро гирифта сари вақт Ўғлан барад ва шарри эшонро дафъ кунад» (19- бет).

Бу ерда Кошғарни босиб олган мўғулларни дафъ қилиш учун барлос ва кўрагон аҳолисида лашкар олиш алоҳида таъкидлаб айтилмоқда. Шунинг ўзи ҳам туркий барлос уруғининг таркибида кўрагон тармоғи бўлганлигини англашга имкон беради.

ФТ муқаддимасида Амир Темурнинг умр йўли зикр этилган. Турган гапки, биз ФТни тарихий асар дейишдан йироқмиз. Шунга қарамай, унда улуг Амир Темурга оид маълумотлар буюк соҳибқиронга бағишланган тарихий асарларда айтилган фикрларга мос тушади. ФТ муаллифи келтириб ўтган айрим тарихий далилларни изоҳлаш орқали унинг тагида ҳақиқат уруғи борлигини кўриш мумкин бўлади. Масалан, муқаддимада:

«Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон дар хафсаду сию панж дар вақти Баёнқулихон, дар замони Шайхул олам Сайфиддин аз модар таваллуд кард аз духтари Садр аш шарифа Тегина Хотун аз модар. Сабаби ўро меҳнатҳо расид. Баъд аз ранжи бисъёр падараш ўро аз Зажирсарой дар Шаҳрисабз бурд» (2- бет) деган жумла бор. Бу ерда Амир Темурнинг Баёнқулихон ҳокимият тепасида турган дав-рда, Шайх ул олам Сайфиддин замонида Садр аш шарифанинг қизи Тегина Хотундан туғилгани, онасининг у туфайли кўп ранж-лар кўрганлиги, сўнг отасининг Темурни Зажирсаройдан Шаҳри-сабзга олиб кетганлиги айтилади. Энди шу жумлада тилга олинган тарихий шахсларни мулоҳаза қилиб кўрайлик. Баёнқулихон қачон тахтга чиққан?

Олдинги бобларда мўғул босқинчиларининг ўзаро ҳокимият та-лашуви кучайиб кетганлиги, хусусан, Қашқа воҳаси сиёсий кураш-лар саҳнасига айланиб қолганлигини ҳикоя қилдик. Мовароуннаҳрнинг ўзи ҳам мўғул хонзодалари орасида хомталаш қилиниб, кичик-кичик бўлакларга бўлиниб қолган эди. Чигатой авлодининг сўнгги вакили Қозонхон Ясагур Ўғлан тахтда бир неча йил муқим туриб, олдинги шавкатни тиклаш учун интилди. Унинг Чигатой улуси тахтига чиқишини Фосих Ҳавофий 1332-1333 йилда бўлган эди деб кўрсатади. Маълумки, Қозонхон пойтахтни Қарши шаҳри атрофи-дан танлайди, бу ҳақда юқорида гапириб ўтилди, Зажирсарой қасрини бунёд этади. «Мужмали Фосихий»даги тарихий тартиботга риоя қилинадиган бўлса, 1346 йилда Қозонхон амир Қазоғон билан бўлган иккинчи жангда енгилиб, қатл этилади. Амир Қазоғон шу билан Чигатой авлоди ҳукмронлигига барҳам беради-да, Ўқтой на-сабидан бўлган Дошмандчи Ўғланни (Донишмандчи) тахтга кўтаради. 1348 йилда Дошмандчи Ўғлан ҳам ўлдирилади. Амир Қазоғон бу сафар тахтга Баёнқули ибн Сурғаду ибн Давахон

ўғлини ўтқзади. Бинобарин, Баёнқулининг Чигатой улуси ҳокимияти тепасига келиши (ёки, фақат қўлда қолган Мовароуннаҳр тахти) 1348 йилда рўй берган экан. Бу пайтда, маълумки, Амир Темур 12-13 ёшли бола эди. Чамаси, ФТ муаллифи Амир Темурнинг Занжирсаройдан олиб кетилиши Баёнқули тахтга чиққан йилда юз берган эди, деган фикрни аралаштириб юборган кўринади. Шайх ул олам Сайфиддинга келсак, бу шахс Амир Темур таваллудидан анча бурун ҳаётдан кўз юмган. Шайх ул олам Сайфиддин Хуросоннинг Бохарз вилоятида 1190 йилда туғилган. У Ҳирот ва Нишопурда таҳсил олгандан сўнг Хоразмга, машҳур сўфий Нажмиддин Қуброга шогирд тушади. Шайх Нажмиддин Қубро ўзининг ватанпарварлик қарашлари билан танилган эди. Чингизхон босқини арафаларида у Сайфиддин Бохарзийни Бухорога юборади. Сайфиддин Бохарзий Бухорода 40 йилга яқин истиқомат қилади, бағоят катта обрў-эътибор орттиради. Олдинги бобларнинг бирида Сайфиддин Бохарзийнинг мўғул ялоқхўрларидан бўлган Ҳабаш Амидга ёзган шеърини келтирган эдик. Ҳеч шубҳа йўқки, ўз замонида гоят улуғвор «шайх ул олам» унвонини олган бу зот ватанпарварлик, мусулмонлик руҳини ўз устози Нажмиддин Қубродан олган. Сайфиддин Бохарзий 659 ҳижрийнинг 24 зулқабдасида (20 октябрь 1261 м.й) вафот этади. Унинг вафотидан бир йил ўтмай, мўғуллар ўғли Жалололдинни ўлдирадилар.

Ватанпарвар шайх Сайфиддин Бохарзий авлоди ғайри дин босқинчиларига муросасизлик кайфиятида бўлган. Унинг ўғил ва набиранлари XIV-XV асрларда ҳам катта таъсирга эга бўлган. ФТ муаллифи амир Тарағай билан Тегина Бегим никоҳидан кўп ўтмай, Шайх ул олам Сайфиддиннинг вафот этганлигини ҳикоя қилади. Мана шу далил муаллифнинг Шайх ул олам Сайфиддин билан унинг кейинги авлодларини адаштириб юборганлигини кўрсатади. Шайх Яҳё Бохарзий 736 ҳижрийда, яъни милодий 1335/36 йилда вафот этган. Шайх Яҳё Бохарзий ўзининг очиқ қўллиги, молу мулкини фуқароларга ҳадя этиб туриши билан танилган.

Фосиҳ Ҳавофий китобида яна бир диққатга лойиқ далил мавжуд. Шайхул олам Сайфиддин Бохарзийнинг ўғли Шайх Бурҳониддин ҳам 1336 йил қишида дунёдан ўтган экан. ФТда шайхнинг юз ёшдан ортиқ умр кўрганлиги айтилади. Зеро, Шайх Бурҳониддин отаси вафотидан 75 йил ўтгач қазо қилган, бинобарин, узоқ ёш яшаган ва амир Тарағай ҳамда Тегина Бегим никоҳига ҳомийлик қилган шу киши бўлса не ажаб?

Тегина Бегимнинг отаси — Садр аш шарийа ким бўлди? Маълумки, форсий ва туркий «Темурнома»ларда улуғ Амирнинг онаси Тегина Бегим бухоролик Садр аш шарийанинг қизи эканлиги айтилади. Садр аш шарийа унвонига ноил бўлган киши ҳақиқатда бўлганмикин? О. Д. Чеховичнинг «XIV аср Бухоро ҳужжатлари» асарида араб сайёҳи Ибн Баттутанинг сўзлари келтирилган. Ибн Баттута XIV асрнинг иккинчи чораги бошларида Ўрта Осиёда бўлган, Қаршида Кебекхон ҳақида кўп нақллар тинглаган. У 1333 йилда Урганчдан Бухорога

келади. Бухорода Сайфиддин Бохарзийнинг набираси, машҳур шайх Яхъё билан учрашади. Ибн Баттута бу ҳақида:

«Биз Бухоро четида, Фатҳобод номи билан машҳур бўлган жойда тўхтадик. Бу ерда Шайх ул олам Сайфиддин Бохарзийнинг қабри бор. У, покдоман, табаррук зотдир. Шайх ул оламга тегишли манзил ҳоят катта, унга сон-саноқсиз вақф ерлари қарайди. Вақф даромадларидан муридлар баҳра кўради. Бу ерда мени Маккани тавоф қилиб қайтган улуғ шайхнинг (Сайфиддин) вориси Шайх Яхъё меҳмон қилиб, ҳурматлади. У шаҳарнинг энг ҳурматли кишиларини тўплади. Қиссахонлар қироат билан ўқидилар, воиз таъсиллари сўзлар айтилди. Туркча ва форсча жуда яхши куйладилар. Биз у ерда энг ҳайратга лойиқ, мўъжизавий кечаларни ўтказдик. Мен шу ерда олижаноб олим — фиқҳшунос, «Садр аш шарийа» унвонига эга бўлган зотни учратдим», (О. Д. Чехович. «Бухарские Документы XIV в», Т., 1965, 10-бет). деб ёзади.

Ибн Баттутанинг сўзидан маълум бўлаётирки, Садр аш шарийа қандайдир мавҳум, ёинки, тўқима шахс эмас экан. Шариатнинг улуғ мансабдори бўлган зотнинг номи, исми шарифи тарихий асарларда беиз йўқолмагандир? Шу саволни кўнгилдан кечириб, «Мужмали Фосиҳий»ни варақладик. 1346-47 йил воқеалари тартиботи берилган варақда қуйидаги сўзларга кўзимиз тушди:

«Бухорода жумад ас соний ойининг охирида (1346 йил октябрь ойининг ўрталари) олимларнинг олими, Мавлоно Садр аш шарийа ибн Мавлоно Тож аш шарийа ал Бухорийнинг вафоти». (Фасих Хавафи, Муджмал-и Фасихи, Т., 1980, 74-бет).

Мавлоно Садр аш шарийа... Яна исм ноаниқ. Мавлоно Садр аш шарийанинг отаси Тош аш шарийа экан. Тож аш шарийа ҳам исм эмас, унвон бўлса керак. Ҳайриятки, «Мужмали Фосиҳий»нинг охирида берилган изоҳда Садр аш шарийанинг, шунингдек, унинг отасининг исми шарифи мукамал берилибди (изоҳ муаллифи Д. Ю. Юсупова). У қуйидагича: Садр аш шарийа Убайдуллоҳ ибн Тож аш шарийа Маҳмуд ибн Аҳмад ал Маҳбубий ал Бухорий. Энди айтиш мумкинки, улуғ Амир Темурнинг онаси Тегина Бегимнинг отаси Бухорода таниқли олимлар авлодидан дейишимиз бежиз эмас. Агар Сайфиддин Бохарзий мўғул яғмоси арафаларида Урганчдан (асли хуросонлик, Бохарз вилоятидан) Бухорога келиб ўрнашган ва обрў эътибор топган бўлса, Садр аш шарийа Убайдуллоҳ авлоди Бухоронинг туғди-битди кишиларидан бўлиб, диннинг улуғ пешволари бўлишган. Улар Бухоронинг тагли зотли кишилари сифатида фиқҳ илмида тенгсиз эдилар. Шу боисдан ҳам «тож аш шарийа» — шариат тожи, «бурхон аш шарийа» — шариат ҳужжати, «садр аш шарийа» — шариат улуғи каби энг мўътабар нисбалар улар исми шарифидан олдин айтилган. Фосиҳ Ҳавофий Садр аш шарийа Бухорий авлодидан бир нечаси номини келтириб ўтади. Жумладан, 1309 йилда Карманада вафот этган Мавлоно Тож аш шарийа Абу Абдуллоҳ Умар, 1329 йилда Карманада вафот этган Бурҳон аш шарийа Маҳмуд ва б.

Убайдуллоҳ ибн Тож аш шарийа Маҳмуд ибн Аҳмад ал Маҳбубий ал Бухорий 1346 йилда вафот этган. Садр аш шарийа номи билан маълум ва машҳур бўлган бу зот вафот этганда унинг набираси Темур II ёшда эди. Саналар жуда тўғри келади. ФТ-да нақл этилишича, Баёнқулихон Шаҳрисабзга, амир Муҳаммад Тарағайга мактуб йўллаб, Кошғарга бостириб келган мўғул ўғланга қарши отланишни буюради. Муҳаммад Тарағай бу юришда бир йил сафарда бўлади. Қайтиб Бухорога келади, қайноғаси Садр аш шарийаникига киради, аммо, Тегина Бегимни учратолмайди. Шаҳрисабзга келади, бу ерда ҳам Тегина Бегим йўқ. Унга Тегина Бегим отасини кўриб келиш учун Бухорога кетган эди, дейдилар. Излашлар фойда бермайди, орадан ўн икки йил ўтиб кетади.

Фикр юритаётганимиз 1712 йилда ёзилган форсий «Темурнома» мураккаб жанрдаги асар. Уни биргина бадийий йўналишдаги китоб, дейиш тўғри бўлмас эди. Ўрта аср Шарқ насриётига хос бўлган умумийлик ФТга ҳам хос хусусият. Шу жиҳатдан ФТ «Бобурнома»ни эслатади. Юқорида зикр қилинган тарихий шахслар мисолида ҳам бу ҳолат кўринади. Табиийки, ФТ тарихий воқеа-ҳодисаларни, шахсларнинг исми шарифларини чалкаштирган, аралаштириб юборган ўринлар йўқ эмас. Бу эса, асарда бадийлик босим қутблардан эканлигини кўрсатади.

ФТ муқаддимасида Темурни отаси Занжирсаройдан Шаҳрисабзга олиб кетгани айтилади. Хўш, Занжирсаройнинг ёш Темурга нима дахли бор?

Муҳаммад Тарағай ва унинг қариндош-уруғлари Кеш ва На-сафда катта мавқе тутганлиги олдинги бобларда сўзланди. Мўғул хонлари ҳам бу авлод билан ҳисоблашган, уларга нуфузли лавозимлар берганлар. ФТ муаллифи Чигатой насабининг Мовароуннаҳрда ҳукм суриши ҳақида сўзлаб, Темурнинг болалик йилларида ҳокимият тепасига Баёнқулихон келганлигини айтади:

«Авлоди Чигатой дар Мовароуннаҳр ва Фарғона батнан баъда батнан подшоҳӣ мекарданд. То навбати подшоҳӣ ба Баёнқулихон ибни Давонхон расид» (7-бет).

Баёнқулихон ҳам хос мўғул хони сифатида ўзидан илгариги ҳукмдорга яқин кишиларни мансабдан четлаштирган. Жумладан, Қозонхон даврида Қарши ҳокими бўлган амир Жоку барлосни ва-зифасидан бекор қилиб, ўрнига Темур авлодига душман бўлган амир Мусо Жалойирни қўяди:

«Ровй гўяд, ки қабл аз Амир Жоку дар вилояти Қарши буд. Баёнқулихон ўро бекор карда, амир Мусо Жалойирро ҳоким карда буд» (31-бет).

Шу саҳифанинг қуйроғида «амир Тарағай ба амир Жоку хеши наздик буд», дейиладики, бундан уларнинг жуда яқин қариндош эканлиги англашилади.

Демак, Қозонхон даврида амир Жоку барлос Қарши ҳокимлигида бўлган. Баёнқулихон уни мансабдан туширгач, амир Жоку Қозонхон қасри атрофига — Занжирсарой сарига кўчиб бор-

ган ва қўш тиклаган. Бу жойлар аввалдан унинг ота-боболарига тегишли бўлган. Амир Жоку бу йилларда чорвачилик билан шуғулланган, жуда бадавлат киши бўлган.

Амир Муҳаммад Тарағайнинг Қозонхон ҳокимиятида эътибори катта бўлган. Унга Кошғарга, Ўғланга қарши лашкар тортиш (Баёнқули номидан айтилади, аслида Қозонхон) буюрилади, шунга қараганда, амир Тарағай Кеш вилоятида амирлик — ҳарбий нозирлик мансабида бўлган дейиш мумкин.

Амир Муҳаммад Тарағайнинг оилавий ҳаёти ҳақида жуда кам нарсa биламиз. Унинг амир Қазоғоннинг қизи Йўқун Хотунга уйланганлиги, ўртада бола бўлмаганлиги нақл қилинади. Тегина Бегимдан ёлғиз ўғил фарзанд — Темур туғилган. Шундай экан, Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оға қайси онадан туғилган?! Ҳарҳолда, амир Тарағай Тегина Бегимга уйлангунга қадар ҳам оилалик бўлган.

Амир Тарағай Бохарзий авлодига қаттиқ ихлос қўйган киши эди. Унинг Садр аш шарифа Убайдуллоҳ қизига уйланишида Шайх ул олам авлодининг таъсири, албатта, бўлган. Чунки, олдинги бобда кўрилганидек, Шайх авлоди билан Садр аш шарифа авлоди ўртасида иноқлик кучли бўлган. Тарағайнинг янги уйланиши фарзанд масаласи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тегина Бегим билан топишувни шундай фараз қилиш мумкин. Одатда пирлар фарзанд билан боғлиқ ўринлардагина оилавий ҳаётга аралашганлар, маълум ижобий таъсир ўтказганлар.

Амир Муҳаммад Тарағай 1334 йилда Тегина Бегимни никоҳига олади. Бу никоҳ амир Қазоғоннинг газабини қўзғаша турган гап эди. 1356-57 йилгача ҳаёт бўлган амир Қазоғон, шубҳасиз, Тарағай авлодига, қариндош-уруғларига тазйиқ ўтказмай қолмайди. Бухоро тахтига Баёнқулихонни ҳам у кўтарган эди. Амир Қазоғоннинг чизигидан чиқолмайдиган (аслида у номигагина хон эди) Баёнқулихон амир Тарағайнинг яқин қариндоши амир Жоқун Қарши ҳокимлигидан бекор қиладики, бунинг замирида ана шу оилавий низолар турган, десак бўлади.

Қозонхон билан амир Қазоғон ўта мухолифлар эди. Охири-оқибат, амир Қазоғон 1346 йилда уни енгишга муваффақ бўлади ва қатл этади. Амир Қазоғон даврида (Баёнқули хонлиги) амир Тарағай авлоди катта қийинчиликлар кўрган. Шунга қарамай, уларнинг Кеш ва Қаршидаги нуфузи, кучи катта эди.

ФТда ривоят қилинишича, амир Муҳаммад Тарағай 1334 йилда Кошғарга жангга отланган. Бу сафар бир йилга чўзилган. Уша вақтда ўзаро жангу жадаллар шу қадар кўп ва тез-тез бўлиб турганки, уларнинг ҳаммаси тарихларда зикр этилган эмас. «Мужмали Фосиҳий»да 1335 йилнинг кузида Қутлуғ Темур қўшинлари билан бўлган жанг ҳақида хабар берилади. ФТ даги нақлга кўра, Темур отаси жангга кетгандан сўнг, орадан олти ой ўтгач туғилган. Амир Темур туғилган апрель ойидан то ноябргача кечган олти ойлик вақтга аниқлик мезонини қўйиш ўринсиз. Шунга қара-

май, ФТда Амир Темурнинг таваллуди тарихий асарлардагидан кўра бир қадар аниқлик билан ёритилган.

Амир Тарағай лашкар тортиб кетгандан сўнг, Тегина Бегимнинг кундоши, амир Қазоғоннинг қизи Йўқун Хотун унинг ҳомиладорлигини билиб, талвасага тушади. Нима қилиб бўлса-да, она-боладан қутилиш чорасини излайди. Ниҳоят, Тегина Бегимга отаси Садр аш шарийа номидан қалбаки хат қилиб, оғир бетоб эканлигини, «келмаса, дийдор охиратга қолишини» билдиради. Тегина Бегим икки канизак ҳамроҳлигида Бухоро йўлига тушади. Йўлда, чамаси, Занжирсаройга яқин қолганда Йўқун Хотун юборган қул Қойдун (туркий «Темурнома» да Мойдун) икки канизакни тутиб ўлдиради, навбат Тегина Бегимга етганда, у ваҳимадан ўзини қудуққа ташлайди. Шу орада қўй боқиб юрган чўпон қўйларни суғоришга олиб келади. Тегина Бегимни қудуқдан тортиб олади. Энди, мана шу ерда биз амир Жоку билан учрашамиз.

Амир Жоку (Чоку) қандай шахс, бадий образми ёхуд тарихий, ҳаётда бўлган кишимми? Айтиш лозимки, Темурийлар тарихига оид кўпчилик тарихий-илмий асарларда бу зотнинг исми шарифи учрайди. Унинг исми шарифини хаттотлар Чоку, Чокуй, Жоку тарзида уч хил ёзганлар. «Темур Тузуклари» да ҳам унинг номи кўп бора тилга олинади. «Зафарнома», «Мужмали Фосихий» асарларида бир жиҳат диққатни тортади. Масалан, «Зафарнома»да аввалги бобларда Жоку барлос деган номга дуч келсак, сўнгроқ амир Жоку барлос нисбалари ишлатилади. «Зафарнома»нинг (Самарқанд, 1969 йил) 216-саҳифасида «Амир Жоку бин Муборак бин Тўғон бин Қодон бин Ширға бин Қарочор нўён» деган исмга дуч келамиз.

Мана шу мулоҳазалар бизни Жоку — Чокулар икки киши бўлганми, деган андешага олиб боради. Шундай бўлса, ФТ да амир Жоку амир Тарағайга яқин қариндош деган гап ҳақ бўлиб чиқади. Шажарадан кўриниб турибдики, амир Жоку Муборакнинг ўғли. Муборак ўз навбатида амир Тарағайнинг бобокалони Қарочор нўёнга бориб тақалади. Амир Жоку ибн Муборак Қаршида ҳокимлик қилган, қачонки, у Баёнқулихон томонидан лавозимидан бўшатишга, отаси мулки бўлган Занжирсарой тарафга, ҳозирги Муборак тумани маркази жойлашган ерларга кўчиб боради, деб фараз қилсак бўлади. Ва бу фаразда асослар етарлидир.

Амир Чоку — Жоку барлосга келадиган бўлсак, у ёш жиҳатидан Амир Темурга тенгдош бўлиб кўринади. Амир Жоку ибн Муборак амир Тарағай тенгдоши бўлса, амир Жоку унинг ўғли Темур билан баравар. Амир Жоку ибн Муборак Қарши ва ҳозирги Муборак туманида яшаган бўлса, амир Жоку Шаҳрисабзда вояга етган. «Темур тузуклари»да улуғ Амир Темур мўғулларга қарши дастлабки ҳаракатни бошлаганда Кеш йигитларидан «Амир Жоку, Иқу Темур, амир Сулаймон ва Жалолитдинларни хилватроқ ерга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим», дейилади. «Тузуклар»нинг 86-бетида эса, «Барлос уруғидан (қуйидаги) тўрт кишини амир ул умаро қилдим: Амир Худайдод, унга Бадахшон мамлакатини инъом этдим.

Амир Жоку, амир Иқу Темур ва амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан сарҳад мамлакатини тортиқ қилдим», дейиладики, бу бизнинг Жокулар иккита бўлганлиги ҳақидаги шубҳамиз асосли эканлигини кўрсатади. Зеро, амир Жоку ибн Муборак Темур туғилмасдан бурун ҳам амир бўлган, Қаршида ҳукм сурган.

Амир Жоку ибн Муборак ҳам кейинчалик Амир Темурнинг юришларида амири бузург — улуғ амир сифатида қатнашади. У, 1383 йилнинг қишида вафот этади. Акад. В. В. Бартольд «1365 йилдаги Самарқанддаги халқ ҳаракати» деган ишида амир Жоку ибн Муборакни Жоку барлос билан адаштирганга ўхшайди. Маълумки, шу йили — 1365 йилда амир Ҳусайн исенда гумон қилиб Амир Темурнинг сафдошларини, дўстларини қамаб қўйган. Улар орасида Жоку, Сайфиддин, Оқбўға, Элчи баҳодир ва Давлатшоҳ бахшилар бўлган. Бизнинг фикримизча, бу Темурнинг ҳамтенгги — Жоку барлос эди.

Фосиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фосиҳий» сида ушбу масалада бизни қаноатлантирадиган яна бир далил мавжуд. Бу 1405-1406 йил воқеалари тафсилоти баёнида тилга олинган амир Жоку ҳақидаги хабардир. Амир Жоку барлос улуғ соҳибқирон вафот этганда ҳам Шоҳрух Мирзо хизматида бўлган, ҳарбий юришларда қатнашган. Хусусан, 1406 йилда Сабзаварда исен кўтарган Али Султонга қарши юришда амир Жоку амир Мизроб, амир Саййид Хожа, амир Жаҳон Мулklar билан бирга иштирок этади ва ғолиб бўлади. Афсуски, «Мужмали Фосиҳий»да амир Жоқунинг бундан кейинги ҳаёти қаламга олинмаган. Бу йилларда қаруви етган амир Жоку оламдан ўтган бўлса керак.

Олдинда сўзланмиш фикрлардан маълум бўладики, Чўлда, қудуқ бўйида Тегина Бегимга дуч келган киши амир Жоку ибн Муборак бўлган:

«Эй малика, маро амир Жоку барлос меғуянд. Ин шўбони ман аст. Тў ба жои фарзанди ман дар хонаи ман бирав. Тўро фарзандон тарбият кунанд. Баъд аз он хешони тўро ёфта, ҳамроҳ кунам» (22-бет).

ФТ дан келтирилган бу кўчирмада амир Жоку барлоснинг Тегина Бегимни фарзанд сифатида қабул қилганлиги (бу ҳам унинг ёши катталигини кўрсатади), уйига олиб кетганлиги, қариндошуруғи йўқлаб келгудек бўлса, қўшиб юборишини айтганлиги нақд қилинган.

Амир Жоқунинг уйига келгандан олти ойлар чамаси вақт ўтгач, Тегина Бегимнинг кўзи ёриydi:

«Дар он вақт муддати вазъи ҳамли Тегина шуда. Шаби чақоршанба бисту панжуми шаъбон сичқон йили дар таърихи хафсаду сию панж дар толиъ саратон офтоб дар даражаи аввали жадй, моҳ дар бисту нуҳум даражаи далв буд» (22-бет).

Яъни:

улуғ соҳибқирон 735 йилнинг (сичқон йили) 25 шаъбони, чақоршанба оқшомида, ойнинг 29 ида дунёга келган экан. Тарихий

асарларда шаъбоннинг 25, шунингдек; 735 хижрий йил қайд этилган. Аммо, чаҳоршанба оқшоми, ойнанинг 29 далв даражасида эканлиги бошқа манбаларда учрамайди.

Амир Жоку яшайдиган жой қаерда эди ва у қандай аталарди. Бу саволга ҳам асарнинг иккинчи бобида жавоб берилади:

«Амир Жоку барлос марди давлатманд буд. Моли бисъёр дошт. Чихил гулом буданд, ки чаҳорпоёни у аз чоҳ мекашиданд. Дар далв занжир баста буданд, чихил кас, ки мезаданд, он далвро аз чох мебароварданд. Аз ин жиҳат он мавзёро «Занжирсарой» ном карда буданд» (31-бет).

Яъни:

«Амир Жоку барлос бой киши эди. Мол-ҳоли кўп, қирқ гуломи бўларди. Чорваси қудуқдан сув ичарди. Қовғага занжир боғланган эди, қирқ киши қудуқдан сув тортарди. Шу жиҳатига кўра, бу жойни «Занжирсарой» деб номлаганлар».

Шуни ҳам айтиш жоизки, ФТ да Занжирсаройнинг «Занжир саро» шакли ҳам учрайди. Бу, котибнинг эътиборсизлиги оқибати бўлса керак. Амир Темур амир Жоку барлос уйда вояга ета бошлайди. Унинг тарбияси билан амир Жокунинг ўзи шуғулланади:

«Чун Ҳазрат Соҳибқирон таваллуд гардид, амир Жокуи барлос батарибяти у муқайяд шуд» (23-бет).

Шу ерда бироз мулоҳазага эрк берсак. 1991 йилнинг ёзида Муборакда, Занжирсарой қўрғонида бўлганимизда, қариялар шу наҳлни қудуқ қовғасига занжир боғланганлиги учун бу жой Занжирсарой аталганлигини айтган эдилар. Бу фикр туркий «Темурнома» муаллифи Хожа Салоҳиддинда ҳам учрайди. Ҳамроҳлар билан қудуқни кўздан кечирганимизда занжир изларини топармиканмиз, деб беҳуда уриндик. Чунки, қудуқ кўмилиб қолган эди. Шубҳасиз, қудуқ тозалангудек бўлса, унинг гиштларида нафақат занжир излари, балки, тарих чизгилари ҳам қолган бўлса, не ажаб?! Бу ҳақда номшунос олимлар билан ҳам суҳбатлашиб кўрдик. Профессор Тўра Нафас занжирни сангир (қўрғон) деб тавсифлашга мойил. Ҳойнаҳой, Занжирсаройнинг лисоний маъносини очиб бериш келажакнинг ишидир.

Тегина Бегимнинг қудуққа тушиб, омон қолишига келсак, бунда муболага устун эканлигини айтиш ўринли. Бироқ, Бегимнинг отасини кўриш учун йўлга чиқиши, йўлда фожей воқеаларнинг юз бериши ҳақиқатдан узоқ эмас. Яна бир тахмин: амир Тарағай вазият танглиги ёинки муҳолифлари хавфидан қўрқиб, Тегина Бегимни яқин қариндоши амир Жоку хонадонига атай қўйиб кетмадимикин?

ФТда ҳикоя қилинишича, Темур амир Жоку хонадонидан 12 ёшга қадар яшаган:

«Амир Соҳибқирон то дувоздах сол дар хонаи амир Жоку буданд. Амир Жоку ба мардум гуфта буд, ин аз гуломбачаҳои хоназоди ман аст. Аммо аз фарзандаш бехтар мидид... Аммо Тегина Бегим дувоздах сол дар қўши амир Жоку буд» (31-бет).

Яъни:



«Амир Соҳибқирон то ўн икки ёшгача амир Жоку уйида бўлди. Амир Жоку одамларга бу менинг хоназод қул болаларимдан дер эди. Аммо фарзандларидан ҳам яхшироқ кўрарди... Аммо Тегина Бегим ўн икки йил амир Жоку қўшида бўлди».

Шундан сўнг, орадан йиллар кечиб, амир Тарағай Тегина Бегим овозасини эшитиб, касалга чалинган Йўқун Хотунни олиб, Занжирсаройга келади. Тегина Бегим дуосидан одамлар шифо топиб, донги тўрт тарафга кетади. Йўқун Хотун ўз гуноҳларини бўйнига олиб, Тегина Бегимдан шифо топади.

«Зафарнома»да айтилишича, Амир Темурнинг ўғай онаси Қадоқ Хотун бўлиб, у 1389 йилда вафот этган. Қадоқ Хотун Кешда дафн этилган. Бу борада ҳам ФТ ҳикояти ҳақиқатга яқин. Биз, шахсан, юқоридаги кўчирманинг бир жойига шубҳа қиламиз. Темур 12 ёшга етгунга қадар отаси уни тополмаслиги ишонтирарли эмас. Бунда бироз муболаға бўлса керак. Олдинги боблардан борида Темурнинг 7 ёшида отаси билан бир қариндошиникига борганлиги ҳақидаги Давлатшоҳ Самарқандий нақлини айтиб ўтган эдик. Ўша нақлда эътиборни тортадиган бир чизги — ҳалиги бой қариндошнинг 70 та турк ва ҳинд қули бўлганлигида. Амир Жоқунинг ҳам қирқ қули борлиги (бу фақат қудуқдан сув тортувчилар) бор. Эҳтимол, Темурни Занжирсаройдан анча олдин, 4-5 ёшларида олиб кетишгандир, 7 ёшларида яна шу қариндоши — амир Жоқунига меҳмон бўлиб келишгандир. «Темурнома»ларда амир Жоқунинг Темурнинг подшоҳ бўлишини каромат қилганлиги айтилади. Булар, албатта, фаразий гаплар. Лекин, ҳар бир ривоятнинг, ҳар бир нақлнинг тагида ҳақиқат уруғи бўлиши тайин. Айниқса, гап жаҳонга машҳур, улуғ зот ҳақида кетаётган бўлса, ортиқча муболағага йўл қўйиш одобдан эмаслигини аждодларимиз, хусусан, форсийзабон фузалолар яхши билишган. Агар туркий муаллифлар (шу сабабдан ҳам, ҳожа Салоҳиддин «Темурнома» сини таҳлил доирасига киритмадик) бу ҳақда биринчи бўлиб ёзганларида эди, буни тушуниш мумкин бўларди. ФТ муаллифи «Темурнома»ни яратар экан, деярли ҳар бир гапида тарихий асарларга мурожаат қилади. Мавлоно Яздий бу ҳақда ундай деган, Мавлоно Хотифий бундай деган, деб фикрини далолат этишга интилади.

Ниҳоят, нақлнинг давомига келадиган бўлсак, амир Тарағай бир неча кун қариндоши амир Жоку уйида меҳмон бўлади ва:

«Батд аз он амир Жокуро видоъ карда, Амирро гирифта, рохи вилояти Шаҳрисабз пеш гирифт. Дохили Шаҳрисабз шуд» (35-бет).

Яъни:

Шундан сўнг амир Жоку билан хайрлашди, Амирни олди-да, Шаҳрисабз йўлига тушди. Шаҳрисабзга етиб келди.

1712 йилда битилган форсий «Темурнома» да ҳикоя қилинган Занжирсарой ва улуғ Амир Темурнинг таваллуд топиши ҳақидаги нақл ана шундай хотимасига етади.

Занжирсарой... Ривоятлар ичидан бош кўтараётган муҳташам қаср. Бу жой ҳозиргача тарихий асарлар саҳифаларидагина мавжуд эди. Айтмоқчи, унинг ўрнини ҳам аниқ билмасдик. Уни Самарқандда дегувчилар ҳам бўлганди. «Зафарнома»да айтилганидек, Қарши шаҳридан «икки манзил» масофада, ғарброқда жойлашган Занжирсаройни ўрус манбаларига ишониб, икки кунлик йўлда деб лоқайд бўлдик. Занжирсарой ҳаётда бор, унинг харобалари авлодлардан мурувват ва шижоат кутиб турибди.

\* \* \*

Мана, ниҳоят, бадиа — қиссага сўнгги нуқтани қўйиш фурсати ҳам етди. Нимадир айтилмай, нимадир асосланмай қолганлигини кўнглимизда сезиб турибмиз. Муҳтарам ўқувчилардан узрхоҳмиз. Тасалли бергувчи бир жиҳат шуки, биз улуг бобомиз Амир Темур ҳаёти ва тарихини эндигина ўрганаётимиз. Баъзилар писанда қилганидек, у туғилган жойни аниқлаш «майда» мавзу эмас, аксинча, буюк соҳибқироннинг ҳаққоний таржимаи ҳолини яратишда дебоча бўлишга арзигуликдир. Тарихий ва бадий манбаларда, халқимиз орасида шу нақллар юрса, маълум ва машҳур бўлса-ю, биз ундан атайлаб кўз юмсақ, бўйин товласақ, оқибати нима бўлади?! Бундай «майда» мавзулар борган сари кўпайиб қолмайдими?!

Яна Занжирсаройга бирров нигоҳ ташлайлик. 1370 йилда Амир Темур амир Ҳусайн ўрнига Мовароуннаҳр тахтига чиққач, унинг ҳарамидаги хотинлардан фақат Сарой Мулк Хонимни манзур кўриб, қолганларини беғу амирларига никоҳлаб беради. Амир Ҳусайн хотинлари орасида Чигатойга насаб эътибори билан жуда яқин турадиган Тармашириннинг қизи ҳам бўлган. Айрим ўрус манбаларида айтилишича, Амир Темурга кўрагонлик — хоннинг кувёи бўлишлик шу аёл туфайлидир. Қачонки, Амир Темур Тармаширин қизидан воз кечган бўлса, яна кўрагонлик шу аёл туфайли бўлса?! Бунда қандай мантиқ бўлиши мумкин. Сарой Мулк Хоним Қозонхоннинг қизи эди. Олдинроқда бу ҳақда тўхталдик. Сарой Мулк Хонимнинг Қаршида туғилганлиги ҳақида нақллар эшитганимиз бор эди. Сарой Мулк Хоним Амир Темурдан 5 ёш кичик бўлган ва 1340/41 йиллар оралиғида туғилган. Қозонхон бу йилларда Занжирсаройни қуриб битказган ва шу қасрда яшай бошлаган. Шундай экан, Сарой Мулк Хоним — Биби Хоним Занжирсаройда туғилган бўлади.

Биби Хонимга қадар ҳам Амир Темурнинг хотин ва икки ўғли бўлган. Хотинининг исми Нурмиш Ога бўлган. Амир Темур Сарой Мулк Хонимни никоҳига олгач, уни биринчи малика мақомига молик қилади. Бунда нима сир бўлиши мумкин? 1346 йилда Қозонхон ўлдирилгач, унинг оиласи Занжирсаройда яшашда давом этган. Хаёлга эрк бериб, ёш Темур Сарой Мулк Хоним билан шу ерда — Занжирсаройда бирга униб-ўсган, дегинг келади. Агар Амир

Темур куёвлик (кўрагонлик) риштаси ила мўғуллардан мурувват кутмоқчи бўлганида эди, мавқеи Сарой Мулк Хонимдан анча баланд бўлган Чигатой авлоди вакили — Тармаширин қизидан ажралмаган бўлур эди. Мулоҳаза қилиш учун бу фикрда маълум асослар бор.

Амир Темур Занжирсаройга алоҳида бир ихлос билан қараган. Эрондан қайтишда ҳам, Хоразм устига юриш қилишда ҳам Занжирсаройда қишни қишлаб, дам олган ва шодмон кунларини кечирган. «Зафарнома»да бу ҳақда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Чун мавкаби хумоюн аз Жайхун ўбур карда, ба доруссалтана Самарқанд расид, субҳи саъодат аз уфуқи амоний ва омоли аҳолии он диёр дамид. Ҳазрат соҳибқирон он жо ба саъодат ва комроний бигузаронид ва зимистон дар Занжирсарой ба ишрат ва шодмоний қишлоқ фармуд» («Зафарнома», Самарқанд, 1969, 375- бет),—  
Яъни:

Чун Хумоюн (Амир Темур — муаллифлар) лашкари Жайхунни кечиб ўтдилар ва доруссалтана Самарқандга етдилар, ул диёр аҳолисининг бахт ва омонлик осмонида саодат тонгги ёришди. Ҳазрат соҳибқирон у ерда вақтни саодат ва комронликда кечирди ва қишни Занжирсаройда ишрат ва шодмонликда ўтказди.

«Зафарнома»да яна бир ўринда қуйидагича ҳикоя қилинади: «Ҳазрат соҳибқирон зимистон дар Занжирсарой қишлоқ фармуд... Ва чун ба саъодат ва иқбол аз қишлоқи Занжирсарой дар замони ҳифзи зулжалол нехзат фармуда, ба Хоразм расид» (344- бет),—  
Яъни:

Ҳазрат соҳибқирон қишни Занжирсаройда ўтказди. Саодат ва иқбол билан Занжирсаройдан жўнади ва зулжалол паноҳида Хоразмга етиб борди.

Маълумки, Амир Темур Тўхтамишга мойил бўлган Ҳусайн Сўфи устига бир неча бор юриш қилган. Хоразмга юриш олдидан Занжирсаройда хордиқ чиқариш 1371 йилда, кейин 1373 йилда бўлган.

Олдинги бобларнинг бирида 1387 йилда Занжирсаройнинг Тўхтамиш қўшини томонидан вайрон этилиб, ўт қўйилиши айтиб ўтилди. Амир Темур Занжирсарой учун қаттиқ интиқом олган:

«Ҳазрат соҳибқирон ба тасхири Форсу Ироқ машғул буд. Эшон Мовароуннахро холй ёфта тохт кардан ва саройи Қозон султонхонро ки ба Занжирсарой машҳур аст, хароб карданд» («Зафарнома», 582-бет).

Яъни:

Ҳазрат соҳибқирон Форс ва Ироқни босиб олиш билан машғул эди. Улар (Тўхтамиш қўшини — муаллифлар) Мовароуннахрни (эгасиз билиб) ҳимоясизлигидан фойдаланиб, уни босиб олдилар ва Қозон султонхоннинг Занжирсарой номи билан машҳур саройини вайрон қилдилар.

Фосиҳ Ҳавофийнинг гувоҳлик беришича, Тўхтамиш босқини хабари келган пайтда Амир Темур Қорабоғда қишлоқ жойидан

қўзғолиб, Гуржистон сарига отланган эди. Тўхтамишни дафъ этишга Амироншоҳ Мирзо бел боғлаган ва ёғийлар қочиб қутилишган. «Мужмали Фосиҳий» да 1388 йил воқеалари ҳикоя қилинганда, шу йили Тўхтамишнинг Хоразмда турганлиги айтилади. Буюк соҳибқирон тезкор Тўхтамишга қарши ўзи юриш қилади ва Хоразмга келади. Тўхтамиш Хоразмдан жуфтакни ростлаб, Дашти Қипчоқ сари қочиб қолади. Улуғ Амирнинг қўшини берган зарбага чидай олмаган Тўхтамиш яна қочиб қутилиди.

Шарафиддин Али Яздий ана шу жангу жадаллар ҳақида гапириб, қуйидагиларни ёзади.

«Сипоҳи зафарпаноҳ (яъни, Амир Темур лашкари — муаллифлар) аз оби Отил (Волга — муаллифлар) бар рўи ях гузашта, Саройро бигирифтанд ва оташ зада... биёварданд ва хароб кардани Сарой интиқоми жасорате буд, ки лашкар даст дар тахриби Занжирсарой намуда буданд» («Зафарнома», 582-бет).

Яъни:

Зафарпаноҳнинг сипоҳийлари Волга дарёсининг музи устидан ўтиб, Сарой шаҳрини олдилар ва унга ўт қўйдилар... Занжирсаройни душман лашкари вайрону гарот қилганлиги учун Саройни вайрон қилиш жасоратли интиқом эди.

«Зафарнома»да далолат этилишича, Тўхтамиш 1387 йилда Мовароуннаҳр бошига бемисл кўргиликлар солган, ўлкани то Термиз шаҳрига қадар талон-тарож этган, ўт қўйган. Бу талон-тарождан Қарши ва Ғузур шаҳарлари ҳам четда қолмаган:

«Ва чун мухалифон аз тасхири Бухоро ожиз шуданд. Ва зарурат аз он жо бархостанд ва ба харобии вилояти Мовароуннаҳр машғул гаштанд. Ва Занжирсаройро оташ заданд. Ва Далели эшон Султон Маҳмуд писари Кайхусрави Хатлони буд ва аз Қарши ва Ғузур гузашта, то Кўҳи танг ва лаби Омуйя тохт карданд» (405-бет),—

Яъни:

Ва мухалифлар Бухорони босиб олишдан ожиз бўлганларидан кейин, у ердан жўнаб қолишга мажбур бўлдилар ва Мовароуннаҳр вилоятида вайрончилик билан машғул бўлдилар. Ва Занжирсаройга ўт қўйдилар. Уларнинг ичида бу ишда илдами Кайхусрав Хатлонийнинг ўғли Султон Маҳмуд эди ва Қарши, Ғузурдан то Кўҳитанггача ва Амударёнинг соҳилигача бўлган ерларни босиб олдилар.

Занжирсарой қисмати шу тахлитда фожеий хотима топган. Тўхтамиш ўт қўйгандан сўнг шаҳар қайта тикланганми — йўқми, аниқ бир гап айтиш мушкул. Аҳоли Занжирсарой қудуғи сувидан, ҳарқалай, кейинлар ҳам фойдаланган бўлса керак. Кўҳна шаҳар — аҳолининг бир вақтлар гавжум ва муҳташам бўлган шаҳардан қолган хотирасидир.

Бу жойларнинг Муборак номи билан аталишига келсак, амир Жоку билан боғлиқ саҳифада бунга қисман жавоб берилди, чоғи. Туман номининг Хожа Абдуллоҳ Муборакка ҳеч бир дах-

ли ва алоқаси йўқ. Қашқа воҳасида мўғуллар босқинига қадар ҳам амир Тарағай авлоди ҳокимият тепасида бўлиб келган. Кешда амир-Қорачанинг (аслида амир Қорача. Китоб яқинидаги Тахти Қорача доvonини халқ шундай атайди) бир авлоди Хожи барлос ҳукм сурган бўлса, Қарши ва унинг атрофидаги мулклар амир Қорачанинг иккинчи насаби амир Жоку сулоласига тегишли бўлган. «Зафарнома»да амир Жоку шажараси қуйидагича берилган: Амир Жоку бинни Муборак бинни Тўғон бинни Қодон бинни Шарғай бинни Қарочор нўён. Амир Жокунинг Баёнқулихон тахтга чиққунга қадар Қарши ҳокими эканлиги зикр этилди, бинобарин, ундан олдин бу жойларда унинг авлоди, хусусан, отаси Муборак бинни Тўғон ҳукм сурган, дейиш мумкин. Муборак тумани қадимдан Амир Темур авлодига дахлдор жой сифатида қаралиши керак бўлади. Киши исмлари, жой номлари тарихий асарларда, айниқса, араб олимлари томонидан исталганча бузиб, ўз тиллари хусусиятига мослаштирилиб қўлланганки, бу муаммога ҳам баҳо бериш вақти келди.

Муборакда Нўширавони одил, Занжирсарой харобалари мажмуасида Хожа Ростан зиёратгоҳи бор. «Зафарнома»да Хожа Ростон Амир Темурнинг хизматида «шижоат» кўрсатаётган кишилардан бири сифатида тилга олинган. Демак, Хожа Ростон ҳам тарихий шахсдир.

\* \* \*

Қашқадарё улуғ соҳибқироннинг она юрти, киндик қони томган диёр. Ўзбекистоннинг ҳар тошу тупроғи, тоғу водийси буюк фарзандининг қадамидан мушарраф бўлган. Она-Ватанини мўғулларнинг бир ярим асрлик зулмидан қутқарган, жабрдийда халқларни асоратдан олиб чиқиб, рўшнолик берган бу зотнинг оёқ излари етган барча жойни аниқлаш, обод қилиш, лавҳлар қўйиш фарз ва қарзидир.

Ушбу бадиа-қиссада имкон қадар фикр юритилган, мушоҳада этилган жиҳатлардан бир нарса англашилдики, Амир Темурнинг туғилган жойи билан боғлиқ тарих ҳозиргача билганимиздан кўра теран, мураккаб ва катта қамровга эга экан. Айтилганлардан қандай хулосаларга келиш мумкин?

Фикримизча, амир Тарағай Кешнинг энг нуфузли кишиларидан бири сифатида XIV асрнинг иккинчи чораги охирларига қадар ҳозирги вақтда Чироқчи туманига қарашли, Китоб шаҳрига туташ Тарағай деб аталадиган мулкларида яшаган. Буни 1712 йилда ёзилган форсий «Темурнома» даги бир жумла ҳам ишорат қилади. Ёш Темур тенгқурлари билан ҳарбий ўйинлар ўйнаб юрганида, бир кунни фожеа юз беради. Болалардан бири туйқусдан ўлади. Ҳамма бола қочиб қолади. Саросимага тушган болакай Темур ҳам Кешга, отасининг пири Шайх Ҳасан Кулол (Шайх Шамсиддин Кулол) ҳузурига йўл олади:

«Охир баъд аз андешаи бисъёр инони таважжух аз мавзеъ Тарагай ба жониби қалъаи хисори Кеш роҳӣ шуд» (36-бет).

Қолаверса, юқорида В. Бартольднинг амир Тарагай шаҳарда яшаманган, деган фикри билан танишган эдик.

1360 йилда амир Муҳаммад Тарагай вафот этади. Бу орада Амир Темурнинг амакиси Хожи барлос билан Баён Сулдуз амир Қазоғоннинг ўғли амир Абдуллоҳдан Мовароуннаҳрни тортиб оладилар. Тўқлуғ Темурхон уларга қарши юриш қилгач, амир Хожи барлос Хуросонга қочиб кетади. 1360 йилда Тўқлуғ Темур Кеш ҳокимлигини Амир Темурга беради. Орадан бир йил ўтиб, амир Хожи барлос яна Мовароуннаҳрни идора қилиш учун келади...

1355—1360 йиллар ораллигида амир Тарагай хонадони Кешда ўтроқлашади. Бунгача унинг қўши ҳозирги Тарагай мавзеъининг Говхона деган жойида бўлган, шу ерда бу хонадонга оид дахмалар бўлган. Айрим қабрлар ўрни ҳозиргача сақланиб қолган.

Амир Тарагай вақти-вақти билан ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб турган. Шундай узоқ сафарларнинг бирида унинг хотини Тегина Бегим Бухорога, отаси Садр аш шарифа Убайдуллоҳ ҳузурига йўл олган. Тегина Бегимнинг амир Жоку қўшида қолиши кундош макри билан бўлганми, ёинки, вазият, ҳарбий ва сиёсий ўзгаришлар тақозаси билан бўлганми, ҳозирча аниқ бир қарорга келиш оғир. Лекин, нима бўлганда ҳам, Темур шу ерда, Қозонхон ўрдаси Занжирсаройга яқин амир Жоку қароргоҳида туғилган. У, ФТда ва туркий «Темурнома»да айтилганидек, бу жойда 12 ёшгача қолиб кетмаган. Мухолифларга қарши юришдан (бу бир йил чўзилган) қайтган амир Тарагай, кўп ўтмай ўғли ва хотинини Шаҳрисабзга олиб қайтган.

Хожа Илғор қишлоғига келадиган бўлсак, бу ҳақда фикрлар олдинроқда айтиб ўтилди, бу ерда қўшимча айтиладиган гап шуки, «Зафарномада» ҳам, «Мужмали Фосиҳий»да ҳам шундай исмли киши учрамайди. Тарихан ҳам, жуғрофий нуқтаи назардан ҳам Хожа Илғор қишлоғи буюк соҳибқирон туғилган жой бўлолмайди. Бу Ибн Арабшоҳнинг уйдирмаси. Бундан Хожа Илғорни Амир Темурга нисбати йўқ жой сифатида чегириб қўйиш ярамайди. Аксинча, тарихий манбаларда (майли, ёлғиз бир асарда бўлса-да) улуг соҳибқирон туғилган жой тариқасида тилга олинган қишлоқ сифатида бу ерда ҳам қадамжо барпо этиш, лавҳлар қўйиш тўғри бўлади.

Занжирсаройни Муборак тумани аҳли учун табаррук қадимий маскан сифатидагина эмас, Темур авлодининг юрти, буюк Амир туғилган жой деб ардоқланиши, тарихийлаштирилиши зарур. Занжирсаройнинг шаҳристони ўрнида обод манзиллар бино қилиш, тамал тошлари ётқизилган тарх асосида қасрни тиклаш, Қарши — Бухоро (аслида Балх — Бухоро) йўлини, энг муҳими, қудуқни очиш ва таъмирлаш, Нўширавони одил, Хожа Ростон қалъа ва зиёратгоҳларини дунё сайёҳлари келиб кўрадиган қадамжога айлантиришлари керак бўлади.

Занжирсарой қиссаси тугадими? Йўқ, бу қисса энди бошланаётир.

Биз айтолмаган фикрлар, кўра олмаганимиз манбалар албатта илмий мақолаларда, салмоқли тадқиқотларда юзага чиқади, давом этади, деб ишонамиз. Танқиддан ҳам бенасиб қолмасмиз. Лекин, пировард натижада, бундан тетапоя бўлаётган ўзбек Темуршунослиги, фанимиз ютади. Ҳақиқат мадҳияларда эмас, илмий-танқидий қарашларда туғилади.

...Жулғунзорлар қоплаган, аср юки ва ғамларидан чўкиб қолган Занжирсарой тепалиги мунғайиб турибди. Бу жойнинг шу вақтга қадар қадимшуносл олимлар назаридан четда қолиб келганлигига ақл бовар қилмайди. Занжирсарой ҳали сирларини очганича йўқ. Муборак қабристондаги даҳма тошларининг ўзи бир тарих. Бу тошларда улуғ соҳибқирон амакилари амир Жоку ва унинг отаси амир Муборак даштларида кўмилиб қолган, қум барханлари қаърига чўккан обидалар авлодларга, кўп ҳақиқатларни ҳикоя қилиши турган гап.

Занжирсарой буюк бобокалонимиз Амир Темур киндик қони томган табаррук жой сифатида бутун оламга машҳурлик касб этишини хоҳлардик, иншооллоҳ, шундай бўлади, деб умид қиламиз.

## ФОСИҲ ХАВОФИЙ. «МУЖМАЛ-И ФОСИҲИЙ».

### АМИР ТЕМУР ЙИЛНОМАСИ.

1335—1336 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг шаббоннинг йигирма бешиде туғилиши.

1357—1358 йил. Амир Абдуллоҳ ибн Амир Қозағон томонидан Баёнқулихоннинг қатл этилиши.

1358—1359 йил. Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлоснинг амир Абдуллоҳ ибн амир Қозағонга ҳужум қилиши. Абдуллоҳнинг Андараб томонга қочиши ва ўлими. Мовароуннаҳрни Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлосларнинг эгаллаши.

1359—1360 йил. Мовароуннаҳрга жатта (мўғил) подшоҳи, Чигатой уругидан бўлган Тўқлуғ Темурхон ибн Ўғул хўжа ибн Дувахоннинг келиши. Бу хабарни эшитиб амир Ҳожи Барлоснинг Тўқлуғ Темур билан учрашмасдан, Мовароуннаҳрни тарк этиши ва Хуросонга йўл олиши.

1360—1361 йил. Тўқлуғ Темурхон фармонига биноан Кеш ҳукуматининг Амир Темурга ўтиши. Тўқлуғ Темурнинг Мовароуннаҳрдан ўз пойтахтига қайтиши. Амир Ҳожи Барлоснинг ўз мамлакатини бошқариш учун Мовароуннаҳрга қайтиб келиши. Амир Турағай Муҳаммад Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг отаси вафот этиши.

1361—1362 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг Хизир Ясурий сарига амир Ҳусайн ибн амир Мусаллаб ибн амир Қозағонга Баён Сулдуз билан бўладиган курашида ёрдам бериш учун келиши. Баён Сулдузнинг қочиши.

1362—1363 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан Сейистон юришига отланиши. Амир Соҳибқироннинг қўли ёй ўқидан яраланиши. Тузалиб, тагин амир Ҳусайнга қўшилиши, сўнгра иккаласининг Мовароуннаҳрга қайтиши. Амир Ҳусайннинг Амир Темур билан иттифоқ бўлиб жатта қўшини билан жанг қилиши. Самарқанд ва Кешнинг қўлга киритилиши.

1365—1366 йил. Жатта қўшини билан Ҳусайннинг машҳур Лой жанги. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг бу жангда катта жасорат кўрсатиши, бироқ амир Ҳусайн лашкарининг бўшанглиги туфайли жатта қўшинининг ғалаба қозониши. Амир Темур Ҳусайнни қанча қувватламасин, унинг лоқайдлиги. Шу сабабга кўра Амир Соҳибқироннинг унга нисбатан гина, кек сақлаганлиги. Иккаласи ўртасида нифоқнинг пайдо бўлиши.

1366—1367 йил. Бадахшон подшоҳининг амир Ҳусайнга душманлик кайфиятида бўлиши. Амир Ҳусайн билан Амир Соҳибқирон Амир



Темурнинг ярашиши ва уларнинг Бадахшонга биргаликда юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг амир Ҳусайндан олдинроқ Бадахшонни забт этиши ва уларнинг биргаликда қайтиши.

1368—1369 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темур билан амир Хусайн ибн Мусаллаб ўргасида низо чиқиши.

1369—1370 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қозагонга қарши чиқиши. Балхда Амир Соҳибқирон томонидан амир Ҳусайннинг ўлдирилиши. Амир Соҳибқироннинг тахтга чиқиши.

1370—1371 йил. Амир Соҳибқирон жатталар билан жанг қилишга отланади. Амир Соҳибқироннинг жатта устига иккинчи қатла қўшин тортиши. Кепак Темурнинг қочиши ва Амир Темурнинг Самарқандга қайтиши. Зинда Чашмнинг фитнада айбланиб ҳибсга олинаши. Амир Соҳибқиронга қарши уюштирилган бу фитнада амир Мусо, Абу Исҳоқ Хизир Ясурий ва шайх Абул Лайс Самарқандийлар қатнашганлиги. Зинда Чашм ҳоким бўлган Шибиргон ҳукуматининг Баён Темур ибн амир Оқбўғага берилиши.

1371—1372 йил. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга отланиши. Хоразм ёнида Ҳусайн Сўфи билан бўлган жанг. Ҳусайн Сўфининг қочиши. Хоразмнинг қамал қилиниши. Ҳусайн Сўфининг вафот этиши. (1372 йил 5 январь), Юсуф Сўфининг Хоразм шоҳи бўлиши. Кайхусрав Хатлонийнинг Ҳусайн Сўфи билан воситачилик қилгани учун қатл этилиши.

1372—1373 йил. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга иккинчи қатла юриш қилиши. У Юсуф Сўфи аҳдни бузганидан ғазабга келган эди. Юсуф Сўфи битим йўлини излаб, кечирим сўраши ва Амир Соҳибқироннинг ярим йўлда изига қайтиб кетиши.

1373—1374 йил. Малика Хонзоданинг Хоразмдан олиб келиниши ва унинг амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амир Темур кўрагонга ақд қилиниши. Амир Соҳибқироннинг Конигилда мисли кўрилмаган катта тўй қилишга амр этиши.

1374—1375 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг жатта томонга учинчи бор юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг Дилшод оғога уйланиши.

1375—1376 йил. Амир Соҳибқироннинг жатта сарига тўртинчи марта қўшин тортиши ва йўлдан қайтиши. Кўп ўтмай унинг мўғуллар устига бешинчи марта отланиши. Амирзода Жаҳонгир баҳодурнинг ўлими. Тўхтамишхоннинг ўрускондин юз ўгириб, Амир соҳибқирон ҳузурига паноҳ истаб келиши. Бу пайда Амир Темур жатталар билан бўлган жангдан қайтганлиги. Амир Соҳибқирон Тўхтамишхонга Ўтрор ва Сабранни инъом қилиб, илтифот кўрсатиши. Амирзода Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султоннинг туғилиши.

1376—1377 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темур фармонида кўра Тўхтамишхоннинг Дашти Қипчоқ ҳокимиятини қўлга олиши.

1377—1378 йил. Шоҳруҳ Баҳодирхоннинг ўн тўртинчи раби ас соний, пайшанба кунда (1377 йил 20 август) туғилиши. Амир

Соҳибқироннинг аслзодалар зотидан бўлган Туман оғога уйланиши. Амир Темур кўрагоннинг Занжир Саройда қишлаши.

1378—1379 йил. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга тўртинчи бор қўшин тортиши. Хоразм ёнида Юсуф Сўфи билан жанг қилиши. Сўфининг қочиши ва ичкарида мустақамланиши.

1379—1380 йил. Амир Соҳибқирон Хоразм қамалидан қайтганида Юсуф Сўфининг вафот топиши. Хоразмнинг фатҳ этилиши. Кешда Оқсаройнинг қурилиши. Кеш қўрғонини вужудга келтириши.

1380—1381 йил. Амирзода Амироншоҳнинг кўп кишилиқ қўшин билан Хуросонга отланиши. Амир Соҳибқироннинг Эронни фатҳ этиш учун келиши. Муҳаммад ибн малик Муъзиддин Кўртнинг Сарахсдан Амир Соҳибқирон ҳузурига келиши. Унинг иззат-обрўга ноил этилиши. Амир Соҳибқироннинг Қусуйга келиши. Паҳлавон Маҳди Қусуйянинг Амир ҳузурига келиши ва сийланиши. Амир Соҳибқироннинг улуг шайх ул ислом, Мавлоно Зайниддин Абу Бакр ат-Тайободий билан учрашуви. Шайхнинг Ҳирот аҳолисини таламаслик, қирмаслик ҳақидаги илтимосига Амирнинг аллақачон шу қарорга келганлиги ҳақидаги жавоби.

1381—1382 йил. Ҳиротнинг Амир Соҳибқирон томонидан фатҳ этилиши. Худошод Жўйин аҳолисининг Ҳожи Барлос хуни учун қатлга ҳукм қилиниши.

1382—1383 йил. Нишопурнинг олиниси. Малик Гиёсиддин Кўрт хонадонининг Самарқандга кўчирилиши. Фанокат мавзйидаги Шоҳруҳия шаҳрининг тикланиши. Бу шаҳар Чингизхон ҳукм сурган йилларда вайронага айланган эди. Шаҳар тикланиб, Амир Соҳибқирон фармонига кўра ўгли Шоҳруҳ номи билан аталади.

1383—1384 йил. Амир Соҳибқироннинг жаттага Қамариддинни маҳв этиш учун қўшин юбориши. Қамариддинни излаб тополмаслик ва қайтиш. Амир Соҳибқироннинг Мозандаронга юриши. Амир Соҳибқироннинг Сейистонни фатҳ этиши, малик Қутбиддинни ҳибсга солиш. Малика Дилдош оғо вафоти.

1384—1385 йил. Амир Темурнинг Астрободга юриши. Шерозда Шоҳ Шужоънинг вафот этиши. Ироқда бўлиш, Райда қишлаш. Баҳорга келиб Султонияга қадамжо қилиш. Сарик Одилнинг Шоҳ Шужоъдан элчи бўлиб келиши, унга ҳурмат кўрсатилиши.

1386 йил. Амир Соҳибқироннинг Табризга келиши, моли омон пешкаш этилиши. Гуржистон ҳукмдори Буқротнинг асир қилиниши, унинг ислом динини қабул этиши. Амир шайх Иброҳим Дарбандийга эҳтиром кўрсатилиши. Филон маликларининг Амирни кутиб олиши.

1387 йил. Амир Соҳибқироннинг Қорабоғ қишлоvidан Гуржистон сарига жўнаши. Тўхтамишнинг тузкўрлик қилгани ва итоатдан чиққани хабарининг келиши. Амирзода Амироншоҳнинг Тўхтамишхон билан жанг қилиши. Тўхтамишнинг қочиши. Амир Темурнинг Кўкча Тенгизга отланиши. Самарқанддан Сарой Мулк хонимнинг Шоҳруҳ султон билан Халил Султонни олиб келиши. Олатоғда Қора Муҳаммад кишилари билан жанг. Шерозни олиш.

1388 йил. Амир Соҳибқироннинг Форсдан қайтиши. Бешинчи марта Хоразмга юриш. Абул Фатҳ — Амир соҳибқирон куёвининг қочиши ва охир-оқибатда қатл этилиши. Амир Темурнинг Хоразмга келиши. Тўхтамишхон қўшинининг қочиши. Хоразмни вайрон этиш. Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхон билан жанг қилиш учун отланиш. Жангдан сўнг Тўхтамишхоннинг қочиши, Айди Берди бахшининг асир тушиши ва кечирилиши.

1388—1389 йил. Тўхтамишхон билан бўлган жангдан сўнг Самарқандга қайтиш. Кўп ўтмай яна Тўхтамишхон устига юриш. Тўқмоқ қўшинининг маҳв этилиши. Тўхтамишхоннинг енгилиб қочиши. Султонбахт бегим-Амир Темурнинг қизи билан амир Сулаймоншоҳ баҳодирнинг тўйи.

1389—1390 йил. Рай атрофидаги Оқйар деган жойда Қурултой ўтказиш. Амирзода Умаршайхнинг Севинч Қутлуг оғога уйланиши. Амир Соҳибқироннинг Дашти Қипчоққа юриши. Унинг касалланиши. Амир Темурнинг тузалиши.

1390—1391 йил. Амир Темур буйруғи билан амир Муסיқанинг вайрон этилган Хоразмни обод қилишга киришуви. Муסיқанинг бу ишни уддалаши. Баҳорда Амир Темурнинг Тошкентдан Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхон устига отланиши. Тўхтамишхоннинг енгилиши, катта ўлжа билан қайтиш. Амирзода Амиршоҳнинг Хуросонга жўнаши.

1391—1392 йил. Амир Темурнинг Тошкентдан Самарқандга келиши. Унинг Табаристонга юриш қилиши.

1392—1393 йил. Шоҳруҳнинг Самарқанддан Шасфанга чақириливи. Шерознинг иккинчи қатла фатҳ этилиши. Амир Темурнинг Бағдодда қишлови. Султон Аҳмаднинг қочиши.

1393—1394 йил. Муҳаммад Тарағай Улугбек кўрагоннинг туғилиши. Бағдод ёнидаги Хармату қалъаси учун бўлган жангда амирзода Умаршайхнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарнинг келиши.

1394—1395 йил. Тўхтамишхон билан жанг қилиш учун Дашти Қипчоққа қўшин тортиш. Дашти Қипчоқнинг, Черкас, Ўруснинг катта қисми фатҳ этилиши.

1395—1396 йил. Амир Темурнинг Сарой ва Ҳожи Тархондан қайтиши. Мардин ҳукмдори Исонинг ҳибсдан озод қилиниши ва Мардинни идора қилишни унга топшириш.

1396—1397 йил. Самарқандда Боғи Шамол қасрининг қурилиши. Малика Хонзоданинг Озарбайжондан келиши ва эри Амироншоҳдан шикоят қилиши. Кониғилда Боғи Дилкушо қасри ва боғининг барпо этилиши.

1397—1398 йил. Амир Темурнинг Хизир хожанинг қизи Тўқал хонимга уйланиши муносабати билан Кониғилда байрам. Султон Муҳаммадни Мўғулистон чегарасига жўнатиш. Астрободдан Шоҳруҳнинг Кешга, отаси билан учрашувга келиши.

1398—1399 йил. Амир Соҳибқироннинг Ҳиндистонга қўшин тортиши. Деҳли ёнида султон Маҳмуд ва Маллу хон билан бўлган жанг. Уларнинг Деҳлидан чекиниши. Ҳиндистондан қайтиш. 1399 йилнинг

10 майида Самарқандда Масжиди жомеънинг Ҳиндистондан келтирилган бойликлар ҳисобига қурдирилиши. Ҳиротда Боғи Шаҳр қасрининг қурилиши.

1399—1400 йил. Амир Соҳибқироннинг Озарбайжон сарига юриш қилиши. Гуржистонни фатҳ этиш, гуржилар қўлида асир бўлиб ётган мусулмонларни озод қилиш.

1400—1401 йил. Амир Соҳибқироннинг Шомни забт этиш учун қўшин тортиши. Сивасга келиш ва уни эгаллаш. Мардинга келиш, Қора Усмонга эҳтиром кўрсатиш.

1401—1402 йил. Қорабоғда қишлаш. Дорулфатҳ қасрининг тугалланиши. Амир Темурнинг Рўмга отланиши. Таргум, Кемах, Харуқ, Қайсария, Ангурия, Қорашаҳар қалъаларини олиш. Елдимир Боязид билан жанг. Елдимир Боязиднинг Султон Маҳмудхон томонидан асирга олинishi.

1402—1403 йил. 1403 йил 9 мартда Рўм подшоҳи, ҳибсда бўлган Елдимир Боязиднинг вафот этиши. 1403 йил 13 мартда Султон Муҳаммаднинг вафот этиши.

1403—1404 йил. Гуржистоннинг Қаргин қалъаси олинishi ва унинг Бўрон подшоҳга топширилиши. Арманистон ва Гуржистонга юриш. Асир тушган мусулмонларни қутқозиш. Байлақан шаҳрининг қурилиши. Барлос наҳрининг қазилиши. Шероз ҳукмдори, халққа зулм ўтказган Қутбиддинни жазолаш. Шерозга махсус кишилар юбориб, Қутбиддин этказган зарарни тиклаш, халққа офият беришни ташкил этишни топшириш.

1404—1405 йил. Амир Темурнинг Озарбайжондан қайтатуриб, Нишопурга тушиши. Уни Шоҳруҳнинг кутиб олиши. 1404 йилнинг 19 июлида Амир Соҳибқироннинг Рўм ва Шом юришидан қайтиб, Самарқандга келиши. Шаҳзодаларнинг уйланиши муносабати билан Конида тўй тантаналари. Масжиди жомеъ қурилишини бориб кўриш. Қурилишда ортиқча сарфга йўл қўйган меъморларни жазолаш. 1404 йилнинг 27 ноябрида Хитой сафарига отланиш. Амирнинг Ўтрорга яқин Оқсулот деган ерга тушиши, бу жойда 28 кун яшаши. Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликдан ва амир Хожа Юсуфдан бошқа жами қўшин бошлиқларини қишлаш учун Тошкентга жўнатиши. 1404 йилнинг 25 декабрида Ўтрорга жўнаш ва 1405 йилнинг 9 январидида шаҳарга келиш. Бу ерда қирқ кун соғ-саломат туриш, нарди ва шахмат ўйнаш билан машғул бўлиш.

Амир Соҳибқироннинг касалланиши ва 1405 йилнинг 18 февралда вафот этиши.

*Литературно-художественное издание*

*Паян Равшан, Жума Курбан*

**ГДЕ РОДИЛСЯ АМИР ТЕМУР ИЛИ РАССКАЗЫ  
О ЗАНЖИРСАРАЕ**

Эссе

Художник *А. Мамаджанов*

Ташкент. Издательство «Ёзувчи»

*На узбекском языке*

*Адабий-бадший нашр*

*Поён Равшан, Жума Қурбан*

**АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН ЖОЙ ЁХУД  
ЗАНЖИРСАРОЙ ҚИССАСИ**

Мусаввир *А. Мамажонов*

Муҳаррирлар *Б. Муродалиев, Ё. Раҳимова* Расмлар муҳаррири *Ҳ. Худойбердиев*.  
Техн. муҳаррир *В. Барсукова*. Мусаҳҳиҳ *М. Садилов*.

ИБ № 102

Босмахонага берилди 03.07.92. Босишга рухсат этилди 11.08.92. Бичими 60×90/16.  
Тип Таймс гарнитураси. Рўзнома қоғози. Офсет босма. Шартли босма 4,0. Шартли ранг  
оттиск 4,25. Нашр л. 4,1. Шартнома 40-92 Жами 60000 нусха. Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 8033.

«Ёзувчи» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Ўзбекистон Республикаси Дав  
лат Матбуот Қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси Ижара пудратидаги Тошкент поли  
графия комбинати. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Равшан, Поён, Қурбон, Жума.

Амир Темур туғилган жой, ёхуд Занжирсарой қиссаси: (Бадиа қисса).— Т.: Ёзувчи, 1992.— 64б.

#### 1. Автордош.

Не бахт, мустақиллик ва озодлик насими кўҳна тарихимиз устидан губорларни учира бошлади. Миллатимиз отаси Амир Темурни таний бошладик, тавқи лаънат чекинмоқда. Бадиа, ёинки, тадқиқот — қиссада соҳибқирон туғилган жой ҳақидаги манбалар гувоҳлиги қаламга олинади, ривоятларга нигоҳ ташланади. Улуғ бобомиз болалиги билан боғлиқ воқеалар зуваласида мўғуллар босқини, сиёсий воқеа-ҳодисаларга гаразли баҳо беришдек сўнги давр фани иллатларига ҳам муносабат билдирилади. Амир Темурни таниш унинг киндик қони томган жойни аниқ билишдан бошланади, албатта. Буни билиш эса осон эмас. Муаллифларнинг журъатига шерик бўлиш ҳар бир ўзбек учун фарз, деб ўйлаймиз.

Равшан, Поян, Курбан, Жума. Где родился Амир Темур, или Рассказы о Занжирсарае: Эссе.

ББК 63.3(2У)+63.3 (0)4